ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 25 ДЕКАБР, № 52 (3208) ЖУМА

ИСЛОМ КАРИМОВ—АЛ-АЗҲАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Миср Араб Республикасига расмий ташрифи воқеаларга бой бўлди. Ҳар икки дўст мамлакат ўртасидаги тарихий, маданий, иқтисодий, сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш ва янги босқичга кўтаришнинг истиқболли режалари устида аҳдлашиб олинди.

Ўзбекистон Президентига Мисрда жуда катта эъзозикром кўрсатилди. Чуқур тарихий илдизларга эга янги давлатимиз раҳбарига кўрсатилган бу эътибор замирида Ўзбекистон ва ўзбек халқига самимий ҳурмат ётади.

Миср сафари чоғида Ислом Каримовга «Ислом динини муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» дунёдаги энг мўътабар илм даргоҳларидан бири Ал-Азҳар университети илмий кенгаши қарори билан Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори унвони берилди.

Мустақил давлатимизнинг ғоят мураккаб муаммоларини ечиш, истиқлолни енгилмас қилиш йўлида ғайрат билан тер тўкаётган муҳтарам Президентимизни бу мўътабар унвон билан муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ал-Азҳар университети томонидан берилган Фахрий докторлик дипломи



Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим,
Миср Араб Жумҳурияти.

Ал-Азҳар университети.

Ал-Азҳар университетининг кенгаши ўзининг 1413 ҳижрий йил 19 жумодул охира (1992 йил 14 декабр) душанба кунги мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жаноб олийларига Ал-Азҳар университетининг Фахрий доктори илмий даражасини беришга қарор қилди.

Университет ректори
Абдулфаттоҳ ҲУСАЙНИ аш ШАЙХ.

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!
Билмаган нарсангни сенга ўргатди, бу Оллоҳнинг сенга буюк фазлу карамидир!
ҚУРЪОНИ КАРИМДАН.

1413 йил жумодул охира.
1992 йил, декабр.

УЛУҒБЕК ВАСИЯТИ

Шу кунларда Туркиядаги «АРТ» кино, телевидение ва нашриёт ширкати бошлиғи Жаниб Гирифтин ўғли ва таржимон Аҳсен Батур Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибдилар. Ширкат бир неча мустақил газета ва журналлар, жумладан «Ипак йўли» ҳафталик газетасини, телевидение дастурларини чоп этади. Аҳсен Батур бадиий таржима борасида қалами анча қайралган ижодкорлардан бири. У жаҳон адабиётининг ўндан ортиқ намуналарини турк тилига маҳорат билан ўгирган.

— Бундан бир неча йиллар аввал таржимонликни қўйиб тижорат ишлари билан шуғуллана бошладим, — дейди Аҳсен Батур. — Шу йил бошларида таниқли ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романини ўқидиму бу ажойиб асарни туркчага таржима қилиб у билан халқимни таништирмасам худди гуноҳ бўладигандай бир ҳолатга тушиб қолдим. Дўстим Бобохон Шариповдан маслаҳатлар олиб ишга киришдим. Уч ой ичида таржима ниҳоясига етди. Қўлёзма билан танишиб чиққан бир неча адибларимиз Одил Ёқубов маҳоратига юқори баҳо бердилар ва уни чоп этишга тавсия этишди. Биз Тошкентга келишдан олдин қўлёзмани «АРТ» нашриётига топширдик. Насиб этса ўн кунга қолиб-қолмай роман «Улуғбек васияти» номи билан турк ўқувчилари қўлига етиб боради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида меҳмонлар билан бўлган ижодий суҳбат чоғида «АРТ» ширкатининг икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш режалари тўғрисида сўз борди. Ширкат «Улуғбек васияти» асосида телефильм яратмоқчи. Бу ҳақда ўзбекистонлик киночилар билан келишиб олинди. Жаниб Гирифтин ўғли ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига кўра таржима қилиш ва турк тилида чоп этиш ниятини айтди. Аҳсен Батур Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» романини турк тилига ўгиришга киришганлигини маълум қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол, адиблар Одил Ёқубов, Шукрулло, Муҳаммад Али, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётининг директори Бобохон Шарипов ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўз ахборотимиз

МУХАРРИРГА мактублар

ЯНА МИЛЛИЙ МАКТАБ ҲАҚИДА

Севимли ҳафталигимиз саҳифаларида миллий мактаб зарурлиги ҳақида мақолалар босилганидан сўнг унинг шакли-шамойили қандай бўлиши хусусида мактаблар ва илмгоҳларда, мутахассислар даврасида турли баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Мен ҳам кўпдан буён ўзбек миллий мактаби қандай бўлиши ҳақида ўйлаб келаман. Яқинда Туркия республикасида сафарда бўлишга тўғри келди. Бошқа ислом давлатларидан юртимизга ташриф буюрган алломалар, исломшунослар, олимлар суҳбатида бўлдим. Ўзимча ўзбек миллий мактабининг қиёфаси қандай бўлиши зарурлиги ҳақида бир фикрга келгандек бўлдим.

Менимча, аввало, бундан буён қуриладиган мактабларимизнинг биноси ўзбек миллий меъморчилигининг қадимий анъаналарига ҳар жиҳатдан уйғун бўлиши лозим. Илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган фарзандларимиз онгида бу муҳим воқеа узоқ вақт сақланиб қолиши учун уни ҳам эсда қоларли қилиб ўтказиш керак. Ҳар бир ота-онага ўз фарзандини қайси муаллимга ўқитиш эрки берилмоғи керак. Албатта, фарзандини илк бор мактабга йўллайдиган ота-она мактабга бирга борса, ҳурматли қарияларимизни таклиф этиб, уларнинг оқ фотиҳасини олса, янада яхши бўларди.

Ўқув йилининг биринчи куни ҳам худди бу йилгидек ҳамиша мустақиллик дарслари билан бошланиши керак. Бундан ташқари, ўғил ва қиз болаларни албатта ажратиб ўқитиш лозим. Бу ўғил болаларни ғурурли, қиз болаларни эса ҳаёли-иболи қилиб тарбияланишига ижобий таъсир этади. Ҳозир келгусида қайси имлога ўтиш зарур деган масала ҳам муаммо бўлиб турибди.

Мактабнинг ташқи қиёфаси, унда ўқитилаётган фанлар миллий анъаналарга мувофиқ бўлгач, бу мактабда таҳсил оладиган фарзандларимизнинг кийинишида ҳам шу эҳтиёждан келиб чиқиш керак. Яъни ўзбек мактаблари учун миллий анъаналарга мос келадиган мактаб кийими жорий қилинмоғи даркор. Туркияда саккиз йил бепул ўқигандан сўнг ўқишни давом эттириш пуллик. Бизда ҳам шу усулни йўлга қўйса бўлади. Бунда ўқувчиларни кўпроқ касбга йўналтиришга, бирор ҳунар ўргатишга биринчи даражали аҳамият бериш керак. Токи, мактабда яхши билим олган фарзандимиз мустақил ҳаёт остонасида ўзига дурустроқ иш топа олмай қийналиб қолмасин. Саккизинчи синфгача ҳам баъзи фанларни чуқурроқ ўқитишни йўлга қўйишимиз мумкин. Бунда ота-оналарнинг розилиги билан ўша чуқурроқ ўтиладиган айрим фанларни пулли қилиш мумкин. Украина ва Русиядаги мактабларга «Урок божий» деган дарслар киритилди ва у яхши самара бермоқда. Бизнинг миллий мактабларимизда ҳам диний дарслар бўлиши зарур.

Албатта, миллий мактабнинг муаллими ҳам моддий жиҳатдан ўзига тўқ, эрки ва ҳуқуқи кўпроқ, ўз устида ишлашга, илмини ҳамиша чуқурлаштириб боришга тайёр бўлиши зарур. Бунинг учун уларнинг ҳаммасига ўтаётган дарсига қараб бир хил маош белгилашнинг баҳридан ўтиш керак. Ўқитувчининг истеъдодига, маҳоратига, савиясига қараб муайян ҳақ тўлаш тартиби жорий қилинмоғи зарур. Агар мана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, миллий мактаб яратилса, албатта, бундай мактаб билан ота-оналарнинг алоқалари ҳам ўз-ўзидан миллий анъаналар асосида йўлга қўйилади.

Олим ШАРИПОВ
Касби

МИРТЕМИР КЎЧАСИ

Миртемир тўғрисида Туркистон тумани аҳолиси ардоқлаб сўзлайдилар. Бундан икки йил бурун шоирнинг 80 йиллигига бағишлаб, туғилган юрти Иқон давлат хўжалигида уй-музейи очилиб, бронзадан бюсти қўйилган эди. Уй-музейни ҳамюртлари шоирга тегишли материаллар билан бойитиб, атрофига дарахт ва гуллар экиб, жаннатмакон этиб қўйишган.

Яқинда Туркистон шаҳри ҳокимининг қарори билан шаҳардаги кўркам кўчалардан бирига Миртемир номи берилди.

Қалихон АЛТЕКОВ,
Султон БОБОХОНОВ

МУХАРРИРГА мактублар

ИЗЛАГАНИНГИЗНИ ТОПАСИЗ

Мен ихчам магнитофон сотиб олган эдим. У 6 вольтли ток ўтказгич билан айтар экан. Ток ўтказгични қидирмаган жойим қолмади. Орадан бир йил ўтса-да, биронта дўкондан топа олмадим. Воқеани бир танишимга айтган эдим, у Тезиков бозорига бориб кўринг, деб маслаҳат берди. Якшанба куни бозорга бордим. Одам ёғилиб кетибди. Йўлнинг икки четига катта-кичик, янги-эски нарсалар териб қўйилибди. Шундоққина ерга, газетаю-қоғоз парчалари устига. Ё тавба, нималар йўқ дейсиз бу ерда. Мен ойлаб излаб юрган нарсанинг 4—5 хили бор экан. Кераклисини дарров топа қолдим. Харид қилдиму, яна кўнглимга шубҳа тушди. Балки ишламас...

Уйга келиб дарров синаб кўрдим. Хайрият ишлади. Мушкулим битди. Энди ниманики дўкондан тополмасам, дарров ўша бозорга бораман. Ишим битади. Лекин у ерда на сотувчи учун, на олувчи учун шароит бор. Йўл бандлигидан ҳайдовчилар ўтолмай хуноб бўлишади. Ерости йўли тирбандлигидан айримлар поезд йўлини кесиб ўтишади. Шиддат билан келаётган поезд чинқириб ҳуштак чалади. Ўтаётган одам жон ҳолатда ўзини четга олади. Сотилаётган нарсалар ҳам турига қараб алоҳида-алоҳида жойга ажратилмаган. Зарур нарсани топиш учун бозорнинг у бошидан бу бошигача тирбанд одамлар оралаб кезишингиз керак. Буюмларни қўйиш учун пештахталар йўқ. Баъзилар тупроқ, лойнинг устига қоғоз ёзиб қўя қолишган. Сотаётган нарсалари ўтгунча тик ояқда туришади.

Бозор маъмурияти шароит яратиш йўлларини ўйлаб кўришса, яхши бўларди. Балки нарсаларнинг эгаларидан харид қилиниб, махсус очилган дўконда сотиш имкони яратилар. Шунда сотувчи ҳам, олувчи ҳам ортиқча овора бўлмасди.

М. ҚУРБОНОВ

ҚАДРДОН ДАРГОҲ

Болалик экан-да, ўзимиз оддий талабамиз, узоқ-узоқ қишлоқлардан илм истаб келганмиз-у, дунёни тан олгимиз келмайди. Ҳали шаҳар муҳитининг бошқача эканидан бехабармиз, бу дунё қишлоғимиз осмонидай кенг, тоғларидай пурвиқор эмаслигини ўйламаймиз. Илм олмак эса ямяшил қирларга тикилиб, ширин-ширин хаёл суришдай ғаштли эмаслигини билармидик ўша кезлар...

Талабалик йилларини хотирлаганда умрнинг орзу-истакларга, битмас-туганмас режаларга тўлиб-тошган — авжи кўклам палласидай гўзал, навқирон фасли ёдингда қайта жонлангандай бўлади. Ва камтар, вазмин, талабчан устозлар бир-бир кўз олдингдан ўтади.

Бугун, орадан 10—15 йил ўтиб, ортингга бир ўгирилиб қарасанг, камалакдай жозиб хаёллар оғушида ўтиб кетган болаликнинг энг сўнгги даврида қўлингдан етаклаган азиз устозларинг олдида жуда кўп қарзинг борлигини ҳис этасан.

25 йил бўлибди Журналистика факультети ташкил топганига. Бу қутлуғ даргоҳда турли йилларда таълим олган ижодкорлар профессорлар Тўғон Эрназаровни, Очил Тоғаевни ҳурмат билан эслайдилар. Анвар Шомақсудов, Ирисали Тошалиев, Мухтор Худойқулов, Ёрмат Тожиев, Бегали Қосимов, Сайди Умиров, Сайёра Низомиддинова, Муҳаммаджон Бобожонов каби жонкуяр, ўз касбининг фидойилари бўлган азиз устозларга бугун «Ҳормангі» деймиз.

АДАБИЁТ ДАРСЛИКЛАРИ НЕГА ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЯПТИ?

- Ёмон қўлёзмадан яхши китоб чиқмайди
- Чала ишнинг касри
- Истиқболга бепарво қарамайлик

ҲАР ҚАНДАЙ ОЛИМУ ДОНИШМАНД дастлабки сабоқ ва таълимни мактабда олади. Дунёни англашнинг замини мактабда қўйилади. Шу боис мактаб дарслиги саҳифалари, ундаги битиклар хотирада умрбод муҳрланиб қолади. Фарзандларимизнинг эртага нечоғлик ақл-заковатли, илму урфонга мойил, комил инсон бўлиб вояга етишиши дарсликларнинг савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳозир республикамиздаги 8524 мактабда беш миллионга яқин фарзандларимиз таълим олмоқда. Уларни дарсликлар, қўлланма адабиётлар билан таъминлаш «Ўқитувчи» нашриёти зиммасида. Нашриёт йилига 25—27 миллион нусхада ўқув адабиётлари чоп этади. Шундан фақат ўзбек тили ва адабиётига доир дарсликларнинг ўзи 30—35 номдадир. Бу албатта, педагог олимларимиз, моҳир ўқитувчиларимиз меҳнатининг натижаси эканини алоҳида эътироф этамиз. Аммо уларга тўғри йўналиш бериш, қилаётган сермеҳнат ишларига мададкор бўлиш, тайёрланган қўлёзмаларга сайқал бериб уни китоб ҳолида мактаб ўқувчиларига етказиш республика Ўқув-методика марказининг тил ва адабиёт шўъбаси ҳамда «Ўқитувчи» нашриётининг тил ва адабиёт таҳририяти зиммасидадир.

Умуман, китоб чоп этишда нашриётлар бевосита муаллифлар билан иш олиб боради, муаммолар бамаслаҳат ҳал этилади. Дарслик масаласида эса бундай эмас. Ўқув методика маркази муаллифларга дарслик ёзиш учун буюртма бериб, унинг бажарилишини назорат қилади. Қўлёзма тайёр бўлгач, тақризлар ўюштиради ва қўлёзмани ўша тақризларга қўшиб расмий хат билан нашриётга йўллайди. Унда китобни қанча нусхада чоп этиш ҳам кўрсатилади.

Сиртдан қараганда тилга олинган марказ нашриёт ишини енгиллаштираётган, қўлёзмаларнинг ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаётган, мактабда дарслик танқислигига барҳам бераётган муассаса бўлиб кўринади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Бироқ, амалдачи? Амалда марказнинг тил ва адабиёт шўъбаси ўз вазифасини уддалай олмаётир. Оқибатда нашриётга келаётган қўлёзмаларнинг сифати паст, мазмуни саёз бўлмоқда. Улар нашриёт талабларига жавоб бермайди. Ундан ҳар икки томон: муаллифлар ҳам, нашриёт ҳам ютқазмоқда. Чунки нашриёт ҳеч қачон ёмон қўлёзмадан яхши китоб чиқара олмайди. Дарсликнинг қўлёзмаси хом бўлса, ундан яхши дарслик кутмаслик керак.

Баъзи қўлёзмаларнинг ушланиб қолиши сабабини унинг қандай тайёрланганлигидан қидириш лозим: хом-хатала қўлёзмалар таҳририят кенгаши қарори билан қайта таҳрирга берилади, тақриздан кейин эса тузатишга, сўнгра махсус муҳаррирга ва энг охири нашриёт муҳарририга келиб тушади. Дарслик қўлёзмаси бундай «айланма юришдан» ўтмаслиги учун уни қиёмига етказиб тайёрлаш керак. Бизда эса аксинча бўлаяпти. Марказ дарсликни пала-партиш тайёрлаб нашриётга жўнатади. Нашриёт эса уларни ё марказнинг ўзига йўллайди ёки қайта кўриш учун бошқатдан тақризга беришга мажбур бўлади. Бундан мақсад қўлёзма сифатини яхшилашдан бошқа нарса эмас. Афсуски, кўпчилик муаллифлар буни билишмайди. Улар китобнинг чиқмаётганлигини ёки кечикаётганлиги сабабини ўқув-методика марказидан эмас, нашриётдан кўрадилар. Оқибатда нашриёт айбсиз айбдорга айланади.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўқув-методика маркази 1990 йил 31 июлда «Қиёсий адабиётшунослик» қўлёзмасини нашриётга юборган. Унда олимларимизнинг ажойиб тақризлари ҳам бор. Агар варақлаб кўрсангиз қўлёзма бундан 15—20 йил аввал ёзилганига, тақризлар ҳам ўша давр руҳида битилганига ва жуда эскирганига ишонч ҳосил қиласиз. Яна бир ёмон томони — уни ўқиб бўлмайди, таҳрир қилинавериб чаплаб ташланган. Турган гап, биз уни марказга қайтариб, тузатиш кераклигини айтдик. Марказ эса ўз навбатида уни муаллифга қайтарди. Аммо нима қилиш кераклигини дурустроқ тушунтирмаган бўлса керакки, муаллиф қўлёзмани нашриётга яна ўша ҳолича олиб келди. Биз тушунтирганимиздан кейингина муаллиф қўлёзмасини олиб кетди. Хўш, айтингчи, бу ўринда ким айбдор:

Давоми еттинчи бетда

КИНОЧИЛАР АНЖУМАНИ

Куни кеча Тошкентдаги Киночилар уйида жумҳуриятимиздаги барча вилоятлар, Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри киностудия ишлаштириш бошқармалари, кино идоралари, филмларни ижарага бериш корхоналари, кинотеатрлар раҳбарларининг кенгайтирилган анжумани бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, бу Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси ташкил этилгандан буён ўтказилаётган дастлабки йирик йиғилиш бўлиб, унда республика киночилари олдида турган энг долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Давлат кинокомпаниясининг раиси **Хайрулла Жўраев** очди ва олиб борди. Ў ҳукумат кинокомпанияни Маданият ишлари вазирлигидан ажратиб, алоҳида ташкилот қилиш ҳақида қарор чиқариб ниҳоятда тўғри иш қилганлигини таъкидлади. Қарор чиққан март ойидан бери ўтган вақт ичида анча ташкилий, амалий тадбирлар амалга оширилди. Лекин ҳозирги куннинг талаби асосида иш юритиш учун кинокомпания тизимини такомиллаштириш лозим.

Ана шу масала юзасидан кинокомпания раиси муовини Анвар Ҳидоятов сўзлаб, йиғилганларга тизимни такомиллаштиришнинг икки хил йўналишини таклиф этди. Шундан сўнг Самарқанд кинолаштириш ва филмларни ижарага бериш корхоналари бошқармасининг бошлиғи Ҳасан Толибоев, Фарғона ва Қорақалпоғистондаги худди шундай бошқармаларнинг бошлиқлари Ҳамид Ковлонов ва Ўрозбой Одамбоев, «Ўзбекфилм» бирлашмаси Бош директори Аъло Хўжаев, республика ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар студияси директори Дамир Салимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққанларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида анжуман республика кинокомпанияси тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи тегишли хулосани қабул қилди. Навбатдаги йилда ишлар янгича услубда ўтиши ҳақида келишиб олинди.

Йиғилишда республика президентлик маҳкамасининг етакчи маслаҳатчиси Исмоил Тўхтамишев, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг раиси Малик Қаюмов қатнашдилар.

СУРАТЧИ БИСОТИДАН

Машҳур санъаткорлар Мукаррам Турғунбоева ва Юсуфжон қизиқ Шакаржонов

МУХАРРИРГА мактублар

ЯРАДОР АСКАР

Мен 1990 йил декабрда ҳарбий хизматга оиламиздан бешинчи солдат бўлиб чақирилдим. Хизматни Русия шаҳарларининг бирида бошладим 1992 йил 25 май куни машқдан сўнг темир нарвон устида (баландлиги 4 метр) ўтирганимизда бошим айланиб, кўзим қоронғулашиб йиқилиб тушдим. Аввалига тиббий ёрдам кўрсатишди. Кейин ҳарбий шифохонада умуртқа суягимни операция қилишди. Бу воқеани эшитиб, отам ва акам ҳолимдан хабар олгани боришди. Врачлар ўғлингизни уч ой ичида оёққа турғазиб юборамиз, деб уларни қайтариб юборишди. Шифохонада икки ой ётдим. Врачлар ўн уч ойда оёққа турасан дейишди.

25 июл куни бир рус офицери шериги билан мени замбилда кўтаришиб, самолётга олиб чиқишди. Тошкентга учиб келдик. Сўнгра улар мени Боровский номидаги ҳарбий шифохонага жойлаштиришди. Аввалига врачлар қабул қилишга кўнишмабди. Чунки ҳарбий шифохонадагилар мени даволашга бурчли эканлар. Офицер ва шериги менга турли ширин сўзлар айтишди. Тунги соат 12 да олдимдан чиқиб кетишди. Улар кетишаётиб, «эрталаб у-бу нарса харид қилиб келамиз, ҳали 5—6 кун шу ерда сенга қараб турамиз», деб хайрлашишди. Эртаси куни ҳам, кейин ҳам улардан дарак бўлмади. Улар мени бу ерга ташлаб, қочиб кетишган экан. Отам катта раҳбарларга учрашиб, менга ҳарбий шифохонада 40 кун қаратишга эришди. Аммо аҳволим ўзгармади. Сентябрнинг бошида уйга олиб келишди.

Шифохонада ҳам, уйда ҳам онам қараяптилар. Ўрнимдан туролмайман. Умуртқам шикастланган. Беш ойдирки, тўшакка михланганман. Шифокорлар 13 ойда яхши бўласан, дейишганди. Лекин ҳолим кундан кунга ёмонлашаяпти. Уйимиз совуқ. Ғаллаорол районидаги ҳарбий комиссариатдагилар ёрдам беришмаяпти. Армияга соғлом бориб, энди майиб бўлиб қолавер эмми? Оилавий аҳволимиз

Кекса ота-онам мени қайси шифохонага олиб боришни билишмаяпти. Онажонимга ачинаман. Кеча-кундуз менга қарайдилар. Яримжон касалга қараш осонми? Ота-онам давлатга беш нафар солдатни тарбиялаб беришди. Масъул шахслар бечора одамларнинг хизматини қадрламайдими? Бирдан-бир ўтинчим, мени катта врачларимиз оёққа турғазишса...

Тоҳир АЛМУРОДОВ
Ғаллаорол тумани, «Октябр 60 йиллиги» давлат хўжалиги

ИСТИҚЛОЛ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

Шу йилнинг 24—28 ноябр кунларида Покистоннинг Равалпинди шаҳрида маданий ҳамкорлик ва ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган халқаро минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчиси «Френс» («Дўстлар») жамғармаси бўлиб, у Покистоннинг йирик ва иқтисодий бақувват жамоат ташкилотларидан биридир.

Анжуманда Афғонистон, Озарбойжон, Хитой, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Туркманистон, Туркия, Ўзбекистон республикалари вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг олимлар, жамоат арбоблари, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича мутахассислар, тижоратчилардан иборат вакиллари кун тартибидаги тўрт йўналиш бўйича маърузалар, музокаралар ва мунозараларда фаол қатнашдилар. Булар маданий-психологик яқинликнинг тарихийлиги ва ундан ҳозирги замон тараққиётимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш, ахборот айирбошлаш, иқтисодий-тижорий алоқалар, моддий имкониятлардан унумли фойдаланиш масалаларидир.

Анжуманда маданий-психологик яқинлик ҳақидаги фикрларимизни айниқса кенгроқ баён этишга ҳаракат қилдик Зеро, бу фақат тарихий ва назарий масала бўлмасдан, балки ҳозирги кунда маданий ва маънавий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу мавзуда қилган маърузамизда шуни таъкидладикки, Марказий Осиё халқлари маданий ва маънавий ҳаёти ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида ғоят оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

Шунга қарамасдан минтақа халқлари маданияти ва санъати бир-бири билан узвий алоқада ва ҳамкорликда ривожланиб келди. Албатта, ҳар бир халқнинг маданияти ушбу халқ ҳаёти, унинг ижтимоий тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз халқи ҳаётининг бадиий, маънавий ифодаси бўлиб, унинг миллий хусусиятларини ўзида мужассамлантиради. Шу билан бирга халқлар ўртасидаги тарихий ҳамкорлик ва ўзаро маданий-маърифий алоқалар бадиий қимматлар яратишда ва бадиий-эстетик тафаккурнинг шаклланишида маълум бир яқинликни ҳам юзага келтирган. Бу ҳолни маданиятимизнинг кўп соҳаларида кузатиш мумкин. Айниқса, меъморчилик, китоб безаш, тасвирий санъат, ҳунармандчилик санъати ва бошқа соҳалардаги яқинлик бунинг мисоли бўла олади.

Бундай маданий яқинликнинг илдизлари нимада? Маданий ҳамкорлик, ўзаро алоқаларнинг муҳим сабабчиларидан бири, шубҳасиз «Буюк ипак йўллари»дир. Бу йўллардан қатнаб турган карвонлар ўзлари билан фақат қимматбаҳо матолар эмас, балки узоқдаги эл-элатларнинг маданий дурдоналаридан намуналар ҳам олиб келган ва уларнинг бошқа эл-элатлар орасида тарқалишига сабабчи бўлган. Бу жараён моддий-амалий мазмунга эгадир, албатта. Минтақа халқлари маданиятлари мазмунининг тинимсиз бойиб боришида, маданий-бадиий тафаккурда ўхшашлик ва яқинлик, умумийликнинг шаклланишида «Ипак йўли»дан ташқари қуйидаги уч буюк ижтимоий-маънавий омил беқиёс даражада аҳамиятга эга бўлди. Булар— Шарқ уйғониш даври — «Шарқ ренессанси»; ана шу даврнинг улуғ маҳсули ўлароқ юзага келган шарқ халқлари юксак фалсафий, бадиий тафаккури ва, ниҳоят, тасаввуф фалсафасидир.

Буларнинг биринчиси — «Шарқ ренессанси» (X—XV асрлар) даврида минтақада, хусусан Ўрта Осиёда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг кўпгина жабҳалари мисли кўрилмаган даражада тараққий топди; илмий, бадиий кўтаринкилик билан бир қаторда, меъморчилик, ҳунармандчилик, амалий санъат, деҳқончилик ривожланди. Булар эса маданиятда, санъатда ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Иккинчиси — худди ана шу даврда Марказий Осиёда юзага келган фалсафа, табиий илмлар нисбатан юқори поғонага кўтарилиб жаҳон фани ва амалиётида муҳим ўринни эгаллаб олди. Бу эса маданий-бадиий ҳаётнинг кучли назарий асосини ташкил этди. Учинчиси — Ислом дини назарияси шохобчаларидан бири — тасаввуф фалсафаси, хусусан бу фалсафанинг кейинги даврларга мансуб оқимларидан бири бўлган Нақшбандий тариқатлари илоҳиёт, дин, моддий дунё ҳақиқатларини яхшироқ билиб олишга хизмат қилди, дин, моддий ҳаёт ва кундалик турмуш юмушларини уйғун тартибда олиб бориш ғояларини илгари сурди. Буларнинг барчаси минтақа халқлари маънавий-психологик дунёқарашига, маданий даражаси, бадиий савиясига шубҳасиз ижобий таъсир этди, улардаги умуминсонийликни, яқинликни шаклантириб борди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, тарихимизнинг буюк мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Низомий Ганжавий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Рўдакий, Улуғбек, Жомий, Алишер Навоий, Беҳзод ва бошқа кўпчилик алломаларнинг илмий ва бадиий мероси фақат минтақамиз халқларининггина эмас, жаҳон халқлари маданий хазинасининг ҳам буюк дурдоналари ҳисобланади. Тенги йўқ, бу улуғ маданий меросни аввалаб-асраш, ундан ҳозирги кун маънавиятимизни бойитишда фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш масалалари анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Бебаҳо қадриятларимиздан минтақа халқларини баҳраманд этишдек улуғвор вазифани уддалаш шу йўл билан минтақа маънавий ҳаётини бойитиб бориш учун ўзаро маданий алоқаларни кучайтириш, ахборот алмашлаш ишини йўлга қўйиш, ҳозирги замон коммуникация воситалари, хусусан, телевидение ва радио имкониятларидан дурустроқ фойдаланиш лозим. Бу иш кейинчалик, айтайлик, минтақада телевидение ва радио эшиттиришларнинг муайян ҳудудий ҳалқалари юзага келтирилганидан кейин, осонроқ кўчади. Лекин ҳозир ҳам бу соҳада анча иш қилса бўлади. Чунончи, семинар иштирокчиларининг фикрича, минтақада яшовчи халқлар ва элатларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, қадимий санъат намуналарини ифодалаган телевизион ва радио дастурларини ўзаро алмаштириб туришни йўлга қўйиш мумкин. Шунингдек, бадиий дасталар, болалар томошаси, айниқса қўғирчоқ театрлари томошаларини айирбошлаш, цирк гастролларини ташкил этиб туриш лозим.

Анжуманда қайд этилганидек, тарихий-маданий бойликларимизни ўрганиш ва ундан ҳозирги кундаги маънавий эҳтиёжларимиз йўлида фойдаланиш жараёни ўзига хос миллий, хусусий фазилатлар, айри-айри бўёқлар замирида юзага чиқади. Лекин бу турфа жиҳатлари умумлаштирувчи омил — юқорида қайд этилган маданий, ахлоқий, бадиий тушунчаларимиздаги яқинлик, узвийликдир. Шунинг учун ҳам минтақадаги маданий-бадиий алоқалар мантиқан бир-бирига пайваста, бири-бирига уйғун жараён ҳисобланади. Бу хил маданий ҳамкорлик маънавий дунёмиз учун шубҳасиз жуда зарурдир.

Аксари маъруза ва мунозараларда илмий-маданий ва бадиий даражанинг социал-иқтисодий тараққиёт жараёни учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги ҳам таъкидланди. Худди шунингдек социал-иқтисодий имкониятлар йўқ ерда маданий тараққиёт ҳам оғир кечади. Шу сабабли ижтимоий ҳаётнинг бу икки (гарчанд жамият ҳаётидаги ўринлари ҳар хил бўлса-да) асосий йўналиши уйғунлиги жамият тараққиётининг муҳим омилларидандир.

Маданий ҳамкорлик ва алоқалар фақат минтақа ҳудудида қолиб кетмаслиги лозим. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, социал-иқтисодий тараққиёт йўлларида жаҳон мамлакатлари ва халқлари тажрибаси нечоғлик зарур бўлса, илмий-маданий ҳаёт учун ҳам дунё халқлари маданий бунёдкорлиги намуналари керакдир. Албатта, бу маданий бойликлар жиддий танлов воситасида алоҳида мамлакатлар ёки миллатлар бадиий-эстетик дидига монанд сараланиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, халқаро маданий, илмий, бадиий алоқалар жараёнининг тинч ва самарали кечиши яна бир асосий шарт-шароитга боғлиқ. Бу мамлакатларда, минтақада, жаҳонда тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, иноқлик бўлишидир. Бусиз маданий ҳамкорлик ҳам, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳам авж олмайди, аксинча мавжуд маданий қадриятларимиз, кундалик рўзғоримиз тубанликка юз тута беради. Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунига алоҳида эътибор берилди. Покистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар мутахассислари қилган кўпчилик маърузаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат маъқулланиб юқори баҳоланди, Ўзбекистонда ҳукм сураётган осойишталик маданий ва иқтисодий истиқлол учун муҳим имкониятлар яратаётганлиги таъкидланди.

Халқаро маданий ҳамкорлик шаклларидан бири ахборот айирбошлашдир. Ҳаққоний, объектив ахборот хўжаликнинг барча соҳалари бўйича режалаштириш, мантиқий хулосаларни шакллантириш ва шулар асосида муайян йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб бориш учун жуда зарурдир. Бу ҳол маданий ҳаётга ҳам тааллуқли. Худди шунингдек илмий ахборотлар айирбошлаш минтақа илмий-техникавий тараққиётида ғоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам яқин келажакда ахборотнинг ана шу шакларини ривожлантиришга етарли эътибор берилиши лозим. Бунда фазовий йўлдош алоқа воситаларидан фойдаланиш айниқса яхши самара беради.

Шуни қайд этиш керакки, ахборот айирбошлаш ишлари ҳали кўнгилдагидек бўлмаганлиги сабабли семинарда тингланган баъзи бир маърузаларда Ўзбекистон Республикаси ҳақида айрим нотўғри маълумотлар ҳам берилди. Чунончи, қарочилик олима Сийми Тоҳир хоним қилган маърузада Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дастурлари ҳақида нотўғри маълумот баён этилди.

Албатта, бу ҳол Ўзбекистон вакиллари томонидан асосли равишда дарҳол тузатилди. Лекин маълум бўлдики, фақат Покистон эмас, минтақанинг бошқа бирқанча мамлакатлари тадқиқотчилари тилга олган Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар ҳам асосан Ғарб манбаларидан олинган экан. Ўзбекистон делегацияси аъзолари томонидан айтилган жиддий тузатишлар ва ҳақли эътироздан сўнг мажлис раиси яқинда мустақиликка эришган Ўрта Осиё республикалари ҳақида фақат ана шу республикалар манбаларидан ва ахборотларидан фойдаланиш зарурлигини, бунга риоя этмаслик эса ҳар хил чалкашликларга ва норозиликларга олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Баён этилган муҳим фикрлардан яна бири шу бўлдики, ҳозирги социал тараққиёт талабларидан келиб чиқиб бугунги кунда маданий ҳамкорликка олдингидек соф мафкуравий ҳодиса деб қараб бўлмайди. Шу билан бирга улар иқтисодий, тижорий алоқалар ўрнини ҳам босолмайди. Маданий ҳамкорлик маданият, маърифат, маънавият доирасида ҳам ғоявий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Маданий ҳамкорликнинг бу иккала фазилати пировард натижада мамлакатимиз мустақиллик сиёсати учун хизмат қилиши, социал-иқтисодий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Ўзбекистон делегацияси юқоридаги фикрларни илгари суриш билан бирга бу соҳада режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам ахборот берди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси Покистоннинг «Пок-ўзбек иқтисодий ва маданий маркази» билан биргаликда Лаҳор шаҳрида ўзбек тилини ўрганиш курсини очишни, покистонлик ёзувчилар асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, ўзбек адиблари асарларини эса урду тилига таржима қилиб чоп этишни режалаштирмоқдамиз. Ассоциациямиз ва Хитой Халқ Республикаси Синьцзян — Уйғур автоном райони чет эллар билан дўстлик ҳамжамияти ўртасида имзоланган шартномага биноан эса Сирдарё ва Хоразм вилоятларида шолипоядан қоғоз ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар қурилишига ёрдам бермоқдамиз. Бу корхоналар қурилиб ишга тушгач (қурилишга бир йилдан сал ошиқроқ муддат мўлжалланаяпти), уларнинг ҳар бири йилига ўн минг тоннадан қоғоз ишлаб чиқара бошлайди.

Баён этилган барча масалалар бўйича анжуманда тавсиялар қабул қилинди. Улар пухталаниб, семинарда иштирок этган мамлакатлар ташкилотларига етказилади. Шунингдек, анжуман материаллари алоҳида китоб ҳолида чоп этилиши ҳам кўзда тутилган. Ўйлайманки, бу фикр алмашувлар, янги-янги шериклар билан мулоқот халқаро маданий ҳамкорликни янада жонлантиришга ва шу йўл билан умуман минтақада, жумладан республикамизда маънавий-иқтисодий тараққиётга ҳозиргидан кўпроқ ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Наим ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси

Иқтидорли ёш олима, тарих фанлари доктори Дилором Алимованинг жуда қимматли далиллар ва мулоҳазалар билан ёзилган «Ҳужум»га зарурат бормиди?» номли мақоласи менда катта таассурот қолдирди. Хотин-қизлар муаммоси бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини англаган ҳолда мен ҳам шу ҳақдаги қарашларимни баён этишни лозим деб топдим.

Туркистон ҳалқлари турмуш тарзидан келиб чиқадиган бўлсак, «Ҳужум»га мутлақо зарурат йўқ эди. Чунки жамиятнинг феодал тараққиёти хотин-қизлардан ижтимоий фаоллик, ишлаб чиқаришда аёл меҳнатига муҳтожлик сезмасди. Оила, бола-чақа тарбияси билан шуғулланиш аёл учун таҳқир эмас, балки ягона ва муқаддас бурч ҳисобланарди, улардан оғир жисмоний меҳнатда фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Уларни «тўрт девор ичида, паранжи-чиммат зулмида» юриши аслида оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштирар, жамиятни эса маънавий соғломлигини таъминлар эди. Лекин эртами-кечми жамият тараққиётининг илдамлашуви, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шакллана бориши хотин-қизлар тақдирида ҳам ўзига хос ўзгариш ясаши табиий эди. Бунинг учун эса йиллар керак эди. Агар жамият ривожи жараёни шундай бир маромда инқилобларсиз, сакрашларсиз давом этганда эди, хотин-қизлр тақдири тарихида ҳам қонли излар, қора чизиқлар бўлмасди. Энди шу қора чизиқларни билиш ва ҳушёр бўлиш лозим.

«Ҳужум»нинг ижтимоий ва сиёсий илдизларига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, шарқ мусулмон аёлларини «саводли қилиш», уларни «ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб, эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш ва ижтимоий фаолликка тортиш»дан мақсад бир томондан шўроларнинг умумий мулкчиликдан иборат бўлган ҳукуматининг иқтисодий, моддий негизини мустаҳкамлаш бўлса, иккинчи томондан, Россияга қарам бўлган мустамлака мамлакатларида мутеликнинг янгича шакллари, яъни уларни маънавий қулликка маҳкум этиш эди.

Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш муаммоси ғарб мамлакатларида юзлаб йиллардан буён ўрганилаётган, ўз ечимини топа олмаётган ўткир муаммолардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундайлигича турибди. Ленининг бир қанча асарларида, шунингдек, унинг ишчи хотин-қизларга мурожаати ва чақириқларида бу юз йиллар давомида ечимини топа олмаётган муаммо Россияда Октябр революциясидан сўнг Шўролар ҳукумати томонидан бирпасда ҳал этилгани, буни ҳал этиш йўли хусусий мулкчиликка барҳам бериш, эркак ва аёл меҳнати ва «ҳуқуқ»ларини тенглаштирувчи умумий мулкчиликка ўтиш эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Дарҳақиқат, мулкнинг умумийлиги меҳнатнинг умумийлигини тақозо этади. Яъни унда аёл ва эркак меҳнати орасида фарқ бўлиши мумкин эмас, бунинг учун аёл ва эркак ҳуқуқи ҳам тенг бўлиши керак. Аёлларнинг ўз ҳуқуқлари, яъни оила ва бола тарбияси масаласи иккинчи ўринга, кейинга сурилиб қўйилиши табиийдир. «Хотин-қизларни ижтимоий унумли меҳнатга тортиш, уларни «уй чўрилигидан» халос этиш, ақлни хиралаштирувчи ва камситувчи тобеликдан — сира охири йўқ, тор ошхона шароитидан, бола-чақа ташвишидан озод қилиш — асосий вазифамиз мана шу!». Ленининг бу даъватини амалга ошириш учун саъй-ҳаракат қилинди.

Хотин-қизларни ижтимоий унумли меҳнатга тортиш вазифаси Россияда рус аёллари тақдирида ўнчалик қийинчилик туғдирмасди. Чунки рус аёлларида ишлаб чиқаришда қатнашиш кўникмаси аллақачон шаклланиб бўлган, уларда фақат буржуазияга, капиталистларга, эксплуатацияга қарши нафрат туйғусини шакллантиришнинг ўзигина етарли эди. Лекин мусулмон хотин-қизлари буржуазияни ҳам, капиталистларни ҳам, эксплуатацияни ҳам билишмасди, ижтимоий-унумли меҳнат нимадан иборат эканлигини тасаввур ҳам этишмасди. Ижтимоий муҳит, шариат қонунлари уларни далага чиқиб меҳнат қилишларини ман этарди. Шунинг учун ҳам, бу ерда «эр зулмидан», «паранжи-чачвон зулматидан», «тўрт девор ичидан» озод этиш, савод чиқариш баҳонасида ўзига хос сиёсат даркор эди. Лекин бу сиёсат кейинчалик ўзига хос тезкорликни, шиддатни, шафқатсизликни талаб қила бошлади. Чунки Ўрта Осиёнинг табиий бой ресурслари, унумдор ерларидан янада кенгроқ ва мўлроқ фойдаланиш учун ишчи кучининг етишмаслиги хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарган эди. Буни «Ҳужум»сиз амалга ошириб бўлмасди ва шунинг учун ҳам «Ҳужум» зарур эди.

Мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «Ҳужум» Ўрта Осиё халқлари тақдирида маълум бир даврда, маълум бир муддатда эмас, балки шўролар ҳукуматининг дастлабки кунларидан то сўнгги кунларигача ўз шаклини ўзгартирган ҳолда турли хил кўринишларда, сохта даъват ва шиорларга ўранган ҳолда давом этиб келди. Уруш даврида «Ватанни ҳимоя қилиш» баҳонасида хотин-қизлар оммавий равишда ишлаб чиқаришга сафарбар этилдилар. Урушдан сўнгги тикланиш даври, пахта мустақиллигини таъминлаш учун кураш даври хотин-қизларимизга нисбатан алоҳида сиёсатни талаб қиларди. Айниқса, 60-80 йилларда хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ютуқларига сохталик киритиб, улардан зўраки қаҳрамонлар яратиш ва буни тарғиб этишдан мақсад уларнинг деярли текинга тушаётган меҳнатларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш бўлди.

Хотин-қизларни ижтимоий-унумли меҳнатга тўла сафарбар этиш вазифаси тўла бажарилгандан сўнг уларни раҳбар органларга эркаклар билан тенг сайлаш ҳақидаги ленинча принцип ҳам бизда ўзига хос хусусият билан хўжакўрсинга бажариб келинди. Раҳбар лавозимларга кўтарилиш асосан «зўраки қаҳрамонлар» ёки юқоридан келган ҳар қандай буйруқни жон-дили билан елибюгуриб бажарадиган, юқоридагиларнинг истакларини ҳоҳишларига сўзсиз итоат этувчи аёлларнинг чекига тушарди. Бундай аёллар халқ дардини, аёл зотининг машаққатларини тушунмас, улардан йироқ эдилар. Бундай аёллар хотин-қизлар масаласида, улардаги ўзига хосликни англаган ҳолда ҳукумат ташкилотларига бирор-бир ҳақли талаб билан чиқа олмадилар. Ўзбек хотин-қизлари тақдирини Марказдан туриб белгилаш кўникмага айланди. Марказга эса ўзбек хотин-қизларининг миллий ва маънавий ўзига хослигини англатиб, аниқ таклиф ва талаблар қўя олувчи, ўзбек аёллари тақдирига юракдан куйинган фаолият кўрсатувчи аёллар, сиёсий арбоблар деярли чиқмадилар. Шунинг учун ҳам аксарият раҳбар аёллар халқнинг ишончини йўқотдилар. Баъзан аёл киши учун раҳбарликка кўтарилиш ҳалоллик билан эмас, аксинча аёллик шаъни ва иффатини оёқ ости қилувчи «бошқа йўллар» билан эришилиши ҳақида тасаввурлар пайдо этди.

«Ҳужум»дан кўзланган бошқа бир мақсад аёлларга хос бўлган исёнкорликни, яъни адолатсизликка қарши кураш туйғусини сингдириш эди. Биз тарихдан Нодирабегим, Қурбонжон додҳо, Ризвон биби, Зуҳра бибиларни, «Ҳужум» давридаги сиёсат қурбони бўлган Нурхон, Турсунойларни биламиз. Улар адолат учун жонларини аямай курашдилар ва қурбон бўлдилар. Лекин узоқ йиллар давомида пахта қулига айлантириб қўйилган ўзбек хотин-қизларига нисбатан адолатсиз, зўравонлик сиёсатини англаб етган ва буни дадил айтган аёл номини билмаймиз. Оқпошшо даврида «тўрт девор ичида ўтирган саводсиз» аёлларни — болаларимизни мардикорликка бермаймиз — деб аскарлар ўқига дучор бўлганларни биламиз. Лекин саводли, ҳур ва озод аёлларимиз ичидан афғон урушининг адолатсиз уруш эканлигини пайқаган, унга қарши оналарни оёққа туришларини даъват этган аёлни танимаймиз...

Сўнгги йиллардааги кескин сиёсий жараёнларда, бошқа халқлар ўз эрки ва озодликлари учун жон олиб-жон бериб курашаётган даврда ҳам ўзбек аёллари четда кузатувчи бўлиб турдилар. Улар ўз мустақилликлари, эрклари учун бир жон-бир тан бўлиб кураша олмадилар. Бу аёлларимиздаги сиёсий исёнкорлик руҳи батамом синиб бўлганлигидан далолатдир. Аммо табиат томонидан аёлга берилган бу исёнкорлик туйғуси ўзини бошқа шаклда намоён эта бошлади. Аёл эркининг йўқлиги, унинг сиёсий онги шакланмаганлиги хўрлик ва адолатсизликка қарши курашни ўз жонига қасд қилишда деб тушунишга олиб келди...

«Озодлик» ва «тенглик» ниқоби остида юргизилган сиёсатнинг аччиқ меваларидан шу тариқа баҳраманд бўлдик. Аксарият аёллар, бу аччиқ ҳақиқатни англаб етдилар. Шунинг учун ҳам улардаги кўтаринки руҳ, завқ-шавқ сўнди. Бурч эмас, аксинча мажбурийлик ҳисси билан меҳнат қилиш ишлаб чиқаришдаги унумдорликни оширмади. Аёллар меҳнатига таянган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий инқирозга юз тутганлигининг сабабларидан бири ҳам эҳтимол шудир.

Аёлларни келгусида бахтли ва саодатли қилишимиз учун бугун нималарга эътибор беришимиз, қандай тадбирларни амалга оширмоғимиз лозим? Бу саволларга жавоб топиш бугун ҳаммамизнинг бурчимиздир. Лекин бу жараёнда шошма-шошарлик қилиш асло мумкин эмас. Чунки иқтисодиётимиз таркиби, айниқса, қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнати етакчилик қилади. Айни пайтдаги иқтисодий қийинчиликлар, даврида хотин-қизларни зўрма-зўраки уйга қайтариш бу қийинчиликларни чуқурлаштиради. Бошқа томондан ҳозир аёллар ёппасига уйга қайтишга тайёр эмаслар. Улар уйга қайтиш сўзининг маъносини «эрга қарам бўлиш», «уй чўрисига» айланиш маъносида тушунадилар. Аёлларимиз онгидаги бу узоқ йиллар давомида сингдирилиб келинган ақидани сиқиб чиқармай туриб бирон-бир ижобий натижага эришиб бўлмайди. Биз айни кунда аёлларни руҳан тайёрлашимиз керак. Бозор муносабатларига ўтиш, мулкни хусусийлаштириш, мўл-кўлчиликни таъминлаш, жамиятни иқтисодий инқироздан қутқариб, тараққиёт йўлига кириш учун кафолот берса-да, бошқа томондан у жуда кўп сонли ишсизларни келтириб чиқаради. Ҳозирданоқ бу таҳлика сезилари даражада ўзини намоён этмоқда. Бунга аксарият аёлларимиз дучор бўлмоқдалар ва бу мутлақо табиий ҳолдир. Чунки, оилали, бола-чақали аёл ишининг унумдорлиги ҳамиша юқори бўлавермайди ва бу маҳсулот ишлаб чиқариш суръатига салбий таъсир этади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона эгалари эса бундай аёллар меҳнатидан манфаатдор эмаслар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда аёлларга, уларнинг моддий ва маънавий қийинчиликларига ёрдам бериш учун ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги зарурдир.

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки йилларида бу борада жуда ҳайрли ишларни бошлади. Уйда бола тарбияси билан шуғулланувчи аёлларга тарбиячи сифатида маош тўлаш, томорқа хўжалигида ишлаётган аёллар меҳнатини иш стажига қўшиш, кўп болали аёлларга алоҳида имтиёзлар бериш, нафақалар тўлаш, уйда ўтирган аёлларни уйларида иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ва ҳоказолар. Бу аёлларимизнинг моддий ва маънавий муҳофазаси учун бажарилиши мумкин бўлган энг яхши тадбирлар эди. Лекин сўнгги йилларда жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг янада чуқурлашуви бу ҳайрли тадбирларни тўлақонли амалга ошишига халақит берди. Бугун ҳар қанча қийин бўлса ҳам бу тадбирларни амалга оширишга янада кўпроқ эътибор зарур.

Аёл — бу маънавият демакдир. Ўқимишли, маърифатли аёлларга шу маънавият хазинаси, деб қарамоқ керак. Жамиятни бугунги тобора чуқурлашиб бораётган маънавий инқироздан қутқариш учун уларнинг имкониятларидан, ақл-заковатларидан фойдалана билмоқ зарур. Умр бўйи қора меҳнат қилиб, бугун ноилож ишсиз қолаётган аёлларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиши, уларни маънавиятли ва маданиятли қилиш ҳам знёли аёллар зиммасига тушади. Бу йўлда уларга шарт-шароит яратиб берилмоғи даркор. Фақат маданиятли, бой ички дунёга, маънавиятга эга бўлган аёлгина мустақил жумҳуриятимиз обрўйини, шон-шуҳратини кўтара оладиган баркамол фарзандларни дунёга келтиради ва вояга етказади. Шунинг учун ҳам аёл баркамоллиги ҳақида ўйлаш бугун ҳаммамизнинг — эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам энг муҳим вазифасидир.

Аёллар муаммоси бугун мустақил тараққиёт бўсағасида турган жумҳуриятимизнинг ечимини кутиб турган жуда кўп муаммолари ичида энг муҳимидир. Буни англаб етган ҳукуматимиз иқтисодий қийинчиликка карамай текинга, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар Советлар ўрнига маош билан ишлайдиган хотин-қизлар Қўмитасини ташкил этди. Қўмитанинг вилоятларда, туманларда ҳам бошланғич ташкилотлари барпо этилди ва улар ҳам ўз фаолиятларини бошладилар. Хотин-қизлар қўмиталари жуда ҳайрли ишларни бошлаб, ҳайрли ниятларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар-да, бугун аёллар масаласида янгича қарашларга эга бўлган аёлларни Қўмиталарга кўпроқ жалб этмоқ лозим. Шундагина бундай ташкилотлар элу юрт ишончига сазовор бўладилар.

Бугун аёл ҳимояга муҳтождир. Матбуотда ва ҳукумат олдига хотин-қизлар, оила ва бола тарбияси масаласида янгича, мулоҳазали таклифларни, ташаббус ва тадбирларни кўтариб чиқа оладиган аёллар гуруҳи керак. Муҳими, бу ишнинг долзарблигини аёлларимизнинг ўзлари ҳис этмоқлари зарур. Шу маънода яқинда қабул қилинган мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясига аёллар масаласи алоҳида модда қилиб киритилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Бугун келажак тақдири яратилмоқда. Уни ғўзал ва саодатли қилмоқ аёлларнинг ҳам ихтиёридадир.

Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВА

Ақс садо

ЎЗ ТАҚДИРИНГ ҚЎЛИНГДА

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Азиз газетхон! Йил бўйи минг-минглаб муштарийларнинг яқин дўсти ва маслаҳатгўйи, ҳамдард ва ҳамфикри бўлиб келган ҳафталикнинг охири — 52-сони ҳам қўлингизда. Мустақиллигимизнинг иккинчи янги йили остонасида уни кўздан кечирар эканмиз, ҳурриятимизни мустаҳкамлаш йўлида сиз билан биргаликда, сизларнинг мақолаларингиз, дўстона ва самимий фикр-мулоҳазаларингиз ёрдамида йил бўйи қилинган ижодий меҳнатимизни сарҳисоб қилмоқдамиз. Хўш, бу йил биз жафокаш халқимиз маънавий онги, маърифий маданиятини ошириш йўлида қандай яхши чиқишлар қилдигу халқимиз кутган нималарни айтишга журъатимиз етмади. Газетхон талабларига жавоб бера оладиган мақолалар кўпми ёки озми? Янги йилга умид кўзи билан боқиб турган ҳар бир ўқувчимиз бу ҳақда ўйлаши, мушоҳада юритиши табиийдир.

Кўпминглаб муштарийларимиздан келаётган мактублар шундан далолат бермоқдаки, 1992 йили ҳафталигимиз саҳифаларида эълон қилинган О. Ёқубовнинг **«Қачон одам бўламиз?»**, А. Ибодиновнинг **«Занжирбанд шер йиғлаганда»**, С. Мадалиевнинг **«Зиёли қачон уйғонади?»**, Д. Алимованинг **«Ҳужум»га зарурат бормиди?»**, Т. Маликнинг **«Европасиз яшай оламизми?»**, Е. Ҳўжамбердининг **«Эгилган ҳақиқатлар»**, Р. Файзнинг **«Таланган авлодми?»**, Д. Нурийнинг **«Карвон йўлидаги сунъий ғовлар»**, П. Шермуҳамедовнинг **«Замона зўрники эмас»**, С. Умрнинг **«Ҳотамтойнинг ўзи»**, А. Рашидовнинг **«Акам ҳақида»**, А. Шернинг **«Миллий тафаккур манзараси»**, М. Шопсановнинг **«Жаҳонга ақл билан чиқилади»**, Ҳ. Знёевнинг **«Занжирбанд ҳукмдорлар»**, М. Нурматовнинг **«Ҳуррият ва миллий эстетика»** сингари муаммоли мақолалари, маданий-маърифий йўналишдаги чиқишлар кўпчиликда фикр уйғотган, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган.

Ижтимоий ҳаёт бўлими ўтган йили бошланган янги дарсликлар ва миллий мактаб мавзусини бу йил ҳам давом эттирди. Шу мавзуда ёритилган К. Юсуповнинг **«Миллий мактаб қандай бўлиши керак?»**, бир гуруҳ таниқли адиблар ва олимлар қаламига мансуб **«Мактаб синовлар майдони эмас»**, С. Мўминовнинг **«Адабиёт дарсликлари нега талабга жавоб бермаяпти?»**, С. Холбоевнинг **«Қайси тарихни ўрганамиз?»** каби мақолаларида долзарб масалалар тилга олинди. Шунингдек, Х. Худойбердининг **«Халқ қўриқчилари кимни қўриқлайди?»**, ҳафталигимиз махсус мухбирларининг Талабалар шаҳарчасида юз берган фожеий воқеаларга доир **«Истиқлолга отилган ўқ»** сарлавҳали чиқишлари ҳам ҳеч кимни лоқайд қолдирганги йўқ.

Йил давомида **«Ватан кўз қорачиғи»**, **«Турк шажараси»**, **«Темур ва темурийлар»** деб номланган янги рукнларимиз остида ҳам қизиқарли мақолалар эълон қилинди. Айниқса, халқимизнинг ўтмиш тарихи, темурийлар салтанати билан боғлиқ баҳсли жиҳатларга доир Ҳ. Содиқнинг **«Темурбекка сиғинган князь»**, П. Равшан ва Ж. Қурбоннинг **«Соҳибқирон туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси»**, **«Мўғул салтанатининг емирилиши»**, И. Ғафурнинг **«Машриқдан Мағрибгача машҳур»**, Н. Боқийнинг **«Иброҳимбек лақай»**, Ҳ. Узоқов ва С. Холбоевнинг **«Бухоро амирлигининг олтинлари»**, Р. Қиличевнинг **«Бизлар босмачилар эмасмиз»**, Т. Қаҳҳорнинг **«Таслим бўлмаган миллат»**, Б. Қосимовнинг Туркистонни ҳуррият чиқариш учун Лениндай зотлар билан баҳслашган Аҳмад Заки Валидий ҳақидаги **«Истиқлол курашчиси»**, Мурод Мирзо Аҳмадқори ўғлининг юртимизнинг топталган обидалари ва таланган бойликларига доир **«Истило ва кумуш қадаҳча»** сингари мақолалари ҳам зиёлиларимиз, адабий жамоатчиликнинг эътиборига тушди.

Тўғри, баъзида халқ тилида турган гапларни вақтида, рўй-рост айта олмаган қолларимиз ҳам бўлди. Айрим янги рукнлар изчил давом эттирилмади, бугуннинг иқтисодий муаммоларини таҳлил қилишда дастимиз қисқалик қилган вазиятлардан кўз юмолмаймиз. Шунингдек, ҳафталикка келган кўплаб мақолалар ва хат-хабарлардан ўз вақтида фойдалана олмаганимиз учун ҳам муштарийлар олдида бурчлимиз. Ўйлаймизки, ўз севимли газетасининг мухлислари бизни тўғри тушунадилар.

ДАҲРИЙНИНГ ЁРИШГАН АҚЛИ

МАФКУРАВИЙ ҚОЛИПЛАР ичида сиқилиб яшаган адабиётимизнинг етакчи тенденциялари ва йўналишлари орасида бир ижодий оқимнинг алоҳида ўрни бор. Замонасозлик ва маддоҳликка зид равишда ҳаётни ҳаққоний тасвирлашга интилган шу йўналишгина адабиётимизнинг маънавий соғломлигини таъминлаб келган эди. Ғоявий андозалар руҳида ёзиш қатъий талаб қилиб қўйилган қийин даврларда ўз сўзини эплаб айтиб келган ва шу эҳтиёжни рўёбга чиқарувчи қаҳрамонларни берган бу оқимни биз энди ўз номи билан ҳақиқатни қўмсовчи, эркка ташна адабиёт деб бемалол айта оламиз.

Шеъриятда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, насрда Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров ижодлари боис 60-йиллар адабиётида катта куч олган бу жараён кўплаб истеъдодли шоир ва ёзувчиларни майдонга келтирди. Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Саъдулла Сиёев сингари ижодкорларнинг энг сара асарларида халқимизнинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан ўзини англаш йўлидаги интилишлари баҳоли қудрат аксини топди. Уларнинг асарларида мустамлакачилик даврининг сиёсий ақидалари билан тушовлаб ташланган миллий онгни уйғотиш, юракларда армон бўлиб келаётган эрк туйғусини ардоқлаш эҳтиёжи кучли. Тарихий романлар, замонавий мавзулардаги қиссалари ва ҳикоялари, ўткир ҳажвиялари, долзарб публицистик чиқишлари билан тилга тушган адибимиз Саъдулла Сиёев ижодини ичдан нурлантириб келаётган фазилатлар ҳам ана шундадир. Адибнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Мажнунтолнинг новдаси» китобига турли йилларда ёзган энг сара асарлари жамланган. Шу мажмуадан ўрин олган «Даҳрий» ҳикоясини эса ёзувчининг маҳорати, ижодий ўзига хослиги, бадиий концепциясининг кўзгуси дейиш мумкин.

Ҳикоя қаҳрамони Жамшид олти йил муттасил ҳар куни худосизлик ҳақида ваъз ўқийвериб одамларни ҳам, ўзини ҳам бу «машғулот»дан зериктирган. Бошлиқ унинг «ўз розилиги» билан ишдан бўшаш ҳақидаги аризасига бир шарт билан қўл қўяди. У дарё бошида бутун «қишлоқдагиларни лақиллатиб, миясини заҳарлаётган» Оқ эшон билан «яхшилаб гаплашиб», иложи бўлса ундан «Мен диндан қайтдим, дин оғу экан, энди кўзим очилди», деган мазмунда икки энлик хат ёздириб келиши керак. Раҳбари томонидан «ўта муғомбир, унча-мунча одамга нонни тескари тишлатиб юборадиган» тадбиркор чол деб таърифланган оқсоқолнинг тилидан бол томади. «Келганингиз яхши бўлди, мен ўзим сиздек ўқимишли йигитларнинг гадосиман», дейди чол. Сўнг диндор отахон билан «яхшилаб гаплашиб қўймоқчи» бўлган даҳрийнинг мулоқотлари бошланади. Даҳрийга Спинозанинг «Ҳаракат — ҳаётдир» деган сўзларини эслатган Оқ эшон: «Демак, сиз вақдати мавжудни умуман тан оласиз, шундайми? Бинобарин, тасаввуфга қандай қарайдилар? Мен нақшбандийлик, яссавийлик ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим», деб сўрайди. Бу ҳақда чала, сохта тасаввурлар билан «қуролланган» Жамшид сийқаси чиққан гаплардан нарига ўтолмайди. Шу тариқа диндор, хурофотчи деб келинган чолнинг илми, маърифати олдида атеистнинг чаласаводлиги фош бўлади. Ахийри «Бу қария алдоқчи эшон эмас, профессорга ўхшайди», деб унинг илму эътиқодига қойил қолади. Назарида Жамшиднинг ўзи ҳам Оқ эшон билан мулоқотлардан маънан покланиб, руҳан тетиклашиб чиққандек. «Хурофотчи эшонни тўғри йўлга соламан» деб келиб ўзининг қўлмакка айланган ҳаётини ҳаракатга солишга кучли эҳтиёж сезади.

Ёзувчи бу билан нима демоқчи? Очиғини айтганда, ёзувчи энг қалтис даврдаёқ атеистлардан эмас, ҳаддан зиёд мафкуралаштирилган атеизм фанидан, бемаъни мафкура боис эл орасида путурини йўқотиб, хурофотга айланиб қолган ғирром сиёсатдан роса мириқиб кулган. Синчиклаб қараганда эса ёзувчи сохта даҳрийлар устидан кулаётган, уларни калака қилаётганга ҳам ўхшамайди, балки уларга ачинаётган бўлиб туюлади. Адиб аслида бу билан худосизлар фожиасини кўрсатади.

Ҳикоя дастлаб «Ёшлик» журналида эълон қилинган пайтда шу жиҳати билан тилга тушган эди. Ёзувчининг ижодий ютуғи муаммони Жамшид образининг руҳига сингдириб юборганида, адабиётга икки янги қаҳрамон олиб кирганида. Уларнинг бирида таъқибларга учраган, аслида комил инсоннинг дунёсини очиб берган бўлса, иккинчисида олий маълумотли зиёли, атеист бўла туриб, ўз соҳасининг нотавонлиги боис маънан саёзлашиб қолган, бироқ маърифатли бир инсон сабаб дунёни тўғри идрок эта бошлаган киши образини гавдалантирган.

«Даҳрий»да адиб ўз концепциясини мантиқан асослаганига қарамай ўша давр шароитидан келиб чиқиб, «келишувчанлик»ка ҳам боргани сезилиб туради. Оқ эшоннинг асар хотимасида партбилетли коммунист бўлиб чиққани, Фрунзе аскарларига қўшилиб Амир Олимхонни тахтидан ағдаришда иштирок этгани ўқувчи учун кутилмаган «янгилик». Гарчи, муаллиф ноширларга бироз ён берган бўлса-да, Оқ эшон ҳаёт тарзи ибратли, маърифатли оқсоқоллардан бири сифатида ёдимизда қолади. Ёзувчи тазйиқларни олдиндан билиб, кутиб «ён бергани»га қарамай, сиёсатдонларнинг маломатларидан четда қолмади. Улар асар замиридаги ҳақиқий ғояни англаб, жазавага тушдилар. Ўшанда «Даҳрий»ни чиқаргани учун журналнинг масъул ходимлари таъна-дашномларга қолган, улардан бири ҳайфсан олган эди. Бугун ҳикояда илгари сурилган гаплар бизга янгилик ҳам, жасорат ҳам бўлиб туюлмаслиги мумкин.

Мен бу гапларни бежиз эслаётганим йўқ. Ёзувчи, журналист учун ҳар қандай даврда ҳам ниманидир айтолмай, нафасини ичига ютиб юрадиган вазиятлар бўлади. Муҳими шундаки, чинакам санъаткор шундай қалтис ҳолларда ҳам ўз сўзини айтишга имкон топа билади. Тан олиш керак, Саъдулла Сиёев эндиликда миси чиққан ғирром сиёсатнинг чиркин қиёфасини ўша даврда кўрсата олишга журъат этган эди.

Жамият ҳаётини қаҳрамонлар фожиаси орқали тасвирлаш ёзувчининг бутун ижодига хос хусусиятдир. Бу жиҳатдан унинг «Отлиқ аёл» қиссаси алоҳида эътиборга лойиқ. Қиссани ўқир эканмиз кўз олдимизга катта-кичик раҳбарлик лавозимларида керилиб юрган, бироқ эл орасида тузукроқ обрўйи қолмаган ёш-ёш қиз-жувонлар, аёллар келаверади. Ёзувчи шулардан биринининг тақдирини кўрсатиб, уларнинг ўзини ҳам, элу халқни ҳам ҳушёрликка даъват этади. Бироқ ёзувчи «Отлиқ аёл»да раҳбарликка кўтарилгач талтайиб кетиб, аёллик шаънини ерга урган, каттароқ лавозимдаги раҳбарлар қўлида қўғирчоқ бўлган тантиқ аёллар образини гавдалантирмайди. Унинг қаҳрамони Зумрад ҳам қайсидир жиҳатлари билан таёқдай қотган, чаласавод аёлларга ўхшаб қетсада туб моҳияти билан у бутунлай бошқача образ. Зумрад аввало оқилалиги, тадбиркорлиги боис фирқа котиби ва раис даражасига кўтарилган. Ҳавас қилса арзигулик эри, фарзанди бор, ишини билиб қилади, элига қайишади. Бироқ у Насриддиновдай пихини ёрган, устомон саркотибнинг хийла-найрангларидан қочиб қутула олмайди.

Саъдулла Сиёев қаҳрамонининг биз юқорида тилга олган аёллардан фарқи шундаки, у Насриддинов қўйган тузоққа ўз хоҳиши билан тушмайди. Адиб жуда кўп ўринларда қаҳрамонини аяб тасвирлайди. Унинг шаънини пок сақлашга интилгани, ҳаракатларини тийиб тургани сезилади. Гап шундаки, 60—70- йилларда раҳбарлик тизимларига, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасига мафкуравий даъватлар талаби билан аёлларни иккинчи, баъзи ҳолларда эса биринчи даражали раҳбарлик лавозимларига кўтариш одат тусига кирди. Аксарият ҳолларда уларнинг ҳаёт йўллари ҳам бир-бирлариникига икки томчи сувдай ўхшаш эди: дастлаб пахта бригадири ёки мактаб ўқитувчиси сифатида иш бошлайди, икки-уч йилда депутат бўлади, кейин орден-медаллар соҳибига айланиб, юқорилай бошлайди. Ғарчи, уларнинг орасида ўз обрўйини сақлаган, чинакам ишбилармон, оқила аёллар ҳам кўп бўлса-да, жамиятдаги маънавий айнишлар сабаб, енгил табиатли, шаддотроқлари кўтарилдилар, ҳатто айримлари кўксиларига қаҳрамонлик юлдузларини ҳам тақдилар. Ёзувчини қийнаган муаммо ҳам шу. Бундай тоифадаги раҳбар аёллар элнинг кўзига балодай кўринниб қолган, кўпи ўз ишини уддалай олмас, ўзлари аёл бўла туриб, пахтанинг оғир меҳнати зиммасига тушган аёлларга заррача ачинмас, юқорининг буйруғини адо этувчи роботлардек иш юритишар эди.

ҲАМЗА МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Ёзувчи шу тоифадаги аёлларнинг фожиасини кўрсатиш йўлидан бориб, адабиётимизга «Синчалак»даги Саидадан кўп жиҳатлари билан фарқланиб турувчи яна бир янги образ туҳфа этди. Бу образнинг қаётдаги эгизаклари жуда кўп. Ёзувчи асар устида иш бошлаган кезларда раҳбарликка ҳавасманд қишлоқ аёлининг қандай йўл билан катта лавозимларгача кўтарилиб боришию қилмишлари фош бўлгач, отдан тушиб, элига қўшила олмай адашиб, бемаъни турмушга шўнғиб кетишини тасвирлашни ният қилган, ёзувчининг сатирага мойил ижодий услуби бунга имкон ҳам берарди. Бироқ «Отлиқ аёл» режадагидан бошқача асар бўлиб чиқди. Ҳаётда тимсоллари тўлиб ётганига қарамай адиб ўз қаҳрамонининг кейинги ҳаётини очиқ қолдирди. Эҳтимол, бу билан у Зумрадга раҳбарликнинг барча ҳою-ҳавасларидан кечиб, энг аввало, аёл ва она бўлишдан ўзга бахт йўқлигини англаб етиши учун имкон қолдиргандир. Негаки, унинг қаҳрамони ихтиёрсиз равишда йўлдан тойган бўлса-да фожиасини англайди. У муҳитдаги чиркинликлар боис ўз шаъни, инсоний бахтини йўқотиш даражасига етгани ҳолда йўл устида, ҳаёт чорраҳасида турибди. Тақдирининг бундан кейин қандай кечиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Бир марта ғурури топталган эр қайтиб келган эди. Иккинчи сафар, Зумрад бутун гуноҳларига иқрор бўлганидан сўнг, этагини силкиб уйидан чиқиб кетди. Зумраднинг тавба-тазарру қилиб, гуноҳорона йиғлаб қолиши, бу — ҳали ҳаёт тугади дегани эмас.

Ёзувчининг асарни шундай хотима билан якунлашида ҳам теран маъно бор. Зумрад ҳали ёш, фаҳм-фаросатли, тадбиркор аёл. Бироқ энди у қайси йўлдан боради. Ҳаётнинг измига тушиб маънан ғариблашган турмушини давом эттирадими ёки эси борида этагини йиғиб, ўзини ўнглаб оладими? Бордию у ўзининг беғалва, ширин дамларига қайтишни истаса унга қайта олармикан? Китобхонни мана шу муаммолар ўйлатади, мушоҳада юритишга ундайди. Шундай тақдир бошига тушган, ҳали Насриддинов сингари устомонларнинг чангалига тушиб улгурмаган Зумрадлар ўзларини англаб ололармикан? Ёзувчининг асардан кутган муддаоси ҳам шу.

Адибнинг «Мажнунтолнинг новдаси», «Ёзда момоқалдироқ», «Эркаклар эртаги», «Ўзини кўтарадиган одам», «Ўзим ёмонман» сингари ҳикоя ва ҳажвиялари, «Аваз» тарихий романида ҳам жозибали, таъсирчан образлар сероб. Адибнинг бадиий маҳорати шу билан ҳам изоҳланадики, у яратган қаҳрамонлар ҳамиша тирик одамлардай кўз ўнгимизда туради. Улар сизу биз ҳаётда кўп кўрган таниш одамлар: ўз нутқи, равиш-рафтори билан шундоқ рўпарангизда туради.

Саъдулла Сиёевнинг публицист сифатидаги ижодий меҳнати ҳақида ҳам мароқ билан сўзлаш мумкин. Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида «Гулистон» журналининг республикамиздаги етакчи нашрга айлангани, эл эътиборига тушгани бежиз эмас эди. Ўша пайтда бу журнал тўғри сўзга ташна халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига имкон қадар жавоб берар, руҳий мадад вазифасини ўтар эди. Бу ўринда мен Саъдулла ака сингари жонкуяр ёзувчи-журналистларимиз хизматини, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Темур тузуклари» сингари асарларнинг, бобомиз Амир Темур ҳақидаги ва ўтмиш маданий меросимиз нодир саҳифаларининг халққа тортиқ этилганини назарда тутяпман. Ҳозиржавоб публицист сифатида Саъдулла Сиёев томонидан ёзилган ўнлаб ўткир мақолаларнинг публицистикамиз ривожида алоҳида ўрни бор. Эсингизда бўлса, унинг бир сафар таассуротлари руҳида ёзилган мақоласи «Тахтақарачадан Оқрабодгача» деб номланган эди. Ўшанда адиб ижодкорлар орасида биринчилардан бўлиб пахтанинг ўта заҳматли юмуш экани, бизда пахта иши нуқул аёллар елкасига юклангани ҳақида дадил гапирган эди. Ёзувчи атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ўз даврида воқеа бўлган «Юзма-юз» достонидан юлиб олиб ташланган ўткир сатрларни ҳам мақоласига сингдириб юборган эди:

Кумушранг йўлларда от суриб юрсам,
Шимирсам шабнамдан, куйласам сармаст,
Сўнгсиз воднйларга термулиб турсам,
Бепарво оҳуда қўзғасам ҳавас.
Аммо кечалар мен кезсам-да бедор,
Оҳулар қўйнимга кирса-да қиздек,
Менинг нигоҳимни тортади такрор
Миллион эгатларга сочилган ўзбек.
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам
Ва лекин дилимда ташвиш бор менинг.
Майлига, шўх қўшиқ янграсин тилда,
Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени...

АЁЛЛАРНИНГ ОҒИР ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТИ мавзуи Саъдулла Сиёевнинг мақола ва қиссаларидагина эмас, бошқа ҳикояларида ҳам жасорат билан тилга олинган эди. Бу ўринда адибнинг «Чидаганга чиқарган» ҳикоясини эслаш кифоя. Адибнинг сўнгги йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги саҳифаларида эълон қилинган «Бирнинг касри», «Дераза ортидаги болалар» сингари жиддий муаммоларни кўтарган мақолаларида ҳам пахта қуллигининг маънавий асоратлари, инсон турмушининг қадрсизланиб бораётгани чуқур дард билан қаламга олинган. Яқинда адиб ислом дунёсининг йирик алломаси Аҳмад Яссавий бобомизнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи асарини ёзиб битирди. Ўйлаймизки, бу роман ҳам Саъдулла Сиёевнинг мухлислари томонидан китобхон халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи асар сифатида қутиб олинади. Адибнинг Ҳамза номидаги давлат мукофотига тавсия этилган «Мажнунтолнинг новдаси» тўплами эса аллақачон кенг китобхонлар оммаси томонидан эътироф этилган ва бу китоб тақдирлашга арзигуликдир.

Мурод АБДУЛЛА

«ЖОНАЖОН ТАРИХ»НИ ЎҚИБ...

1990 ЙИЛИ ЧОП ЭТИЛГАН «Менинг жонажон тарихим» («Моя родная история», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1990, 304-саҳифа) китоби республикамиздаги машҳур тарихчилардан бири, Урта Осиё халқлари янги ва энг янги тарихи бўйича йирик мутахассис профессор Гога Ҳидоятов қаламига мансуб. Китоб йигирма бир минг нусхада нашр этилган ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Етти бобдан таркиб топган бу китоб (умумий ҳажми йигирма етти босма табоқ) ибтидоий-жамоа давридан Чор Россияси ва унинг Туркистондаги маъмуриятига қарши 1916 йилги халқ қўзғолонигача бўлган узоқ даврни ўз ичига олган.

Муаллиф инқилобгача яратилган ва совет даври тарихчиларининг ёзган илмий адабиётларидан кенг кўламда фойдаланган (гарчи китобдаги кўрсаткичларда бу акс этмаган бўлса-да). Китобда совет тарих фанининг асосий ютуқлари, айниқса, Урта Осиё халқларининг ўрта аср ва мустамлака даври тарихига доир материаллар ўз аксини топган. Зарур факт ва материалларнинг уқув билан танлаб олиб ишлатилгани ва оммабоп ёзилгани китобнинг қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган. Бу — Ўзбекистон халқларининг инқилобгача бўлган тақдирини ихчам шаклда, бир китоб ҳажмида барчага тушунарли тилда баён этиб бериш йўлидаги дастлабки ҳаракат. Шубҳасиз, бу иш рус тили китобхонларнинг, жуда кўпчилигида, айниқса, Ўрта Осиё халқлари тарихи билан қизиққан кишиларда муайян қизиқиш туғдиради.

Бироқ шу каби фазилатларга қарамай, Г. Ҳидоятовнинг китоби бир қанча хато ва камчиликлардан ҳоли эмас. Тизимига кўра асар икки қисмдан иборат: I. Марказий Осиё: тарихий-жуғрофий очерк; II. Мовароуннаҳрда марказлаштирилган давлатларнинг барпо этилиши. Китобдаги боблар ва ва параграфларни номлашда изчил илмий принцип йўқ. Уларнинг бир қисмига жуғрофий номлар сарлавҳа қилиб қўйилган бўлса (Бақтрия, Парфия, Хоразм), бир қисми этнос ва сулолалар (Эфталитлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва бошқалар), тарихий шахслар (Александр Македонский, Маҳмуд Ғазнавий, Султон Санжар, Чингизхон, Жалолиддин, Темур ва бошқалар), давлатлар номлари (Кушон давлати, Олтин ўрда, Хева хонлиги, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва бошқалар) билан номланган. Шу тариқа китобнинг тизимига тартиб беришда илмийликка амал қилинмаган. Бунинг оқибатида асарда Урта Осиёдаги қадимий этнос ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг умумий-тарихий манзараси етарли даражада акс этмаган. Маълумки, тарихий ҳодисаларнинг босқичма-босқич ривожини холис ёритиш, уларни муносиб хулосалар билан илмий талқин этиш аксарият ҳолларда ишнинг қандай тизимга қурилганлигига, боблар ва қисмларнинг илмий жиҳатдан аниқ номланишига боғлиқ.

Китобнинг биринчи боби («Бу гўзал қадим замон!») Урта Осиё ибтидоий-жамоа тузуми даврига бағишланган. Бу бобнинг номланиши мазмунига зид. Муаллиф бу ўринда пойма-пой бўлиб кетган, яхлитликдан ҳоли, бунинг устига 60-йилларгача мавжуд бўлган, эскирган археологик даврлаштиришга асосланган археологияга доир материалларни қуруқ қайд этишдан нарига ўтмаган.

Неолит (тош асрининг иккинчи, энг сўнгги даври) замонида, деб ёзади Г. Ҳидоятов, «Урта Осиё янги маданиятнинг, инсоният жамияти тараққиётидаги янги босқичнинг маркази бўлди». Бироқ биринчидан, Урта Осиё тарихида неолит даври эрамиздан аввалги 10—2 минг йилликларни ўз ичига қамраб олмайди, бу давр эрамиздан аввалги V—III минг йилликлар билан белгиланади. Иккинчидан, Урта Осиё ўша даврда «янги маданиятнинг» ва инсоният жамияти тараққиётидаги «янги босқич» маркази бўлмаган. Китобда неолит давридан кейинги асрлар Урта Осиё тарихи ҳақида ҳам талай чалкаш фикрларга йўл қўйилган. Хусусан, китобдаги илк темир асрига бағишланган саҳифаларда, яъни ибтидоий-жамоа тузумининг барҳам топиши, Ўзбекистон ҳудудида синфий жамият ва қадимги давлатлар пайдо бўлишининг мураккаб тарихий манзаралари деярли очиб кўрсатилмаган. Мисол тариқасида келтирилган ҳужжатли материаллар жуда оз, бунинг устига пойма-пой, чалкаш баён этилган, баъзан эса ҳато, нотўғри берилган ўринлар ҳам учрайди. Хусусан, узунлиги бир километр бўлган суғориш системаси, китобда айтилганидек, темир асрига хос қурилиш бўлмай, бронза асрига, суғоришнинг илк бор пайдо бўлиши даврига алоқадор.

Муаллифнинг Урта Осиё ҳудудида Аҳмонийлар томонидан бир неча — Кирополь, Термиз ва бошқа шаҳарлар қурилган, деган фикрини ҳам маъқуллаб бўлмайди. Кейинги йилларда Эски Термиз ва Шаҳристон (Ура-Тепа) харобаларида амалга оширилган археологик қазишмаларнинг кўрсатишича, бу ёдгорликларда Аҳмонийлар замонига доир маданият қолдиқлари учрамайди. Шундай фикрни Александр Македонскийнинг Сўғд ва Бақтрияни зўр бериб юнонлаштиргани ҳақидаги фикр хусусида ҳам айтиш мумкин. Археологлар томонидан ҳозиргача Ўзбекистон ҳудудида бирор бир кўчириб келинган юнонлар яшаган қишлоқ харобалари, юнон архитектураси ва маданиятига доир қолдиқлар топилгани йўқ. Муаллиф ёзган юнонлаштириш Сўғда бошланган эмас, балки бу жараён Бақтрияда, боз устига қийла кейинроқ юз берган бўлиб, Юнон-Бақтрия давлати ташкил топиши билан боғлиқ ҳодисадир.

КИТОБНИНГ КЕЙИНГИ БОБЛАРИДА Урта Осиё тарихи, қўшни ва чет мамлакатлардаги (Мўғулистон, Хитой, Эрон, Месопотамия, Арабистон, Кичик Осиё ва бошқа) сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқликда олиб кузатилган. Оқибатда боблар, айниқса, параграфлар («Арабларнинг бостириб келиши», «Чингизхон», «Жалолиддин», «Темур», «Олтин Ўрда ва Темур», «Сўнгги юриш») ортиқча тафсилотларга кўмиб ташланган.

Г. Ҳидоятовнинг таъкидлашича, «араблар ўзлари билан бирга Урта Осиёга феодализмни олиб келдилар ва феодал ишлаб чиқариш усули қарор топишининг тезлашувига имкон яратдилар». Биринчидан, феодал ишлаб чиқариш усули аввало жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг маълум бир босқичини англатади. Бироқ бирор-бир ижтимоий-сиёсий формация четдан экспорт қилинмайди, балки жамиятнинг табиий тараққиёти натижаси сифатида юзага келади. Иккинчидан, илк ўрта асрга хос ишлаб чиқариш усули Урта Осиёда Араб халифалигигача, IV—V асрлардаёқ пайдо бўлган эди.

Муаллифнинг «бу ерда хусусий мулкчилик бўлмаган» деган фикри ҳам ноўрин. Агар шундай бўлса, X аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг амир Исмоил томонидан бухоролик ер эгаси Ҳасан ибн Талутадан шаҳар қалъаси деворларидан ташқаридаги меросий ғаллакор майдонни — «Даштак»ни 10 минг дирҳамга сотиб олгани ҳақидаги маълумотини қандай изоҳлаш мумкин.

Маълумки, араблар келиши арафасида Мовароуннаҳр 16 йирик ер эгалигига, яъни сонсаноқсиз «деҳқон» қўрғонларию жамоа ва хусусий хўжаликларга эга феодал мулкларига бўлинган эди.

Китобда, айниқса, мўғул жамиятидаги формацияларни баҳолашда кўп чалкашликларга йўл қўйилган. Бу ўринда муаллиф ибтидоий, қулдорлик ва феодал тузумларини аралаштириб юборган. Унинг Урта Осиёдаги феодал тартиби ҳақида юритган фикр-мулоҳазалари жуда тарқоқ. Ҳатто Шайбонийлар давлати ҳам китобда феодализмнинг алоҳида босқичи сифатида баҳоланади. Шайбонийлар давлати ижтимоий-сиёсий тизимини, китобда таъкидланишича, ҳарбий бюрократик-феодализм деб атаса ҳам бўларкан. Г. Ҳидоятовнинг фикрича, Мовароуннаҳрда Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида, яъни IX—XII асрларда ҳатто «капиталистик ишлаб чиқариш куртаклари пайдо бўлишига шароит» туғдирилган эканки, бу энди тарих фанидаги «янгилик».

Муаллифнинг исломга ва сўфизмга муносабати зиддиятли, баъзи ўринларда эса салбий. Китобдаги сўфизм ҳақида берилган барча маълумотлар академик В. В. Бартольднинг «Ислом» асаридан олинганига қарамай бирор жойда на асар номи, на муаллиф исм-шарифи кўрсатилган. Г. Ҳидоятовнинг таъкидлашича, сўфизм Мовароуннаҳрда, аниқроғи, Бухорода IX асрда пайдо бўлган ва бу оқим 832 йили вафот этган Абу Ҳафс номи билан боғлиқ. Аслида эса Абу Ҳафс Кабир Бухорий сўфий эмас, балки исломий олим-қонуншунос сифатида таниқли киши бўлган. Илк сўфий жамоалар ҳақиқатан ҳам IX асрда, бироқ Мовароуннаҳрда эмас, балки Миср ва Балхда пайдо бўлган. Мовароуннаҳрга сўфизм ҳийла кейинроқ кириб келган, XIV асрдан эътиборан кенг ёйилган ва бу оқим Баҳовуддин Нақшбандий номи билан боғлиқ.

Китобда исломнинг ҳар қандай тараққиётга тўсиқ бўлувчи реакцион моҳияти ҳақида ўта қатъият билан сўз юритилади. Бироқ руҳонийларнинг маърифатпарварлик, ободончилик йўлидаги хизматлари, халқ қаётида исломнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида лом-мим дейилмайди.

Чор Россиясининг Урта Осиёни босиб олишдаги мустамлакачилик сиёсатини иккор этмаган ҳолда, Г. Ҳидоятов китобининг сўнгги бобини «Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши» деб номланган. Бу бобда чор ҳарбийларининг босқинчилик ҳаракатлари Урта Осиё вилоятларининг Россия империясига «қўшиб олиниши» сифатида кўрсатилган.

Г. Ҳидоятов китобда жуда кўп такрорларга, шаркона атама ва эпитетларнинг нотўғри талқинларига, хронологик хатоликларга йўл қўйган. Мисол учун, Қутайба ибн сифатида 708 йили эмас, балки 705 йили тайинланган. Унинг Бухорога юриши 709 йили эмас, 706 йили бошланган. Хоразмга юриши эса 713 йили эмас 710—712-йилларда амалга ошган. Хоразмда Қутайба хоразмшоҳдан товон исфатида «ашёлари билан 10 минг асир» эмас, балки 10 минг бош мол олган. Китобда бундай нуқсонлар жуда кўп.

Номлар ва жуғрофий атамаларда ҳам ноаниқликлар йўқ эмас. Машҳур қаҳрамон Тўмарис Тамарид деб, Широқ — Сирак деб, Хурзод — Хурразод, Бумин — Тумин, СССР ФА мухбир аъзоси С. П. Толстов — СССР ФА академиги С. П. Толстов, Омонқотон — Аман-Кусан, Қапчиғай — Кипчатай, Насаф — Насер, Кўксарой — Гёк-Сарай, Балх — Балк деб ёзилган.

ХРОНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР, тарихий шахслар ва жуғрофий номларнинг нотўғри ёзилганини кўрсатиб турган юқоридаги мисоллар шуни англатадики, «Менинг жонажон тарихим» китобининг муаллифи нафақат «жонажон тарих»ига, балки ўз ишига ҳам масъулият билан ёндашмаган. Шунинг учун китобни ўқиш жараёнида ўқувчидан эҳтиёткорлик ва танқидий назар талаб этилади. Ҳаммамиз ҳам бир нарсани муқим ёдга тутишимиз даркор, она тарихимизни бузиб талқин этиш учун ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси, профессор

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Мен жонкуяр журналистимиз Аҳмад Отабой билан ҳурматли домламиз академик Аҳмадали Асқар суҳбатида («Илмий-маданий савия.. керак эмасми?», 1992 йил, 30 октябрь) кўтарилган масалаларни жамиятимиз ҳам маънавий, ҳам моддий инқирозга учраган бир пайтдаги ўйноқ қалблар бонгидек қабул қилдим.

Суҳбатда кўтарилган, мутахассислар учун оғриқли, долзарб масала — кейинги пайтда пайдо бўлаётган айрим китоблар ва рисолачалар хусусида тўхталмоқчиман. Улар худди ёмғирдан кейинги қўзиқоринлек кўпайиб кетмоқдаки, китобхон қай бирини ўқишга, қай бирига ишонишга ҳайрон. Суҳбатда тилга олинган «маърифат савдоси» «арбоблари» томонидан чиқарилган хом-хатала нашрлар сони кундан-кунга ортмоқда. Шу ўринда иккита мисол келтирай: «Меҳнат» нашриётида 1991 йили чоп этилган «Марҳамат» номли китобчанинг мазмуни, ундаги айрим ажабтовур фикрларни таъкидлаб, бир нарсага аниқлик киритайлик. Рисоланинг 7-бетидан 10-бетининг ярмигача бизнинг илгари эълон қилинган мақоламиздан кўчирма олинганда, лекин кўрсаткич берилмаган. Муҳаррир қаерга қараган? Нима учун бундай китоблар тақризсиз чиқаётир? Бир-бирини алдаш илмга кирмаса керак?

Ҳ. Санақуловнинг «Ситора» кичик корхонасида нашр этилган «Чуст» тарихий-этнографик очерклар китобчасида водий тарихига оид баъзи маълумотлар чалкаштирилиб юборилган. Жумладан, машҳур Поп топилмалари, Фарғонанинг I—IV асрлар тарихи, Чустдаги Бибионамозор ҳақида нотўғри маълумотлар берилган, қадим даврга оид манбалардан палапартиш фойдаланилган.

Энди кейинги пайтларда оммабоп нашрларга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтсам. Юқорида тилга олинган «Марҳамат» номли китобчани нашр этишда Марҳамат тумани агросаноат бирлашмаси, «Чуст» рисоласини чиқаришда эса Чуст матлубот жамияти ҳомийлик қилган. Бу савобли ишлари учун уларга раҳмат! Бироқ қанчалаб маблағ сарфланган рисолаларни бамаслаҳат, матнига жиддий эътибор бериб, олимлар, илмий муассасалар билан ҳамфикрликда нашр этилса нур устига нур бўлмасмиди?!

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил ЯШИН ва туркман адиби Керим ҚУРБОННЕПЕСОВ.
О. САҲАТҚИЛИЧОВ суратга олган

ТАЛАБ: ТЕРАН ТАҲЛИЛ

Адабиётни тақдир деб билганлар учун ўтаётган 1992 йил ҳам қийин кечди. Иқтисод, турмушдаги қийинчиликлар бир томону, кўнгилларнинг бесаранжомлиги, минг бир ўй-хаёллар бир томон... Мана, қалбда алам-армонлар, елкада зиғирча камаймаган турмуш ташвишлари билан кириб келаётган янги йилга умид тўла кўзларни тикиб турибмиз.

Модомики, сарҳисоб қиладиган бўлсак, 1992 йил ўзбек адабиётида ҳеч қандай мўъжиза рўй бергани йўқ. Демак, ўз-ўзидан равшан, танқид ва адабиётшунослик соҳаларида ҳам оламшумул ютуқлар қўлга киритилмаганини қайд этсак бўлаверади. Сирасини айтганда, «мўъжиза» ва «оламшумул ютуқлар» бошқа доирадаги кишиларнинг луғатига ярашади, мисол учун, экстрасенс ва бошқаларнинг. Бироқ, кишини ичдан севинтирадиган бир ҳолатни шу ўринда айтмай илож йўқ: жуда секинлик билан, гоҳ билинар, гоҳ билинмас даражада бадиий ижод «умумпролетар иши»дан секинаста табиат ато этган иқтидор соҳибларининг чинакам кўнгил юмушига айланаётир.

Назаримизда, ўтган йили бадиий ижод аҳлини иқтисодий таназзулдан кўра назарий қарашларда юз берган кескин туб бурилишлар, бадиият тўғрисидаги тасаввурларда рўёбга чиқаётган янги тамойиллар кўпроқ ўйлантириб қўйди. Шу боис 1992 йил адабий танқиди янги йўллар қидиришнинг мураккаб жараёнини бошдан кечирди ва табиийки, аввалгидай шовқин-суронли баҳс-мунозаралар, танқидий чиқишлар чўғи бурунги йилдаги каби баланд бўлгани йўқ. Вақт энди чинакамига саралаяпти: бундан буён эскирган назарияларга хизмат қилиб «адабий карьера» орттиришнинг иложи йўқ; умуман, адабиёт ишидан энди фойда, енгил обрў олиш жуда-жуда мушкул, танқидчилик эса бу соҳанинг этагидан тутганга яқин-орада меҳнат ва машаққатдан бошқа бирон нарсани ваъда қилиши даргумон.

Совет даври адабий жараёнида ўзларини ҳукмрон мафкуранинг ҳимоячилари ҳисоблаган айрим адабиётчилар бугун сукут сақлашни маъқул кўришаётган бўлса, бадиий асарларда ижтимоий иллатларнинг фош этилиш даражасини баҳолашга танқидчиликнинг етакчи вазифаси сифатида қараган мунаққидлар овози ўтган йиллардагидай баланд пардаларда, тез-тез эшитилиб тургани йўқ.

Мунаққидларимиз йиллар давомида адабиёт ҳақида китобхонлар онгида пайдо қилинган сохта тасаввурларни ўзгартиришга, улар қалбида бадиий асардан завқ, илҳом ола билиш, ҳайратланиш туйғусини тарбиялашга ҳаракат қилдилар. Мафкуравий адабиётнинг знёни ва умуман, адабиётда мафкуравийлик масалалари атрофидаги чиқишлар келгуси йилда ҳам Танқид ва адабиётшуносликнинг асосий мавзуларидан бўлиб қолади. Яқинда бир гуруҳ ҳик

Носир МУҲАММАД

МЕРОС

Улуғ Ватан урушида жароҳатланган тоғам Эшим Жўраев хотирасига

Неча йил йўлингиз пойлади ажал,
Турфа қиёфада ҳамлалар қилди.
Ғафлатда қолдирди наҳотки азал?
Ҳориган жисмингиз тоғдек йиқилди...

Йигитча эдингиз ўтюрак ва шўх,
У олов нафасин уфурди илк бор.
Фашист бўлиб отди кўксингизга ўқ,
Кўппакдек оёққа етказди озор.

Жабҳадан қайтдингиз қўлтиқтаёқда,
Юртда очарчилик, уй йўқ бағри бут.
Ошуфта юракка ором қаёқда?
Жароҳатлар гўё бўлдилар унут.

Елиб-югурдингиз шу эл-юрт учун,
Қаттага укаю кичикка оға.
Ёниб яшадингиз, лекин кунма-кун
Шамдек тугаб борди жисмингиз, тоға!

Ўғри мушук каби ўлим изма-из,
Босган қадамингиз пойлашдан толди.
Асло келолмади сизга юзма-юз,
Иғво, бўҳтон бўлиб этакдан олди.

Сўнгра пайдо бўлди «амирлар»,
«хонлар»,
Мансабу жоҳ учун номусин сотди.
Эл дардин унутиб неча замонлар,
Илондек бойликнинг ёнида ётди.

Сиз собит қолдингиз то сўнгги нафас,
Ўзгарувчан замон силсиласида.
Сохта дабдабаю пуч шуҳрат абас,
Қулади адолат зилзиласида.

Ҳаётда тобланар руҳ ила бадан,
Осонмас яшамоқ бегард, бенуқсон.
Йўллар ғуборидан, йиллар зарбидан
Виждону имонни асрамоқ омон.

Бугун бир ҳикматни англадим охир,
Эҳтимол англадим уни сал кечроқ:
Инсон бўлиб қолмоқ қаҳрамонликдир,
Жасорат — пок қолмоқ нопоклар
ичра...

Робия момонинг эртакларидай
Ширин хотирадир лутфу меҳрингиз.
Сиз эккан ниҳоллар кўкка бўй чўзгай,

Эзгу ишларингиз кетмагай беиз.
Умр-ку бевафо асли, тоғажон,
Вале, қолдирдингиз мангулик мерос:
Халқ билан бўлмоқлик бир вужуд,
бир жон,
Шу она Ватанга муҳаббат, ихлос.

●

Сенсиз менга роҳат йўқ,
бир лаҳза ҳаловат йўқ,
Кўз юмсам ўзинг пайдо,
уйқумда фароғат йўқ.



Ишқинг майида мастман,
сенга дилдан пайвастман,
Мисли офтобпарастман,
қаро тунга тоқат йўқ.
Ишқ шундайин бир кимё,
нодонни этар доно,
Бағримда жодир дунё,
бундан ажиб ҳикмат йўқ.
Тириклик гавҳари у,
дунёнинг меҳвари у,
То бор экан бу туйғу,
тўфону ҳалокат йўқ.
Найлайки, замонам шул:
меҳру оқибат бир пул,
Вафосиз муҳаббат — тул,
дўстларда садоқат йўқ.
Теграмга назар солсам,
молу дунё — танҳо ғам,
Эрларда шижоат кам,
қизларда малоҳат йўқ.
Дилбарим, бўлгил омон,
бир гулдан яшнар бўстон,
Англадим, Носир, аён,
сенсиз бахт-саодат йўқ.

ҚИТЪА

(Абдулла Тўқайдан)

Кучларимни мен қаро кунларга
сақлай олмадим,
Кунларимнинг ҳеч бирин ёруғ деб
оқлай олмадим.
Йўлда ғовлар учради, итдан кўпайди
душманим,
Чунки золимларни, ҳокимларни
ёқлай олмадим.
Битди куч, синди қилич, шу
бўлди, найлай, оқибат:
Кирланиб кетдим ўзим,
дунёни поклай олмадим.

Турсунтош ЖАББОРОВА

ҲАЁТ

Ҳар куни тирилар кўксимда ҳаёт
Уртаниб,
Урганиб қисматимга жим.
Дардингни олай деб дўст-ёрларимга
Кузак кириб келган боғдай ялиндим.
Келажак юктирмай юрагимга гард,
Кўрсатар қадимий йўлни-йўриқни.
Куйлайман, жўр бўлар менга кўҳна
дард,
Куйлайман заъфарон қўшиқни...

ҒАРИБ

Ғарибман ғаройиб туш таъбиридай,
Андуҳ қўлламади, руҳлар қўллади.
Уйғоқ умидларим уммони ичра
Кўзим ёшга тўлди, кўнглим тўлмади.
Дилга асир бўлди асотирларим,
Ғанимлар бўғзида чайналдим бот-бот
Кимга хатар бўлди хавотирларим,
Тунга атар бўлдим қалбимни
наҳот?!.
Ойни рўмол каби илдим бошимга,
Шашқатор ёшимни олмадим тийиб.
Тупроқдан мен кўйлак тикдирдим,
нетай,
Биргина осмонни бошимга кийиб.

СЕНСИЗ ЁЛҒИЗ ҚОЛГАН ИШҚИМНИ

Балоларни солма бошимга,
Муҳаббатнинг мовий йўллари.
Осмонларга узанган тунда
Дарахтларнинг жажжи қўллари.
Унут бўлса йўллар, йўлдошлар,
Юрагимга чорлайман кимни?..
Қайси гўрга олиб кетгайман
Сенсиз ёлғиз қолган ишқимни.
Муҳаббатсиз маъюс қалбимни
Қўллагайдир на расул, наби.
Қўрқитади юлдузлар тунда
Бойўғлининг кўзлари каби...

УНУТИШ

Офтоб чиқар оламга тағин,
Туман ичра ялтирайди нур.
Рутубатли хазонлар ичра,
Кўкка боқар ғамдийда сурур.
Дарахтларнинг бийрон тилидан,
Тўкилади япроқлар, сўзлар.
Бу сўзларни туманлар тағин,
Яширади бегона кўздан.
Дарахтларнинг бужур танаси
Ухшаб кетар нолакор найга.
Кетиб борар уфқ узра қуёш,
Кетиб борар... Билмайман қайга.
Офтоб чиқар оламга тағин.

Ибодат бор эди, у этгай давом...

Мана, йил дарахтининг сўнгги япроғи ҳам узилиб тушди. Ҳаммамиз учун гоҳи шод, гоҳ маҳзун лаҳзалари ила азиз бўлиб қолган 1992 йил ҳам бир неча кунлардан сўнг хотирага айланади. Сиз азиз муштарийлар эса севимли ҳафтаномангиз «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»нинг бу йил ҳисобидан НАЗМ, НАСР бўлими тайёрлаган саҳифага одатдагидек синчковлик ва талабчанлик, катта қизиқиш билан ҳам кўз ташламоқдасиз. Ёдингизда бўлса, бўлим йилнинг илк саҳифасини бетакрор шоиримиз Абдулла Ориповнинг ажиб «ҲИКМАТ САДОЛАРИ» билан бошлаган эди. Бўлим ижодкорлари йил мобайнида ана шу садолар юрагингизга муттасил ҳамоҳанг бўлиши учун қўлидан келганча — баҳолиқудрат ҳаракат қилишди. Жумҳуриятимиз адабий муҳитида кечган воқеалар ҳонадонингизга мунозарали адабий суҳбатлар, мулоқотлар тарзида кириб борди. Ажойиб шоирларимизнинг гўзал туркумлари сизнинг синчков ижоҳингизга йил бўйи ошиқиб турди.

Сир эмас, бозор иқтисодининг бешафқат ҳукми қоғоз муаммосини келтириб чиқарди. Бу эса, табиийки, ўз-ўзидан адабиёт тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларга бориб тақалди. Шу боис, кўпчилигингизнинг тилингиз учида турган оғриқли «АДАБИЁТ ЎЛАДИМИ!» каби саволларга ҳурматли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг баҳсли чиқишлари, қатор ижодкорларимизнинг бу баҳсда иштироклари ҳам сизни бефарқ қолдирмади.

Давлат арбоби, йирик алломa, адиб, шоир ва уламо Алихонтўра Соғуний каби табаррук зот ёди ила мунаввар бўлган саҳифалар, хориждаги ватандошларимиз ижодларидан намуналар, сиз йўллаган мингдан зиёд мактублар орқали ҳафтаномамиз саҳифасида чақнаб кўринган хоразмлик Шуҳрат Мустафо каби янги, ўсмир номлар... булар барининг сиз азиз муштарийлар билан ҳафтаномаининг узоқ йиллик қадрдонлиги, мулоқоти маҳсулидир.

Биз йил мобайнида саҳифаларни тайёрлашда сизларнинг самимий, қуюнчак мактубларингизга таянгик, улардан озиқландик, баъзиларини янги йилдан сўнг эълон қилишга режалаштирдик.

Аммо, ҳаш олиш керак, қилинган ишларнинг барининг адабиёт деб аталмиш катта дунёсидан томчи холос. Бироқ, бир нарсани мамнуният билан таъкидлаб ўтмасак бўлмас, ўтган тарихимизга синов йили каби кириб келган ва кечган 1992 йил қалблар адабиёт ёғдуси билан ҳар қандай дамларда ҳам нурланиб туришини яна бир бор исботлади. Бўлимимизга келган шеърлар, ҳикоялар, адабий ўйлар қайд этилган мактублар сони камаймади.

Бу мактублар, шоиримиз айтганларидек:

Инонгум, эътиқод ўзи
бўлиб ёр
Бизнинг ҳам қўлимиз бир
куч тутгайдир, —

деб орзу қилинган кунларга тобора яқинлашиб келаётганимиздан далолат бериб турди.

Умид қиламизки, янги йил давомида ҳам сиз билан мулоқотларимиз мустаҳкамлана бораверади. Забардаст сўз усталарининг ҳали снёҳи қуримаган сатрлари, ижодларидан намуналар анъанавий йўл билан қўлингизга бориб тегади. Адабий ҳаётнинг сеҳрли ҳикмат садолари қалбингиздаги бўшлиқни тўлдиради.

Зеро:

Ибодат бор эди,
у этгай давом
Қирқ билан ёпмасмиз
бу уйнинг томин.
Бизни тинглагангa
ҳамиша салом,
Яна кўришгунча
соғ бўлинг!

Омин!

НАСР, НАЗМ БЎЛИМИ

ШАҲАРДАН ЧИҚИБ КЕЛГАН ота-бола ҳайитга атаб бозордан семиз қўчқорни харид қилиб, уни мол ҳайдовчига топширишди-да, бироз нафас ростлаш учун шу ўртадаги чойхонага киришди. Бир пиёла чой ичишга улгурмаган ҳам эдиларки, шу пайт кимдир «Босмачилар!», «Босмачилар!» деб қичқирдию, одамлар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Ҳамма ўша овоз келган томонга қараб интилди. Бозор оралаб ўтган йўлдан мелисалар икки маҳбусни олдига солиб келар эди.

Тоғ этагига жойлашган бу бозор бир неча йўллар туташган бўлгани сабабли одам гавжум эди.

Агар ўша одам «босмачилар» деб бақирмаганида ҳеч ким маҳбусларга эътибор қилмай, ўз юмушлари билан овора бўлиб қолаверишарди. Хитобдан сўнг одамларнинг тинчи бузилди.

Бир зумда одамлар тўпланиб, гуруҳ ҳосил қилди. Ота-бола ҳам чойхонадан чиқиб одамларга қўшилишди. Улар босмачилар ҳақида шаҳарда ҳар хил гапларни эшитишганди, аммо ўзларини кўришмаган эди.

Одамлар саросимада босмачилардан кўз узишмасди.

Кейинги пайтлар улус ичида босмачилар ҳақида ҳар хил ваҳима гаплар кучайганди. Кимдир «Улар ёшу қарини аямай ўлдириб, бутун қишлоқларни талаб кетишаётган эмиш, ёш қизларни зўрлаётган, фаолларни отаётган, мусулмонларнинг уйларини вайрон қилаётган эмиш», деса бошқаси бундан ҳам қўрқинчлироқ гапни айтарди. Қўрқув, ҳавотир одамларни анча чўчитган ва айни пайтда дилларида уларга нисбатан нафрат уйғотганди. Бунинг устига маҳбусларнинг важоҳати қўрқинчли эди: соқоллари ўсган, эгниларида жандаси чиққан тўн, юз-кўзлари қон аралаш тупроққа беланган эди. Улар шу ҳолига ва қўлларига кишан солинганига қарамай, бошларини баланд кўтарган ҳолда келишарди. Босмачиларнинг ўзларини мағрур тутиши оломонга таъсир қилди, тўпланганлар орасида шивир-шивир кучайди.

Шу пайт кимдир ёғоч тўсинга осилиб, бор овозда «Халойиқ, булар босмачилар! Улар инқилоб душманлари, қонхўр каллакесарлар!» деб бақирди. Чираниб бақирганидан унинг бўйин томирлари бўртиб чиқди. Қўчқор харид қилган кишига бақираётган одамнинг башараси танишдек туюлди, аммо уни қаерда кўрганлигини эслолмади. Тўсинга осилиб олган одам эса йиғилганларга бояги гапи таъсир қилмаганини кўриб, аввалгисидан ҳам кучлироқ овозда чинқирди. «Ана, шу босмачилар, хотин-бола чақамни ўлдиришиб, уйимга ўт қўйишди». Буни эшитган маҳбуслар тўхтаб, ҳайрат билан бир-бирига қарашди. Тўсинга осилган киши эса дод солди:

— Халойиқ, қачонгача бу қонхўрларга чидаб келаверамиз?! Бу одамхўрлар на қари, на бола, на хотин-халажни аямай ўлдираверишса, уйларимизга ўт қўйиб, хонавайрон қилаверишса. Бу қутурганлар бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаверса, зулмнинг чеки борми? Босмачиларга ўлим! Ўлим!

Одамлар орасида ғала-ғовур кучайди. Дафъатан тўда орасидан кимнингдир «Ур!» деган чинқириғи эшитилди. Бошқалар ҳам унга жўр бўлишиб,зум ўтмай бу шовқин талаёнга айланди.

Ҳаётнинг нотинчлиги, турмушнинг оғирлиги, бунинг устига очарчилик — буларнинг ҳаммаси одамларни аламзада қилиб қўйганди. Шу сабабдан бу васваса уларнинг сабр косасини тўлдириб юборди. Оломон икки маҳбус устига бостириб келди. Мелисаларни бир четга суриб ташлади. Ҳеч нарсани тушунмаган маҳбуслар оломоннинг калтаклари остида қолди.

Бироздан кейин ўртада маҳбусларнинг ўлиги қолди. Бироқ, вазиятни қўлдан бой бермай, боя «Ур!» деб бақирганлардан бири қонга беланиб, жонсиз ётган маҳбусларни кўрсатиб «Буларнинг шериклари ҳам бор!» дея хитоб қилди. Эндигина тинчланаётган оломон, бу сўзлардан яна ғалаёнга келди.

— Шериклари шу яқин ўртада ертўлада ётишибди! — деди бошқаси.

Ўлганларнинг шериклари қақидаги хабар ўтни яна алангалатиб юборди. Одамларнинг назарида, гўё босмачиларнинг шериклари ҳозир ертўладан чиқиб келишади-ю, ҳаммадан бирма-бир қасос оладигандек туюларди. Пировардида кимдир «миршабхонага борамиз, олға» деб қичқирди. Оломон турган жойидан қўзғалиб, миршабхона томон йўналди. Ота-бола ҳам уларга эргашди.

ЭСКИ МИРШАБХОНАНИНГ ЕРТЎЛАСИДА бир неча маҳбуслар ётишарди. Чириган тахталарнинг тирқишидан тушаётган ёруғлик қоронғу ертўлани ғира-шира ёритиб турарди. Тоққа ўтин тергани борганида қўлга тушган ўспирин йигит рўпарасида ўтирган кишига дардини айтарди:

— «Қоплон дара»даги жангда оёғимдан шикаст емаганимда буларнинг қўлига сира тушмаган бўлар эдим. Акаларим барибир мени бу ердан қутқазиб олишади. Мана, кўрасиз!

— Акаларинг бу ерга етиб келгунича худо билади, тақдиримиз нима кечади, — деди бунга жавобан ўрта ёшдаги киши.

— Албатта, келади. Келиб бизларни бу ердан қутқаради, — деди йигит қатъий оҳангда. — Акаларимни билмас экансиз, — йигитнинг назарида акалари ғиғилмас ботирлар бўлиб туюларди. Шунинг учун ҳам, акалари уни бу ертўладан қутқазиб олишига шубҳа қилмас эди. Мўйлари энди сабза ура бошлаган бу йигит қўрқув нималигини билмас, ажал билан ҳали бирон маротаба юзма-юз келмаган, назарида ҳаёт абадийдек эди.

— Менинг бешта болам билан кекса онам қишлоқда қолишган. Бир ҳафтадан бери дарагим йўқ. Роса ҳавотир олишаётгандир, — деди ўрта яшар киши.

— Шаҳарга нега тушгандингиз? — деб сўради ўспирин.

— Ейишга ҳеч нарса қолмагандан кейин бу ердан ул-бул топармиканман, — дегандим. Ҳеч гап-сўз йўқ, бозорда ушлаб олишди. Топган гапларини қаранг, «Босмачиларнинг айғоқчиси» эмишман. Тавба!.. Менинг шундан бошқа ташвишим йўқми?!

— Иккита шеригим билан шаҳарга нонга келгандик. Қизиллар кимларнидир пойлаб, пистирмада ётишган экан. Толеимдан ўргилай, келиб-келиб бизларни ушлашса бўладими! — гапга аралашди яна бир киши.

— Шериклирингиз қаерда? — деб сўрашди ундан ўтирганлар.

— Шерикларим қочишди, — деди у афсусланиб. — Худо билади, ҳозир ўзимизниларнинг олдига етиб олишгандир ҳам. Эҳ, аттанг! Бир қочайлик «ё ўлим, ё мамот» дейишганди-я, мен нодон «бизларнинг ҳеч қандай айбимиз йўқ, текшириб қўйиб юборишади», дебман. Бу ерда ўтиргандан кўра ҳозир бола-чақамнинг олдида ўтирган бўлармидим, балки?! Ўлганнинг устига тепгандек саволларини қаранг, «Нега эгнингдаги чопонинг жулдур» эмиш. Ҳа, янгиси бўлмагандан кейин катта холамникидан олиб кияман-ми, бўлмаса, олиб бер...

— Эски йиртиқ чопон кийган одам борки, уларнинг назарида ҳаммаси босмачи... — деган овоз эшитилди қоронғудан. Ўтирганлар овоз келган томон ўгирилишди. — Отинг ўчсин, «босмачи» деган номни ҳам топиб қўйишган. Босмачи аслида ким? Бизми ёки уларми? Ҳақиқий босмачилар ким эканини одамлар билганида эди, бунчалик даҳшатларни бошидан кечирмаган бўлар эди, — давом этди ўша одам.

Ўтирганлар унинг афти-ангорини хиёл бўлса-да, илғашганди. У қуюқ қора соқолли, барваста одам эди. Шу пайт унинг ёнида кимнингдир инграгани эшитилди. Соқолли киши энгашиб, бир нарсани пайпаслагандек бўлди-да, ёнида ётган кишининг тагидан қонга беланган матони тортиб олди.

— Бирор латтангиз йўқми? — деб мурожаат қилди у ўтирганларга. Буни биринчи бўлиб боғи ёш йигит тушунди шекилли, ўрнидан дик этиб туриб, белидаги қийиқчасини узатди.

— Яраланганми? — сўради шерикларидан ажралиб қочолмай қолган киши.

— Бечоранинг ярасидан яна қон оқа бошлади. Кеча зўрға тўхтаттандим. Энди нима қилишга ҳам ҳайронман, — деди соқолли киши шеригининг ярасини йигит узатган рўмолча билан боғлар экан. Яраланган киши эс-ҳуши ўзида эмас, фақат «сув-сув» деб инграб қўярди.

— Ифлослар! — деди соқолли киши. — Ҳеч бўлмаса лабини ҳўллашга ҳам сув беришмайди-я. Бегуноҳ одамларимизни қиришса, уйларимизга ўт қўйишса, қарию, болачақаларни аяшмаса, қизларимизни зўрлашса, ўғирлашса. Қилғиликни қилишга қилиб, тағин ўзимизни ўзимизга босмачи қилиб кўрсатишса. Иблисдан қаери кам уларни?!

ШУ ПАЙТ НАРИРОҚДА орқасини ўгириб ётган одам хашакни шитирлатиб, бу ёнбошига ағдарилди-да, чуқур уҳ тортди.

— Ортиқ чидолмайман! — деди у хуноб бўлиб. — Хуржунимни олишга олдиларинг, ҳа, носқовоғимни нега оласанлар, занғарлар!? — У ўрнидан туриб бир-икки қадам у ёқ-бу ёққа юрди. — «Гранатамиш». Ҳа, номард, носқовоқ қанақасига граната бўлади?

— Буважон, сув беринг. Сув. Чанқадим! — маҳбуслар орасида боланинг ялинган товуши эшитилди.

— Сабр қил, ўғлим, сабр қил, — чол болани бағрига босди.

— Уйга қачон кетамиз, буважон? — сўради бола.

— Кечқурун кетамиз, кечқурун. Худо хоҳласа, уйга борсак, тўйиб сув ичасан, болам! — Чол боланинг бошини силар экан паст овозда хиргойи қилди:

Отаси ўлмаган ким бор,
Онаси ўлмаган ким бор,

Алишер МАХСУМОВ



— Бу қандай зулм-а, — деди у хиргойи қилишдан тўхтаб. Кейин ҳаммага эшитарли қилиб: — Инсоф ҳам керак-да, ахир. Мана, кечадан бери сувсиз, нонсиз ётибмиз. Бу етмагандек хуржунимизни ҳам олиб қўйишган. Хуржунда қотган нон, озгина сузма бор эди. Додингни кимга айтишни билмайсан. Мен-ку, майли, беш кунлигим борми-йўқми, ҳеч бўлмаса манави болага ачинишмайдими? У етимда нима гуноҳ. Ахир тепамизда худо бор-ку, ҳаммасини кўриб тургандир, — деди.

— Ота, сизни нега ушлашди? — сўради ундан қора соқолли киши.

Чол саволни эшитмади, ўзича сўзида давом этди: «Боланинг ота-онасини босмачилар ўлдириб кетишибди, тағин бу қизил комиссарлар, «Сенлар босмачиларга айғоқчисан!» деб қамаб ўтиришибди. Бу қандай кўргулик бўлди?!».

— Ота, — деди қора соқолли одам. — Босмачилар деб анави комиссарларни айтиш керак. Бизларни эмас. Биз энди ўз уйимизда босмачи бўлдикми? Қилғиликни ҳаммасини ўша қизиллар қилишади-ю, айбни бизларга тўнкашади. Бундай туҳматларга қандай чидаб бўлади, ахир?!

Номозни ўқиб тугатган кекса киши четроққа ўтиб, тасбеҳ ўгиришга машғул бўлди. Яна биттаси ҳеч кимга қўшилмай, бир бурчакка бориб, ерга ғужанак бўлиб ётиб олди. Учинчиси — ёшроғи эса давра бўлиб ўтиришган, тўрт кишининг олдига бориб қўшилди.

— Ленин бир нарсада ҳақ, — деди кўзойнак таққан зиёлинамо кўринишдаги одам, — у ҳам бўлса, «меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқингизни ўз қўлингизга олингиз» дегани айниқса биз мусулмонларга жудаям тааллуқлидир. Ахир 50-йиллардан бери чор ҳукуматининг истилосида келдик. Энди мустақил бўлганлигимизни фақат ёқлаш керак!

— Мустақиллик, мустақиллик дейсизлар, ҳаммаси оғиздаги қуруқ гап, — сўз қотди қора соқолли.

— Нега ундай дейсиз, ахир нима бўлаётганини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз? — бироз асабийлашиб сўради кўзойнакли киши.

— Русия шу пайтгача босиб олган ерларни эпполмай қолди, империя зимдан бузилмоқда. Герман билан бўлган уруш бунга яққол далил. Ленин эса ана шу империяга янгича мазмун бериб сақлаб қолмоқчи. Мустамлакачиликнинг фақат шакли ўзгаради, холос. Чор ҳукуматининг ўрнига болшовойлар келмоқда. Болшавойлар эса мақсадларига меҳнаткашларнинг кучи билан эришмоқчи. Бошқа гап йўқ, — деди соқолли.

— Туркистон ўлка мусулмонларининг қурултойи-чи, бунга нима дейсиз? Ахир чор ҳукумати вақтида бундай анжуманни ўтқазиш у ёқда турсин, ҳатто орзу қилолмас эдик-ку! Йўқ, сиз нима десангиз деяверинг, аммо мен янгиланиш тарафдориман. — Ўз билганидан қолгиси келмади кўзойнакли киши.

— Мусулмонларнинг иккига бўлинганлиги ҳаммага маълум, ораларидаги ихтилоф ҳам кучаймоқда. Ўша сиз мақтаётган Ленин кўрсатмаси билан «тўртинчилар» мусулмонларни усталик билан иккига бўлиб юборишди. Оми халқ уларга ишониб эргашди. Натижада миллат парчаланди. Ҳатто ака-укага қарши бўлиб қолди.

— Ҳақ гапни айтдингиз, тақсир, — сўзга қўшилди ёнидаги одам. — Ҳақиқатан, мусулмонлар орасидаги ихтилоф кучаймоқда. Уламолар, жадидлар, тўртинчилар, болшовойлар, босмачилар...

— Ислоҳчиларни айтмайсизми, — гапга қўшилди яна бошқаси. — Улар худди ёш болага ўхшайди. Демократия дегани деган. Худоё тавба! Гўё халқнинг тақдирини қоғозда ҳал қилса бўладигандек, мажлисбозлик қилишгани қилишган. Аллақандай назариялар ўйлаб топишмоқчи бўлишадими-ей.

— Бир доно одам, — гапга қўшилди қора соқолли, — бу имонсизларнинг қўлидан ҳеч қандай йўл билан қутулиб бўлмайди. Фақат қўлга қурол олиб курашсаккина ёруғликка чиқиш мумкин.Тинчлик йўли билан улардан ҳеч қачон қутулолмаймиз, ҳамма кучлар бирлашиши даркор, деганди. Ўшанинг гапи ҳақ экан.

— Бу ўта нодонлик! — хитоб қилди кўзойнакли. — Яна қон тўкишми?!

— Мен ҳам қон тўкилиши тарафдори эмасман, аммо мустамлакачиликдан қурбон бермасдан озодликка чиқиб бўлмайди, — сўзида давом этди қора соқолли. — Барибир қон тўкилиши муқаррар экан.

— Ўзимиздан чиққан мусулмон раҳбарлар Амир Хўжа, Малик Карим ўлкамизда янги ҳур ҳаёт ўрнатишмоқчи, — деди кўзойнакли киши. — Бу мақсадда улар ҳатто жонларини фидо қилишга тайёр!

— Амир Хўжа бўладими, Малик Каримми ёки бошқасими, уларнинг ҳаммаси алданганлар, — деди қора соқолли. — Ҳали шундай замон келадики, ҳозирги қилаётган ишларига улар қаттиқ пушаймон бўлишади, аммо ўшанда кеч бўлади. Болшовойлар уларни шундай ўйнатишадики...

— Ҳаммадан кўп иш қилаётган, миллат, Ватан деб жонини фидо қилаётганлар, қўлида қурол билан жанг қилаётган беклар! — деди орқадан кимдир.

— Ахир сиз айтаётган кишилар ғирт ўғри, каллакесарлар-ку, қандай қилиб халқнинг тақдирини ўша босмачиларга топшириб қўйиб бўлади?! — Жаҳли чиқди кўзойнакли кишининг. — Уларнинг қиладиган ишлари ҳаммага маълум — талон-тарож, ўғирлаш, ўлдириш, ёқиш...

— Ким айтди сизга бундай гапларни? Сиз ахир бирон маротаба ўша одамларни кўрганмисиз? — сўради ўша орқадан гапирган одам.

— Улар юрт учун қон тўкишмоқда! — деди соқолли киши. — Аввалги ҳафтада Қўрғонтепадаги қишлоқни ёқиб кетишди, қишлоқни ёқиб битта ҳам одамни тирик қолдирмай ҳаммасини ўлдиришди. Энди ҳамма айбни қизиллар босмачиларга тўнкаб одамлар ичида ташвиқот қилиб юришибди.

— Ахир ўзларингиз бир ўйлаб кўринг-а, ёш болаларимизни қилич билан бурда-бурда қилиб чопишса, вояга етмаган қизларимизни олиб қочиб зўрлашса, уй-жойларимизга ўт қўйиб ваҳшийлик қилишса-ю, кейин ўзларининг одамлари «мени уйимни босмачилар ёқиб кетишди, ота-онамни ўлдиришди, хотин, бола-чақамни ҳам ёқиб юборишди!» деб ҳамма ёққа жар солишса, одамларни ишонтириш учун ёқаларини йиртиб, бошларини деворларга уришса. Жон аччиғида юрган халқ бундай фитналарга ишонади-да, — деди ярадор ётган жойидан. — Афсус, халқ энди биз билан эмас! Уларнинг гапларига ишонишмоқда.

— Беклар бир-бирлари билан келишолмаяптилар, бўлмасам қарши туриш мумкин эди... — деди соқолли киши — ҳамма тарқоқ, ўзича ҳаракат қилмоқда.

— Йўқ, бу ерда бошқа нарса бор, — унинг гапини бўлди ярадор. Ҳамма гап бизнинг қисматимизда. Бу имонсизлар эллик йил бурун бостириб келишганида ота-боболаримизнинг қилган хиёнатларига энди биз жабрини тоштаяпмиз. Буларга таслим бўлгандан кўра ўлимни афзал кўришганида эди, биз бу аламли дунёга келмаган бўлардик, бундай зулмларни тортмас эдик. Бизлар-ку майли-я, умримиз ўтди, аммо фарзандларимизнинг ҳоли нима кечади? Наҳотки улар ҳам бизга ўхшаб қул бўлиб яшашса?!

— Яратганнинг ўзи ҳам биздан юзини ўгирганга ўхшайди?! — деди соқолли киши.

— Ноумид шайтон! — деган овоз эшитилди қоронғу бурчакдан. Бу тасбеҳ ўгириб ўтирган қариянинг овози эди. Ҳамма у томонга қаради. У сўзида давом этди: — «Тангрининг марҳаматидан ноумид бўлиш — куфрликдир!» дейилган муқаддас китобимизда. Пайғамбаримизга ислом динини, имонни сақлаб қолиш учун ҳижрат қилиш буюрилганди. Имони комил ҳақиқий мўминлар уй-жойларини, хотин, бола-чақаларини, мол-мулкларини ташлаб пайғамбаримиз кетидан кетишди. Шу йўл билан ислом дини, имон сақланиб қолинди. Дин бор экан, миллат ҳам, Ватан ҳам бўлади. Ҳижрат қилиш керак, ўғилларим! — деди чол.

— Э-э-э... — деди бурчакда ётганлардан бири асабий ҳолда. — Тупурдим мен ўша Ватан, миллат, халқ деганларига, ҳаммасига тупурдим! Барибир, ҳаммамизни ўлдиришади! Ҳеч кимга раҳм қилишмайди. Биттамизни ҳам қолдиришмай ўлдиришади. Қани, ўша худо, агар бор бўлса, бизни қутқариб олсин-чи! Сизлар бу ерда «халқ, халқ!» деб кўкракларингизга уряпсизлар, ташқарида эса ўша «халқ» ўзини-ўзи ўлдираяпти. Халқ эмиш?! Халқ йўқ энди! Халқ ўлган. Унинг ўрнига фақат... оломон қолган! ОЛОМОН! ОЛОМОН!

Шу пайт ташқаридан шовқин-сурон эшитилди. Бу ғовур-ғувур тобора кучайиб, яқинлашиб келарди. Маҳбусларнинг кўпчилиги ўрнидан туриб ташқарига қулоқ тутишди.

— Айтмовмидим сизларга, — деб қичқирди қувонч билан ёш йигит. — Акаларим қутқазишга етиб келишади, .демаганмидим сизларга!

Хиёл ўтмай ертўла тепасида қадам товушлари эшитилди. Маҳбусларнинг юзларида пайдо бўлган умид ўрнини хавотир эгаллади. Қиёмат қойим бўлгандек одамлар асабий бақиришарди. Мелисахона шовқинга тўлди. Зум ўтмай ертўланинг тепасидаги туйнук очилиб, ичкарига машъала кўтарган одамлар сакраб туша бошлашди. Маҳбуслар бир-бирларига маҳкам ёпишиб, бурчакда тиқилишиб туришарди.

— Мана, улар! — дея бақирди «уйим куйди» дея жар солган киши. — Уйимга ўт қўйиб, болаларимни ўлдиргаңлар шулар! Бояги босмачиларнинг шериклари шулар!

— Ҳаммасини ташқарига олиб чиқиш керак! — деб бақирди иккинчиси.

Яна кимнингдир «ур» деган хитоби эшитилди. Шу заҳоти одамлар маҳбусларга ташланиб, уларни бир-биридан ажратиб тепага тортиб чиқара бошлашди. Бирор қаршиликка ёки бошқа ҳаракат қилишга ожиз маҳбуслар ҳайрон бўлиб юқорига чиқа бошладилар.

Оломон фақат «ур!» деб бақирарди. Одамлар ҳар бир маҳбусни ҳовлигача судраб олиб чиқар, йўл-йўлакай қўлларида нимаики бўлса ўша билан урар, ташқарига чиққунча маҳбус калтаклардан жон берар, агар чала ўлик бўлса, уларни ҳовлидагилар уриб ўлдиришарди. Оломон ҳеч кимни аямасди.

— Ёш болага раҳм қилинглар, — деб бақирган чолнинг гапига ҳам ҳеч ким қулоқ солмади.

— Эй, одамлар, худодан қўрқинглар!.. — тасбеҳ тутган чолнинг гапи ҳам бўғзида қолди.

Ҳаммаси калтаклар, тепкилар остида чўзилиб қолишди. Энг охирида ташқарига бояги ёш йигитни олиб чиқишди. Калтаклар остида қолган ёш йигит жавдираган кўзлари билан оломон ичидан кимларнидир қидирар эди. Жон бергунга қадар унинг кўзларидан умид учқунлари сўнмади.

ФАҚАТ ШУНДАН КЕЙИНГИНА оломон тинчиди ва тарқала бошлади. Боя одамларни «ур» деб тезлаганлар энди ҳеч қаерда кўринмас эди. Ота-бола бир зум майдонда серрайиб туриб қолишди. Бир пастдан кейин отларда қизил аскарлар етиб келишди. Улар ҳовлидаги аҳволни кўриб, турмахонага босмачилар ҳужум қилишибди, ҳаммаёқни улар талон-тарож қилишган, одамларни ўлдиришган деган фикрга келдилар ва ота-болани босмачиларнинг айғоқчилари деб олдиларига солиб кетдилар.

Ҳовли бўшаб қолди. Фақат қонга беланган ўн бир нафар ўлик ерда ётишарди. Атрофни ғалати сукунат қоплади. Бу сукунатда аллақандай сирли қудрат бордек, бу сукунатда даҳшатли бир сир яширингандек эди...

«ҒОЛИБ ТУРОННИНГ ПОК ТУПРОҒИДАНМАН...»

Мирзо Асадуллохон Ғолиб туғилган кунининг 195 йиллиги

Мирзо Ғолиб — кўҳна Шарқнинг улуғ шоири, мутафаккири, мўътабар инсон. Ғолиб ижоди урду адабиёти тараққиётида муҳим бир давр ва юксак босқичдир. Улуғ адиб бу адабиёт уфқини кенгайтирди, уни теран инсонпарварлик мазмуни билан бойитди ва Умумҳиндистон адабий жараёнига қўшилиши учун пухта замин яратди. Ғолиб асарлари урду адабиётида янги илғор ғояларнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Ғолибнинг ижодий мероси Ҳиндистон ва Покистон олимларининггина эмас, балки жаҳон аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг асарлари дунёдаги турли тилларга таржима қилиниб, гўзаллиги, чуқур мазмуни билан ҳурмат қозонмоқда. Тадқиқотчилар фикрича, Ғолиб ижоди Ҳиндистон адабиётидаги ноёб ҳодиса, мамлакатда яшовчи халқлар маданий ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Машҳур ҳинд адабиётшуноси Абдураҳмон Бажнурий Ғолиб тўғрисида «Ҳиндистонда завқбахш, таъсирчан китоб иккита: бири муқаддас Ведалар бўлса, иккинчиси — Ғолиб девонидир», — деб таъкидлаганди.

Мирзо Ғолиб 1797 йил 27 декабрда Агра шаҳрида дунёга келди. Унинг бобокалони Турсунбекхон самарқандлик амир бўлган. Ўғли Қўқонбекхон оиладаги бир келишмовчилик туфайли 1730-йилларда Самарқандни ташлаб, Ҳиндистон сари равона бўлади ва Лоҳур навоби Муин ул-мулк уни ўзига кичик лашкарбоши қилиб олади. Шоирнинг отаси Абдуллобекхон эса Деҳлида туғилади ва аввал Лакҳнавда, сўнгра кўп вақт Ҳайдаробод шаҳрида шоҳ қўшинида хизматда бўлади. Лекин Ғолибнинг тарбияси Аграда унинг она томонидан бобоси капитан ёрдамчиси Хўжа Ғулом Ҳусайн назоратида кечади. Ғолиб эндигина беш ёшга кирганда, 1802 йили отаси Мирзо Абдуллобекхон Рожгарҳдаги бир жанг пайтида фожиали ҳалок бўлади. Ғолибни амакиси Насруллобек ва бобоси тарбиялаб, вояга етказадилар.

Ғолиб ўзининг насл-насаби Самарқанддан эканини, боболари туркийлардан бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланганлигини фахрланиб тилга оларди ва форс тилида ёзган бир шеърида шундай деб таъкидлаганди:

Ғолиб, аз хоки поки Туронем,
Ложарам, дар насаб фараҳмандем.
Ойбекам аз жамоаи атрок...
Марзбонзодан Самарқандем.

Маъноси: «Ғолиб, пок-муқаддас Турон тупроғиданман, асли насл-насабим оқил-донишмандларданман. Турклар жамоаси ойбекларданман, самарқандлик деҳқонзодаларданман».

Улуғ шоир ўз шажараси билан фахрланарди. Шоирнинг отаси ҳам, боболари ҳам ҳарбий кишилар эдилар. Ҳарбийлар санъати уларнинг касб-кори бўлиб қолганди. Бироқ қўшинда хизмат қилиш Ғолибга насиб этмади. Аммо ойбеклар қавмидан бўлган бу турклар фақат ҳарбийлардангина иборат эмасдилар, улар орасидан мутафаккир зотлар ҳам етишиб чиққанди.

Ғолиб 15 ёшида Аградан Деҳлига келади. Бу ердаги адабий муҳит жўшқин бўлиб, ёш шоир Бедил, Урфий, Назирий, Мир Тоқи Мир ва бошқаларнинг форс, урду тилларидаги асарларини қунт билан мутолаа қилади; Асадулло, Ғолиб тахаллусларида форс, урду тилларида шеърлар ёзади. 1828 йилдан эса шоирнинг серташвиш ҳаёти бошланади. Амакисига инглизлар ўзлари тайинлаган нафақани жуда камайтириб юборадилар. Ғолиб адолат ва кўмак истаб мустамлакачилар пойтахти Калкутта шаҳрига боради ва шу ерда уч йил қолиб кетади. Форсийзабон адабий муҳитда яшайди, инглизларнинг адолатсизлиги, шафқатсизлигидан нолийди.

Сўнгра у Деҳлига қайтиб, бобурийлар сулоласининг сўнгги шоҳи Баҳодиршоҳ Зафар саройида муқим яшаб қолади.

Мирзо Ғолиб икки тилда, аввало форсийда, кейинчалик урдуда самарали ижод қилади. Ундан «Девони Ғолиб», «Урдуи муалло», «Куллиёти Ғолиб», «Панж оҳанг», «Номаи Ғолиб», «Меҳри нимрўз», «Достонбу» «Сабди чин» ва бошқа бир қанча асарлар мерос бўлиб қолади.

Урду адабиётининг ривожланишига Ғолиб қўшган ҳисса ниҳоятда улкандир. Шоир ғазални фақат нозик туйғуларнигина эмас, балки иқтисодий, фалсафий ва сиёсий фикрларни ифодалаш воситаси ҳам қилиб олган эди.

Ғолиб инсон сифатида жуда қаноатли ва мағрур, ўткир фаросатли, ҳозиржавоб, латифагўй, ҳазилкаш, сахий ва хушчақчақ инсон эди. У халқ ҳаётини чуқур билар, халқпарвар, ҳаммани, диний ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, дўстлашишга, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга даъват этарди.

Улуғ шоир урду тилида форс тилидагига нисбатан кам ижод қилади ва урду тилидаги ғазалларини форсийга нисбатан кучсизроқ деб ўз ижодига камтарлик билан баҳо беради. Тақдирни қарангки, ўзи фахрланган форсий ғазалларидан кўра, ҳаммаси бўлиб бир минг бир юз байтдан иборат урдуча ғазаллари унга катта шуҳрат келтирди, абадий порлоқ бир обида бўлиб қолди. Ғолиб ижодининг аҳамияти урду адабиёти ривожлангани сари ошиб бормоқда.

Адибга урду тилидаги мактублари ҳам катта шуҳрат келтирди. У насрда бирор роман, повест ёки ҳикоя ёзиб қолдирмади. Ундан қолган бебаҳо мерос дўсту биродарларига ёзган жуда кўп хатлари бўлди. У хатларни шунчалик жонли, чиройли тилда ёзардики, уларни ўқиган киши шоир билан ёнма-ён туриб, ширин суҳбат қураётгандек сезарди ўзини. Ғолиб хатлари урду насрининг энг гўзал намуналари бўлиб, ҳозирги замон урду романчилиги ва ҳикоячилигига асос солди. Адиб мактубларида унинг шахсий ҳаёти, яшаётган даври ва жамиятининг турфа томонлари ўз аксини топган.

Мирзо Ғолиб назм ва насрда самарали ижод этиш билан бирга, тилшунослик ва луғатшуносликка доир ҳам қимматли асар ёзди.

1851 йили шоирнинг яқин дўстлари ва бобурийлар давлатининг сўнгги аъёнлари темурийлар сулоласининг янги, қисқа тарихини ёзишни илтимос қиладилар. Бу тарих икки қисмдан иборат бўлиб, умумий номи «Партавистон» («Нур дастаси») деб аталади. Асарнинг биринчи қисми «Меҳри нимрўз» («Пешин қуёши») деб аталиб, у соҳибқирон Темурдан бошлаб, Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ҳукмронлигининг охиригача бўлган давр воқеалари ифодасини ўз ичига олади.

1854 йили «Меҳри нимрўз» ёзиб тугатилади ва чоп этилади. Иккинчи қисми — «Шоҳи ниммоҳ»да эса, Акбаршоҳдан то Баҳодиршоҳ Iгача бўлган давр воқеалари ёзилиши керак эди, бироқ асар тугалланмай қолади. 1857—1859 йиллардаги кучли халқ қўзғолони бу ишга халақит беради. Унинг ўрнига Ғолиб кундалик ён дафтари асосида унча катта бўлмаган «Достонбу» китобини ёзади. Унда 1857—1858 йиллари Шимолий Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларининг зулмига қарши «Сипоҳийлар қўзғолони» номи билан кўтарилган машҳур халқ қўзғолони даврида Деҳлидаги тартибсизликлар, қўзғолоннинг инглиз мустамлакачилари томонидан шафқатсиз равишда бостирилиши, берилган қурбонлар ва душманнинг кирдикорлари ҳикоя қилинган. Адиб ғанимларга нафратини, ҳасратларини очиқ-ойдин ёзади. Бу асар 1858 йили Аграда босилиб чиқади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Мирзо Ғолибнинг форс тилидаги «Куллиёти Ғолиб» китоби ва уч девони сақланмоқда. Куллиёт шоир ҳаётлигида, 1845—1863 йиллари икки марта нашр этилиб, унга муаллифнинг ўзи муқаддима ва хотима ёзган эди. Институт фондида сақланаётган «Куллиёти Ғолиб» 1893 йили Лакҳнав шаҳрида нашр қилинган бўлиб, у «Ғолиб, аз хоки поки Туронем» деган ўз шажарасига оид машҳур ғазал билан бошланади. «Куллиёт»да 66 қасида, 66 қитъа, мухаммас, 300 дан ортиқ ғазал, 105 рубоий, масновийлар ва бошқа жанрдаги асарлар бор. Ғолиб битган муқаддима ва хотима тўлиқ сақланган. 917-рақамли девон 1903 йили Хоразмда Саййид Муҳаммадраҳим Баҳодирхон даврида котиб Рўзмуҳаммад томонидан кўчирилган. Девондан 300 дан ортиқ ғазал, 100 дан ортиқ рубоий ўрин олган.

1043-рақамли қўлёзма китобда эса, тўрт шоирнинг — Шоҳий, Али, Ғолиб ва Аҳмадхон Зиндапилнинг шеърлари тўпланган. Бу китобнинг 170 бетини Ғолиб ғазаллари эгаллаган. Бу қўлёзма ҳам 1904 йили Хоразмда Шоҳ Баҳодирхон даврида мулла Муҳаммад Шарифхўжа томонидан кўчирилган.

Ғолибнинг 2465-рақами билан сақланаётган девони ХХ аср бошларида Хоразмда кўчирилган. Девон саҳифалари содда безаклар билан музайян этилган.

2017-рақамли қўлёзма китобдаги форс тилидаги девонлар ичида Ҳинд шоири Шоҳ Ниёз Аҳмад Сирҳиндийнинг урду тилида ёзилган девони жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, зўр қизиқиш уйғотади. Девон 1906 йили Хивада котиб Мулла Бобожон Тарра ибн Абдул Азизмахсум томонидан кўчирилган. Юқорида қайд этиб ўтилган девонлар шундан далолат берадики, XIX аср охири — XX аср бошларида Хоразмда маданият, адабий муҳит равнақ топган, қўшни мамлакатлар адабиёти, шу жумладан, Ҳинд адабиёти ҳам муайян даражада ўрганилган, маданий алоқалар ривожланган. Бу масала катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, алоҳида тадқиқот ишларини талаб қилади. Демак, ўзбек китобхонлари Мирзо Ғолиб ижоди билан ўтган аср охирларидан бошлаб танишиш, ундан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлганлар.

1947 йил август ойида Ҳиндистон мустақилликка эришиб, Покистон давлати ташкил топгандан кейин ўзбек китобхонлари Ғолиб ҳаёти ва ижоди билан кенгроқ таниша бошладилар. Тошкент давлат университети шарқ факултетининг катта ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммаджонов Ғолибнинг 64 ғазалини урду тилидан ўзбек тилига биринчи бор таржима қилиб, 1965 йили «Шайдо» номи билан алоҳида китоб ҳолида чиқарди. Китоб охирида Ғолиб тўғрисида кичик мақола ҳам берилган. Уни ўша йиллари ТошДУнинг шарқ факултетида ҳинд адабиёти ва тилидан дарс берётган Деҳли университетининг профессори Қамар Раис ёзган эди. Шундан сўнг ўзбек ўқувчилари Ғолиб тўғрисидаги мақолаларни, шоир асарларини миллий газета-журналларда ўқий бошладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маданият, фан-маориф ва санъат бўйича махсус бўлими қарорига биноан, 1969 йил 15 февралда жаҳон жамоатчилиги Мирзо Ғолиб вафотининг 100 йиллик маъракасини кенг нишонлади. Ўшанда Ўзбекистон жамоатчилиги ҳам кўп ишларни амалга оширганди.

1975 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Мирзо Ғолибнинг иккита шеърлар тўпламини нашр этди. Шоир шеърларини урду ва форс тилларидан Р. Муҳаммаджонов, Ш. Шомуҳамедов, Чустий, Васфий ва бошқалар таржима қилганлар.

Мана, жумҳуриятимизнинг мустақил ривожланаётганига ҳам бир йилдан ошди. Халқимиз орасида Мирзо Ғолибга бўлган иззат-икром, ижодига бўлган қизиқиш янада кучайди. Пойтахтимиздаги янги ва катта маҳаллалардан бири шоир Мирзо Ғолиб номи билан аталмоқда. Покистонлик машҳур тижорат фирмаси раҳбарларининг ташаббуси билан шу кунларда уч маҳалла аҳолисининг тоат-ибодати, ислом динининг равнақи учун Мирзо Ғолиб номидаги масжид ва мадраса қурилиши ишлари авж олиб кетгани улуғ шоир ижоди туфайли халқларимиз ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат иплари янада мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Мирзо Ғолиб ҳаётининг сўнгги йиллари бетоблик ва тушкунликда ўтди. У 72 ёшида, 1869 йил 15 февралда Деҳлида вафот этади. Уни машҳур Низомиддин Авлиё мақбараси ёнига дафн қиладилар.

Мирзо Ғолибнинг биз учун азиз ва мўътабарлиги шундаки, у ўзбек халқига қондош фарзанддир. Шоир эрксевар, тинчликпарвар ва меҳнаткаш инсониятнинг эзгу орзу-ниятларини моҳирона қуйлади, катта урду адабиётининг ёруғ машъали бўлиб қолди.

Улуғ шоир ва мутафаккир Мирзо Ғолиб ижоди Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга бундан буён ҳам хизмат қилаверади.

Илёс ҲОШИМОВ,
тарих фанлари доктори

ҚОҒОЗ ТАРИХИ

ТАҚРИЗ

Ўтмишдан қолган битиклар, фотиҳларнинг юришларию суронли ва силсилали йиллар баёни, шоирларнинг такрорланмас мисраларию мусаввир мўйқаламига мансуб ҳассос тасвирларни ўз бағрида бизга элтган қоғоз Ўрта Осиёда кенг кўламда ишлаб чиқарилгани тарихидан ҳар ким ҳам хабардор бўлмаса керак. Ўрта Осиё халқларининг бу соҳадаги ибратли фаолияти солномаси яқиндагина Ўзбекистон «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган тарих фанлари номзоди Нозим Ҳабибуллаевнинг «Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи» (феодализм даври) асарида ўз аксини топган.

Олимнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё қоғозининг тарихи етарли ўрганилмаган. Гарчи бу муаммо баъзи адабиётларда ишлаб чиқилган бўлса-да, улар масаланинг айрим томонларинигина қамраб олганлар. Муаллиф эса бу тадқиқотларнинг илмий аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, Ўрта Осиё қоғози тарихини бир бутунликда таҳлил этишга ҳаракат қилган. У кенг манбаларга таянади. Булар жумласига ас-Саолибий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд ибн Валининг машҳур асарлари, ЎзФАШИ фондида сақланаётган «Дажат ал-ашаж», «Андалус тарихи», «Ҳафт ранг қоғоз», «Фандул хутут» ва бошқа қўлёзмаларни киритиш мумкин.

Ўрта Осиё шаҳарлари иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ҳунармандчилик ва унинг турларини таҳлил қилади.

Тадқиқотдан шу нарса маълум бўладики, қоғоз тайёрлаш санъати Ўрта Осиёга эрамизнинг V асрида кириб келади. VIII аср ўрталарида эса у Моваройнаҳрдан арабларга ўтади. Манбаларнинг кўрсатишича, ислом дини Моваройнаҳрга кириб келган дастлабки асрларда ҳам, феодал жамияти янада тараққий этган XV—XVI асрларда ҳам Ўрта Осиёда кенг кўламда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қоғоз ишлаб чиқаришнинг муайян марказлари ва уларда яратилган қоғозлар анъанага кўра улар номи билан машҳур эди. Масалан: Самарқанд қоғози, Бухоро ва Ҳирот қоғозлари ва ҳоказо. Муаллиф Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Қўқон, Тошкент, Балх ва Термиз, Марв ва Гурганж каби шаҳарларда ҳам қоғоз ишлаб чиқарилганини далилий маълумотлар асосида исботлаб беради. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Дунёда энг яхши қоғоз Самарқанддидур» деган сўзига мувофиқ Самарқанд қоғозига асосий эътиборни қаратган. Чунки ўрта асрлар давомида мағрибдан машриққача машҳур бўлган Самарқанд қоғози ас-Саолибийнинг таъкидлашига кўра, Самарқанд аҳолиси учун «олиб сотиладиган меҳнатга» айланиб қолган эди. Муаллиф Самарқанд қоғозининг келиб

чиқиши, унинг турлари, ишлаб чиқаришда сарф этиладиган хом ашёларга ҳам тўхталиб ўтади. Хусусан, дастлабки асрларда қоғоз тайёрлашда ипак ва шойи чиқитларидан ҳамда бамбукдан фойдаланилган бўлса, кейинчалик каноп ва луб, яна кейинроқ ипли матолар, дарахт пўстлоқларидан ва энг сўнгги даврда умуман ёғочдан фойдаланилганини кўрсатиб беради. Шунингдек, кўрсатиб ўтилган хом ашё топилмаганида иккиламчи хом ашё — донли ва дуккакли экинларнинг похоли, назанда ва чакамуғ ўтлари, арғувон, ольха, дарахт барглари, арпа ва буғдой поляларидан ҳам қоғоз тайёрланганлигини тадқиқотда қайд этиб ўтади.

Алишер Навоийнинг Шайбонийхон ва Убайдуллахон даврларида уларнинг буйруқларига биноан асарлари кўчирилган «қоғози султоний», «нисфи» қоғози, «шайтоний» қоғозлари ҳақида ҳам асарда етарлича маълумотлар келтирилади. Муаллиф ёзиладиган асарнинг характерига қараб қоғоз турлари танланганлиги, хусусан, энг ноёб, энг азиз китоблар, жумладан «Қуръон», «Ҳадис», «Ҳамса», «Шоҳнома», тафсир ва фиқҳга оид асарлар олий нав қоғозга битилганлигини таъкидлаб ўтади.

Н. Ҳабибуллаевнинг фикрича, XVIII ва XIX аср Ўрта Осиё давлатларида юз берган сиёсий инқироз ва танглик туфайли минтақадаги маданий ҳаёт ва унинг муайян қисми бўлган қоғоз ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди. Бу даврдаги қоғозлар ўз сифатини йўқотган. Самарқанд қоғози ишлаб чиқарилишининг тўхташига, муаллифнинг фикрича, турли урушлар, қўзғолонлар, хонликлар ўртасидаги низолар, талон-торожлар сабаб бўлган. Самарқандлик қоғоз усталари тинчроқ гўшаларни ахтариб, Қўқонга ҳам шу йўсинда келиб қолганликлари асарда қайд этиб ўтилади. Янги марказда қўним топган қоғоз ҳунармандлари яратган маҳсулот «Қўқон қоғози» номи билан машҳур бўлиб кетади. Н. Ҳабибуллаев асарининг қимматли томонларидан бири унда турли даврлардаги қоғоз ишлаб чиқариш усулларининг келтирилишидир. Тадқиқотчи ўз асарида қоғоз ишлаб чиқаришнинг қадимги классик усули — тут пўстлоғидан қоғоз тайёрлашни, турли манбаларни қиёсий ўрганиш натижасида, тўлалигича келтиради. Бу усул асосан Хитой қоғозларини тайёрлашда кенг қўлланилгани ва Самарқанд қоғозини тайёрлашдан бирмунча (асосан ишлатиладиган хом ашёнинг характерига кўра) фарқ қилгани асар муҳокамасида аён бўлади. Қоғоз тайёрлашнинг асосий босқичлари асарнинг иккинчи бобини қамраб олиб, «Ўрта Осиё қоғозини тайёрлаш технологияси» деб номланган. Ушбу бобда қоғоз массасини тайёрлаш, қуритиш, оҳорлаш, бўёқ бериш каби босқичларга муфассал тўхтаб ўтилади. Муаллиф баъзи олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, қоғоз ишлаб чиқариш Хитойда қоғоз тайёрлаш услуби пайдо бўлган пайтдан бошлаб деярли ўзгаришга учрамаганлигини қайд этиб ўтади ва Самарқандда қоғоз тайёрлашнинг қиёсий услубини келтиради. Қиёсий услуб деб аташимизга сабаб шуки, қадимда машҳур бўлган Самарқанд қоғози тайёрланишининг аниқ технологияси ёзма манбаларда сақланиб қолмаган. Шу боис муаллиф XI аср Шимолий Африкада Зирид султони ал-Муиз бин Бадис томонидан ёзилган рисолада келтирилган қоғоз тайёрлаш жараёнини Самарқанд қоғози тайёрлаш услубини тиклаш учун асос қилиб олади ва фикримизча, тўғри йўл тутади.

Тадқиқотда Қўқон қоғози тайёрлаш услуби ҳам келтириб ўтилади. Бу усулнинг асосий томонлари А. Семёнов томонидан ишланганини қайд этган муаллиф, уни янги далилий материаллар билан бойитади ва обжувоз ёрдамида Қўқон қоғози ишлаб чиқаришнинг мураккаб жараёнини бутун қирралари билан баён этиб беришга муваффақ бўлади. Қоғоз тайёрлашнинг муҳим босқичларидан бири сифатида уларга ранг бериш жараёни кўрсатилади.

Муаллифнинг айтишича, кейинги йилларда Қўқон қоғози ва абри қоғозларини тиклаш борасида кўп ишлар амалга оширилган ва жонкуяр мутахассислар — Ж. Муҳаммаджонов ва М. Салимов бу қоғозларни лаборатория усулида олишга муваффақ бўлганлар. Уларнинг бу ишларида асар муаллифининг қоғоз тайёрлаш технологияси ҳақидаги мақолалари қўл келганлиги қайд этиб ўтилади. Асарда қоғоз тайёрлаш жараёнини акс эттирган бир неча ноёб миниатюралар оқ-қора тасвирда келтирилган. Умуман, Ўрта Осиё нафис қоғози тарихи ҳақидаги бу китоб мазмундор, янгиликка бой ва шу билан қимматли.

Гулчеҳра АЪЗАМОВА,
тарих фанлари номзоди

ТАНГРИТОҒ — ТЯНШАНМИ?

ЖУҒРОФИЙ АТАМАЛАР МУАММОСИ

30-йиллари ўзбек тилида қадимдан қўлланиб келинган жуғрофий атама ва номларни ишлатган кишиларга «миллатчи» деган тамға ёпиштирилди. Халқимизнинг миллат дардида яшаган зиёлилари нобуд қилинди, кўплаб ақл-заковатли, иқтидорли ва диёнатли ҳамюртларимиз хорижга итқитилди, қолганлар эса тузумга кўникиб, ҳаммойил бўлиб яшашга, фикр юритишга мажбур этилди.

30—40-йилларда ўзбек жуғрофия тилини гўёки «бойитиш» шиори остида, оврупоча атама ва номларни рус тили орқали тиқиштириб, жуғрофий тилимиз «бўтқа»га айлантирилди. Анъанавий жуғрофий атама ва номлар асоссиз равишда бойлик бисотимиздан қувғин қилинди. Бу сиёсий зўравонлик зиёлилар, мутахассислар жуғрофиюнлар онгини бир неча ўн йилларга заҳарлади...

Шукроналар бўлсинки, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Ундан салгина олдин ошкоралик туфайли ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Анъанавий жуғрофий атама ва номлар муҳофазага олина бошлади.

Тил тўғрисидаги қонуннинг 19-моддаси янги атамаларни яратиш ва ривожлантиришга қаратилган. 24-моддада эса «...барча жуғрофий номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади» дейилган. («Ўзбекистон» нашриёти 1989 йилда нашр этган «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонуни матнида «жуғрофий-ҳудудий» деган сўз «жўғрофий-ҳудудий» шаклида ёзилган. — Таҳририят).

Мазкур моддалар талабига биноан, жуғрофий атамалардан география — жуғрофия, горизонт —уфқ, градус — даража, канал — ариқ, карта — харита, масштаб — миқёс, меридиан — туш чизиғи, параллел — мувозий, план — тарх, планета — сайёра, тропик — мадор, шар — курра деб, жуғрофий номлардан Армения — Арманистон, Венгрия — Можористон, Германия — Олмония, Гибралтар — Жабалториқ, Греция — Юнонистон, Грузия — Гуржистон, Европа — Оврупо, Россия — Русия, Тяншан — Тангритоғ, Ўрта Осиё — Туркистон деб ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Қонунни ҳаётга татбиқ этиш учун ноҳақ унутилган жуғрофий атама ва номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда қайта тикланиши ва янгилари яратилиши, улар ўзбек жуғрофий луғатининг асосий сўзлари сифатида тан олиниши зарур. Шу билан бирга жуғрофий тилимизга сингиб кетган ва қўлланиб келаётган арабий сўзлардан ҳам фойдаланиш жоиз. Чунки салкам 1400 йил мобайнида араб тили, араб алифбоси ва араб маданияти халқимиз маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган ва сингиб кетган. Араб сўзларидан воз кечиш тирноқни этдан ажратиш билан тенгдир. Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари туркистонлик алломалар араб тилида ижод қилганлар ва илмий-жуғрофий асарлар яратганлар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, қуйида баъзи атамаларга, тарихий-анъанавий номларга шарҳ бериб ўтмоқчимиз.

«Жуғрофия» атамаси бизга дастлаб араб тили орқали кириб келган, тилимизга сингиб анъанавий тус олган. Уни келгусида ҳам қўллаш учун ушбу сабаблар далил бўла олади:

Ҳар бир халқнинг луғат бойлиги бошқа халқлардан кириб келган атамалар ҳисобига бойиб боради, айни вақтда халқ тилининг ўзига хос хусусиятлари атамаларга муайян даражада таъсир этади.

Араб, шарқ ва инглиз тилларидаги «Ж» ҳарфи юнон ва лотин тилларида «Г» деб талаффуз этилади. Масалан, алжабр — алгебра, Жаброил — Гавриил, Жамол — Гамал, жаҳаннам — гехинном, Жилберт — Гилберт, Журжон — Гургон, Жўлинус — Гален, жумҳурия — гумҳурия. «Ге» билан бошланадиган сўзларга ихлос қўйган баъзи мутахассислар «География»ни «Жуғрофия» десак, «Геометрия»ни «Жуметрия» деймизми дейишлари мумкин. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Боиси — 30-йилларгача «геометрия» «ҳандаса» деб аталган.

Биз овруполиқ алломалар насабини ўз тилимизга, овруполиклар эса туркистонлик алломалар насабини ўз тилларига мослаб атайдилар. Масалан, Аристотель — Арасту, Гиппократ — Буқрот, Сократ — Суқрот, Абу Али ибн Сино — Авиценна, Ал Фарғоний — Алфроганус, Ал Хоразмий — Алгоритм. Юнонлар, руслар «география», ўзбеклар, араблар, инглизлар «жуғрофия» дейдилар.

Ариқ — суғориш мақсадида инсон томонидан бунёд этилган, дарё ва сойлардан айрилган шохобча, тармоқ. Ўзбек халқи қадимдан ишлатиб келган «ариқ» атамасини 1935—1937 йилларда «канол», 1937 йилдан бошлаб «канал» деб аталди. Туркшунослик илмининг асосчиси, қомусий олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида «ариқ» дейилган. Соҳибқирон Амир Темур, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ариқ қазиб сув чиқариб, юртни обод қилганлар.

Халқимиз суғориш мақсадлари учун қазилган ва ундан бевосита фойдаланиладиган сунъий ўзанларни қадимдан «ариқ» деб атайди: Бешариқ, Дамариқ, Ёвариқ, Ёнариқ, Жарариқ, Жўнариқ, Захариқ, Зоғариқ, Мойариқ, Олтиариқ, Пойариқ, Полвонариқ, Хонариқ, Хотунариқ, Янгиариқ, Қалмоқариқ ва ҳоказо. «Канал» сўзи — лотинча «каналис» сўзидан олинган бўлиб, «қувур», «тарнов» маъносини билдиради.

«Харита» анъанавий, тарихий атама бўлиб, жуғрофия фанида, муомалада 1937 йилгача шу тарзда ишлатилган. 1937—40 йиллардан бошлаб «карта»га айлантирилган. «Карта» дейилганда, ўйин картаси, муайян мақсадлар учун тузилган ҳужжат — санаторий картаси; зироатчилик картаси — пайкал ҳам тушунилади.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, биз бирор жой ер юзасининг муайян миқёсдаги тасвирини — «харита» деб аташимиз, «контур карта»ни — «ёзувсиз харита», «картография»ни — «харитачилик» «картограф»ни — «хариташунос» деб ишлатишимиз лозим.

«Жабалториқ» — Пиреней ярим оролининг жанубий чеккасидаги шаҳар, Англиянинг ҳарбий таянчи. Атлантика уммони билан Ўрта денгизни туташтирувчи бўғоз ҳам шу ном билан аталади.

«Жабалториқ» — арабча «жабал» ва «ториқ» сўзларидан таркиб топган бўлиб, «жабал» «тоғ» маъносини билдиради, «ториқ» эса араб лашкарбошисининг насаби. Торик 711 йилда Африка шимолидаги барча жойлар фатҳ этилгач, бўғоз орқали Пиреней ярим ороли жанубий чеккасига ўтиб тоғ этагини ишғол қилган. Шу жойдан бошлаб Испания ва Португалия араблар томонидан забт этилган. Бу жой, яъни тоғ кейинчалик «Торик тоғи» яъни — «Жабалториқ» деб ишлатила бошланган ва Шимолий Африкага, барча араб мамлакатларига, Яқин ва Ўрта Шарққа, Жанубий Осиёга тарқалган, ҳамон «Жабалториқ» деб юритилади. Кейинчалик испанлар «Ж» ҳарфини «Г» га алмаштириб «Жабалториқ»ни бузиб, ўз тилларига мослаб «Гибралтар»га айлантирганлар (худди шунга ўхшаш араблар атаган «Води ал Кабир» (Катта водий)ни ўзларига мослаб «Гвадалквивир»га ўзгартирганлар). 1937 йилгача ўзбек тилида ҳам «Жабалториқ» деб юритилган. 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги руслаштиришда «Гибралтар»га ўзгартирилган.

«Тангритоғ» — хариталарда ва матбуотда «Тяншань» ёзилиб келинади. Профессор Ҳ. Ҳасановнинг «Ер тили» китоби (Тошкент, «Ўқитувчи», 1977 й.)нинг 72-73-саҳифаларида Тяншань ҳақида шундай деб ёзилади: «Тяншань фақат харитада шундай. Ерда эса маҳаллий аҳоли орасида бундай ном йўқ. Бирон ўзбек, қирғиз, қозоқ ёхуд уйғур бу номни билмайди.

Бу чалкашликдир.

Маҳаллий аҳоли Ўрта Осиё чегарасидаги бу тоғларни дастлаб «Тангритоғ» деб аталган. Ҳали араблар келгунча, ислом дини тарқалмасдан олдин шундай ном бўлган. Тангри сўзи фақат «Худо» маъносинигина эмас, балки осмон, «муқаддас», «улуғ», «кенг» деган маъноларни ҳам билдирган. «Ҳар бир бунк, катта нарсага тангри дейилади» (Маҳмуд Қошғарий «Девони луғатит турк»). Демак, бу тоғлар ўзининг баҳайбатлигидан шундай ном олган.

Замонлар ўтиши билан бутун тоғнинг номи унутилаёзди (фақат кичик бир тизма Тангритоғ дейилади), аммо баланд тепаси ҳануз Хонтангри номи билан машҳурдир.

Бу аснода хитойлар қадимий туркий ном Тангритоғни ўзларига монанд таржима қилиб, Тянь — осмон, шань — тоғ шаклини ясаганлар.

XIX аср ўрталаридан негадир хитойча ном китобларда ёзилиб кетди. Картографиянинг бу хатоси бирон маҳал тузатилса керак».

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан Ҳ. Ҳасановнинг орзуси амалга ошадиган, «Тяншань»ни «Тангритоғ» деб атайдиган вақт етиб келди.

«Ўрта Осиё». Ясама ва мавҳум ном. Туркистон жуғрофий нуқтаи назардан, уммонлардан узоқлашган ва асосан Марказий Осиёда жойлашган. Битта қитъанинг ҳам марказий қисми, ҳам ўрта қисми бўлиши мантиққа тўғри келмайди. «Ўрта» сўзини икки қитъанинг ёки икки қарратнинг оралиғида жойлашган ҳудудга нисбатан ишлатиш мумкин. Масалан, Овруполо билан Африка оралиғида Ўрта денгиз, Шимолий Америка билан Жанубий Америка оралиғида Ўрта Америка жойлашган.

Туркий халқлар диёри, серқуёш ўлкамизнинг минг йиллик азалий номи — Туркистондир.

Биз жуғрофий муаммоларнинг атама ва номларга оид айрим масалалари ҳақидагина фикр юритдик. Ноҳақ унутилган жуғрофий атама ва номларни қайта тиклаш ва янгиларини яратиш борасида яна кўп тадқиқот, изланишлар олиб бориш лозим.

Бу борада муштарийларнинг фикр ва мулоҳазаларига мунтазирмиз.

МИРОРТУҚ,
Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси жуғрофий атамалар шўъбасининг раҳбари, профессор

НОН МУЛ БЎЛАДИ

Содиқ МАҲКАМОВ суратга олган

ЖАМИЯТЛАР, МАРКАЗЛАР ВА МЕРОС

МАНГУ ОБИДА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА жумҳурият ҳукумати тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ишига катта эътибор бермоқда. Бу ёдгорликлар меҳнаткашларни, хусусан, ёшларимизни Ватанга, ота-боболаримиз анъаналарига, қадриятларимизга муҳаббат, дўстлик ва биродарлик, юксак бадиий-эстетик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамиятга моликдир. Ана шу бебаҳо осориатиқаларни аниқлаш, ўрганиш, ҳисобга олиш, қайта тиклаш, фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда, айниқса, Бухоро ва Хива вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятлари фаол иш олиб бормоқдалар. Бу вилоятлардаги ноёб дурдоналар таъмир қилинмоқда, уларнинг тарихи ўрганилиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жамиятнинг Бухоро вилоят кенгаши тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш учун қарийб 200 минг сўм сарфлади. Фаоллар иштирокида «Чорбакр» меъморчилик ансамбли «Шоҳси» ёдгорлигида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди, Сайфуддин Бухорий мақбараси ҳудуди ободонлаштирилди. Пешку районидаги Хўжа Пешку ёдгорлигида, Бухоро шаҳридаги Мирараб, Амир Олимхон, Кўкалдош, Мехтар Акбар ёдгорликларида ҳам таъмирлаш ишлари ўтказилди.

Ёдгорликларни ободонлаштириш учун 50 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бухоро гўшт комбинати жамоаси Сайфуддин Бухорий мавзолейини қайта тузатиш учун 100 минг сўм ажратди. Вилоят кенгаши Усмон Юсупов номидаги жамоа бошқаруви билан ҳамкорликда Хўжа Работ меъморчилик ёдгорлигини қайта таъмирламоқда. Бухоро минтақасида дастлабки пай шаклида 50 минг сўм маблағ ажратилди. Жамиятнинг вилоят кенгаши қошида малакали таъмирловчи усталар тайёрлаш бўйича икки йиллик мактаб фаолият кўрсатмоқда. Унинг ўқувчиларини стипендия билан таъминлаш учун 40 минг сўм кўзда тутилган.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида Дошқин бобо ёдгорлигини, Хонқа шаҳрида Гавдонбой мачитини таъмирлашга 84 минг сўм сарф этилди. Вилоят кенгаши Хазорасп районидаги «Сартарош» археология ёдгорлигида Ичон Қалъа деворлари ҳудудида тадқиқот ишларини олиб бориш учун 18 минг сўм маблағ ажратди. Вилоят кенгаши қошида 27 нафар жамоатчи назоратчилар фаолият кўрсатмоқда.

Тарихий-маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланишнинг кўпгина масалаларини ҳал этишда тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек, вилоят тарихий меъморчилик ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш, улардан фойдаланишда вилоят жамияти, унинг шаҳар ва районларидаги бўлинмалари саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳим роль ўйнайди.

Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Хоразм вилоят ижроқўми ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича қарор қабул қилди. Вилоятдаги инқилобий воқеалар билан боғлиқ хотира жойлари, 383 та моддий-маданий ёдгорликлар давлат ҳимояси ва ҳисобига олинди. Вилоят жамиятлари тарихий ва маданий меросни оммалаштириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдалар. Жамиятнинг бу йўналишдаги фаолияти Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, тарих, археология, санъатшунослик институтлари, «Билим» жамияти, республика газета ва журналлари, Абдулла Қодирий вақфи, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси ва «Ўзбекистон» нашриётлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Республика жамияти Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хива, Термиз, Қарши шаҳарларининг ажойиб тарихий ёдгорликларига бағишланган йирик ҳажмдаги «Буюк ипак йўли» деб номланган плакат-календарни, ўрта ҳажмдаги ҳар бири 2 минг нусхадан иборат календарларни, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон шаҳарлари тарихий-архитектура ёдгорликларини тарғиб қилувчи жами 7 хил, умумий тиражи 70 минг нусха бўлган кичик ҳажмдаги туристик плакатларни чоп этди. Сурхондарё вилоятидаги ўрта аср ёдгорлиги ҳисобланган Ҳаким ат-Термизий мавзолейига бағишланган рангли буклет ҳам тайёрланди. Бухоро вилоят кенгашининг ташаббуси билан жамият фаоллари иштирокида меҳнат жамоалари, ўқув юртларида маърузалар ўтказмоқдалар, вилоят, шаҳар ва район газеталарида мақолалар эълон қилинмоқда. Ҳар йили республика журналистлар уюшмасининг вилоят бўлинмаси, «Бухоро ҳақиқати» ва «Бухарская правда» газеталари билан ҳамкорликда тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳақида «Ёдгорликлар — халқ бойлиги» рукни остида энг яхши журналистик материал учун конкурслар ўтказилади.

Хоразм вилоят кенгаши қошида махсус лекторлар группаси ташкил этилган. Унинг таркибида педагогика институти ўқитувчилари, Ичон Қалъа музей-қўриқхонаси илмий ходимлари «Билим» жамияти лекторлари фаол тарғибот ишларини амалга оширишади. «Хоразм тарихи», «Наврўз — севимли байрам», «Хоразм қадимий тиббиёти» мавзуларида лекциялар ўқилмоқда.

Республика жамияти ва унинг маҳаллий бўлинмалари фаолиятини яхшилаш, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, ёдгорликларни таъмирлаш ва консервация қилиш учун қўшимча маблағлар излаб топишда хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу маънода Бухоро вилоят Кенгаши қошида тарихий ва маданий ёдгорликларни, шунингдек, меъморчилик ва музей қимматига эга бўлган эски уй-жойлар фондини ремонт қилиш ҳамда қайта тиклаш, таъмирлаш бўйича «Кўкалдош» ширкати фаолияти диққатга сазовор. Ширкат ўз лойиҳа гуруҳига эга. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича «Бухоро ёдгорликлари» хўжалик ҳисобидаги марказ ташкил этилган. Вилоят кенгаши хўжалик фаолиятини ривожлантира бориб, район бўлинмалари қошида кичик корхоналар барпо этмоқда. Ҳозирги пайтда Пешку ва Ғиждувон район кенгашлари қошида хўжалик ҳисобидаги «Афшона» ва «Заргар» деб номланган марказлар фаолият кўрсатяпти. Ёғочдан миллий совғалар ясовчи устахона қурилди, кулолчилик цехи қурилиши ҳам тугай деб қолди. 1990—1991 йилларда Бухоро вилоят кенгашининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари аҳолига 500 минг сўмлик, жумладан, ёдгорликларни таъмирлашга 200 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар.

Хоразм вилоят кенгаши қошида кўп тармоқли хўжалик ҳисобидаги марказ ўз ишини бошлади. Хуллас, амалга оширилаётган тадбирлар катта воқеа сари қўйилаётган қадамлардир. Чунки шаҳарларнинг 1993 йили бўладиган юбилейлари ҳам жумҳуриятимиздаги муҳим маданий воқеалардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

А. ТУХТАСИНОВ,
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти тарғибот бўлими бошлиғи

БАХТИЁРНИНГ ҚЎШИҒИ

«БАХТИЁР» МУСИҚАЛИ ТЕЛЕФИЛМИНИ КЎРИБ

Замона қалқиган пайтларда ҳақ ва адолат истеъдодлар сони кўпайиб кетади. Бировлар камситилган манфаатлари қайта тикланса, ҳақ-ҳақиқатнинг ғалабаси шу деб ўйлашади.

Дунёда ҳар бир одамнинг ўз манфаати бор.

Демак, ҳамманинг ўзича ҳақиқати мавжуд.

Фақат чин ориф инсоннигина манфаат ҳақиқати қизиқтирмайди. У адолатни ёлғиз Оллоҳдан кутади. Қолган жамики нарса чақмоқ янглиғ бир ўчиб ёнгувчи ҳаётнинг майда манфаатларидирки, одам бундай нарсалардан озод ва халос бўла олмас экан, у ҳеч қачон чин адолатга муяссар бўла олмайди.

Истеъдодли хонанда Бахтиёр Холхўжаев учун ҳам ҳақ йўлни топиш осон кечмади. Илк лирик қўшиқлари унга омад келтиргандай бўлди. Самарқанд филармониясидан Тошкентга таклиф қилинди. Узоқ йиллар «Шодлик» ашула ва рақс ансамблида самарали меҳнат қилди. Янги-янги қўшиқлар, гастроллар, чет эл сафарлари, олқишлар, гуллар — ҳамма-ҳаммаси кетма-кет келаверди. Лекин хонанда эса негадир кеча айтган қўшиғидан бугун унчалик қониқмади, бугун айтаётган қўшиғи эртага кўнглига қандайдир шубҳа солди. Вақт эса аёвсиз ўтиб борарди. У эса ҳамон ўзининг мукаммал қўшиғини изларди. Четдан қараганда у гўё қўшиғини топгандек туюларди-ю, аммо...

«Ўзини йиғлатмаган» қўшиқ ўзгани ҳам йиғлата олмаслигига ишонди. Ички руҳий изтироблар хонандани моҳиятан янги бир йўлга бошлади.

Бахтиёр Холхўжаевни айниқса қўшиқлари мазмуни кўп ўйлантирар эди. У руҳига яқин, ижтимоий мазмуни чуқур шеърларга чанқоқлик сезарди. Шундан бўлса керак, қайта қуриш бошланиб, у машҳур шоир Чўлпон шеърларини куйга солди. Шоирнинг «Кишан кийма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен», «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» сингари шиддатли ва жанговар шеърларини қўшиқ қилди.



Кейин уни Яссавий ҳикматлари ўзига тортди. Ҳикматларнинг ўзига хос руҳий оламига кириш осон кечмади. Рост қўшиқ туғилганлигини ўзи ҳам сезмай қолди.

Дунёнинг ўткинчилиги, молу дунёнинг беҳудалиги ҳақидаги ҳақиқатни кўп марта эшитган бўлса-да, Яссавий бобо ўгитларидаги теран фалсафа, ботиний мазмун, инсонни ҳақ ва адолат йўлига чорловчи чақириқ хонанда сози ва овозида дардли ифода топди.

Шу ўринда хонанданинг шоир Саъдулла Ҳаким билан ижодий ҳамкорлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу ҳамкорлик туфайли хонанда репертуари дилбар қўшиқлар билан бойиди.

«Ўзбектелефильм» киностудиясида яратилган «Бахтиёр» филм-концертнинг умумий мундарижаси ана шундай дардли туғёнлар билан бир-бирига боғланган. Филм ижодкорлари (сценарий муаллифи Азим Суюн, режиссёр Ш. Хўжаев, оператор М. Солиев, рассом А. Ғаниев) анъанавий йўлдан боришмаган. Кўпроқ қўшиқ ортидаги инсон ҳаётига, табиатга, тирик мавжудотга жон бахш этган илоҳий кучқудратга томошабин диққатини қаратганлар. Қўшиқ умри инсон умрининг бир бўлаги ва абадиятга дахлдор мўъжиза.

Истеъдодли хонанда, Яссавий мукофоти совриндори Бахтиёр Холхўжаев санъатининг бир қирраси ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу филм хонанда мухлисларида яхши таассурот қолдириб, умид ва муҳаббат уйғотади, деган умиддамиз.

Жалолиддин САФОЕВ

ТАНБУРГА ЯШИРИНГАН НИДОЛАР

Агар кимки бу ёш хонанда ижросида Фузулий сўзлари билан айтиладиган «Қурбон ўлам» қўшиғини радио тўлқинлари орқали эшитган бўлса, албатта, эслаб қолади. Сабаби, бу йигитнинг ички олами, маданияти, қалбидаги катта дарди сезилиб туради ва у тингловчини сеҳрлаб, аллақандай бошқа бир дунёга етаклайди... Гўё тингловчи хонанда билан бирга куйлаётгандек бўлади.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев ёш хонанда Озод Турсунов ижросида «Қурбон ўлам»ни тинглаб, унга оқ йўл тилагандилар. Устознинг оқ фотиҳаси хонанда ижодий йўлини белгилаб, ўз вақтида катта мадад ва куч берган эди. Бу куч ва оқ фотиҳа ҳали-ҳали Озод Турсуновга илҳом бериб турибди.

Бугун хонанда Жиззах филармониясида ўз ташаббуси билан тузилган «Наврўз» ашула ва рақс ансамблида етакчи хонанда ва бадиий раҳбар сифатида хизмат қилмоқда. «Қўлимга биринчи бор рубоб берган устоз созанда Нормурод ака Очилов бўладилар, — дейди суҳбатимизда Озод Турсунов. — Бу киши мени мусиқа оламига олиб кириб, куй ва садолар оҳанги билан сеҳрлаб қўйган эдилар. Ўрта мактабни тугатиб, Жиззах Индустриал техникумига ўқишга кирдим. Чунки ота-онам санъат институтига ўқишга киришга розилик бермадилар. Билмадим, тақдир эканми, техникумни битирганимдан сўнг, Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма ва комедия театрининг раҳбарияти яккахон хонанда сифатида ишга таклиф этди, шу-шу ўзимни қўшиқсиз тасаввур этолмайман...»

Ҳа, хонанда ижросида Алишер Навоий сўзлари билан «Бўлибдур» ёки «Қора кўзим», Лутфий ғазали билан «Қайдадур» ҳамда «Қаландар», «Чорғоҳ» (Муқимий ғазаллари) қўшиқларини тингласак, унинг мусиқа оламига қанчалар жиддий боғланиб қолганини сезамиз.

Яқинда Озод Турсунов таниқли адиб ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллик таваллудига бағишлаб «Гуллар водийсида» деб номланган янги концерт дастурини Жиззах меҳнаткашларига намойиш этди. Бу концерт лирик йўналишининг гўзаллиги билан тингловчи-томошабинларни мафтун этди. Бугун О. Турсунов Шарофат Ботирова, Дилбар Икромова, Каримжон Эшбеков, Чоршаъм, Норбек-бахши ва таниқли шоир Усмон Азимов асарлари устида ижодий иш олиб бориб, янги-янги концерт дастурларини тайёрламоқда.



Унинг бу изланишларида устоз ҳофиз ва бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев, Муҳаммаджон Мирзаев яқиндан ёрдам бермоқдалар. Устозларнинг насиҳатлари, маслаҳат ва кўрсатмалари ёш хонанда учун ниҳоятда зарур. Чунки олдинда кўп изланишлар, машаққатли кунлар ва тунлар турибди. Озод ўз истак-орзулари ҳақида шундай дейди: «Мен қўлимга шунчаки танбур олмайман. Сабаби, ўтмиш маданиятимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз шу танбур садоларида, унинг нидоларида яширинган...»

Аҳмаджон РАҲИМОВ

МИЛЛИЙ ХОР ЖОЗИБАСИ

Яқин Шарқ

Дарвин Омонуллаевнинг ушбу газета саҳифасида эълон қилинган «Унутилган сарчашма» номли мақоласи сермазмунлиги, чуқур мулоҳазага бойлиги билан менга жуда маъқул бўлди. Баъзи эътирозларни назарда тутмасак, яхлит олганда мақола таҳсинга сазовор.

Маълумки, ҳозирги хор санъати назариясига биноан жаҳондаги барча хор жамоалари асосан икки услубда: мураккаб жараёнга кўниктирилмаган, ўқитилмаган оддий халқ услубида ҳамда академик, яъни махсус куйлаш назарияси асосида ўқитилган, кўниктирилган услубда куйлайдилар (мақолада келтирилган «олти услуб» — бу хор жамоаларининг кўриниши, турларидир). Ваҳоланки, кўрсатилган услубларда куйлайдиган хор жамоаларининг ҳар бири асосий ўз репертуарига эга бўлмоғи, яъни халқ хорлари кўпроқ ўша ерли, туб миллатнинг куй ва қўшиқларини, шу хор жамоаси учун махсус қайта ишланган (ўша хор жамоасининг куйлаш хислат ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) хор қўшиқларини куйлаши лозим; академик услубда куйлайдиган хорлар эса, кенг кўламли, мураккаб, салмоқли, жиддий мусиқий асарларни, бастакор-композитор томонидан қайта ишланган ёки махсус ёзилган (лекин ўша халқнинг миллий мусиқий ижодига асосланган) йирик жўрли ва жўрсиз хор полотноларини куйлай олиши лозим.

Ўзбекистонда (балки хор санъати тарихида биринчи марта) юқорида таъкидланган икки услубнинг пайванд қилинишига журъат этилди. Бу вазифани Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси ва унинг бадиий раҳбари Ботир Умиджонов бажарди. Афсуски, бу жамоа ҳам ҳозирги даврда серташвиш, оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Чунки биринчидан, ҳанузгача жамоанинг муваффақияти, ютуқлари мутасадди идоралар томонидан етарлича тан олинмаяпти, унинг моҳияти етарлича баҳоланмаяпти, зарур ишлари амалга оширилмаяпти. Иккинчидан, унинг репертуари ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ. Бастакор-композиторлар хор жамоасига лойиқ, юксак дидли асарлар яратмаяптилар.

Академик услубда куйлайдиган иккинчи профессионал концерт хор жамоаси — Ўзбек давлат хор капелласи эса умуман тушкун ва ночор аҳволга тушиб қолган. Чунки замонанинг зайли билан иқтисодий танглик баҳонасида узоқ ва машаққатли йўллар билан тузилган жамоани тарқатиб юбориш даражасида фикр юритилмоқда Албатта, бирор нарсани йўқ қилишдан осони йўқ! Лекин бирор нимани бунёд этиш қанчалик машаққатли эканини йўқ қилишдан олдин ўйлаб кўрайлик, ахир! Қолаверса, «халқ тушунмаяпти», «ўзбек халқига бегона» деган важлар билан баъзи раҳбарлар ва уларнинг «маълумотли», «саводли» ижрочилари (айниқса, санъат соҳасида), хор санъатига яқиндан самарали ёрдам бериш ўрнига, унинг томирларига болта урмоқчи бўлаяптилар. Хор санъатини ҳатто билимдон ва обрўли мусиқашунос, бастакор-композитор, санъатшунослар ҳам ҳимоя қилмаяптилар.

Бугун ҳаёт кўповозли хорлар ташкил этишни, анъанавий миллий хор ижрочилиги мактабини жиддий ўрганишни, унга таянишни тақозо этмоқда. Қолаверса, кўповози хорларнинг ташкилотчилари ва ижрочилари таркибида ўзбек тили, мусиқаси, миллий хор мактаби ва куйлаш услубини пухта биладиган истеъдодли ижрочиларни, миллий хор раҳбарларини кўпайтирайлик. Бунинг учун аввало мақолада тилга олинган махсус олий ва ўрта мусиқа ўқув юртларини хор санъати соҳаси бўйича битириб чиққан мутахассисларга арзирли иш топиб берайлик, керакли имкониятлар яратайлик, Ўзбекистон радиоси ва телевиденеси қошидаги Республика миллий хорининг ютуқларини тарғибот қилиш, бунинг учун ойнаи жаҳон, радио орқали хор санъати тўғрисида мусиқий суҳбатлар, махсус мусиқий эшиттиришлар уюштириш, матбуотда бу соҳага эътиборни кучайтириш ҳам асосий вазифалардандир. Академик хорларда нолақочирим, миллий мусиқий жозибага эришиш учун уларнинг таркибини тубдан ўзгартириш, бунинг учун академик хорларга кўплаб миллий кадрлар, моҳир қўшиқчилар, керакли моддий имкониятлар яратиш зарур. Шунингдек, академик хорлар учун юқори савияли миллий раҳбарлар тайинлаш, юксак даражали мусиқий асарлар, ўз ўрнида доира, ликопча, қайроқ ишлатадиган ажойиб ва ғаройиб хор дурдоналари яратиш ҳам катта самара беради.

Умуминсоният, жумладан, ўзбек халқи ҳам кўп асрлар давомида юксалиш, тараққиёт сари интилиб келди. Ўзбек халқи ҳам шу давргача инсоният эришган деярли ҳамма соҳалардан баҳраманд бўлиб, муштарак қонунлар асосида яшамоқда. Лекин мусиқий санъат соҳасида биз ҳанузгача юқори босқичларга кўтарилганимиз йўқ. Ҳалигача «янги», «мураккаб», кўповозли опера, симфония, хор мусиқаларини тинглаш ва уларни ҳам қадрлаш маданиятига эга эмасмиз. Юксак маданиятнинг кўрки бўлмиш опера ва балет театрларимиз, ҳаттоки, мусиқий драма театрларимиз бўм-бўш, радиодан, ойнаи жаҳондан композитор мусиқаси янграса, ўчириб қўямиз. Минг афсуски, «миллий» сўзини рўкач қилиб, кўпинча фақат бир овозли, унисон мусиқани тинмай ташвиқот қилмоқдамиз.

Мана, Ўзбекистон эндиликда ҳар соҳада давлатлараро муносабатларга қадам қўйди. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси олий кенгаши сессиясида янги мадҳиямиз қабул қилинди. Уни хор жамоаси катта маҳорат билан ижро этди. Бу ўз-ўзидан хор санъатимиз ҳар томонлама ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Ўйлайманки, ҳафталик келгусида ҳам ушбу мавзудаги чиқишларни давом эттиради.

Н. ҚОЗИЕВ,
Тошкент давлат консерваториясининг доценти

РЕДАКЦИЯДАН: Газета билан газетхонни асосан мактублар боғлаб туради. Вилоятлар, туманлар ва хўжаликларда бўлаётган маданий воқеалар, санъатга оид хабарлар газетанинг санъат бўлимига келади. Бу мактубларнинг ўз вақтида етиб келгани ва муҳим саналарга бағишланганларидан дарҳол фойдаланамиз. Газета саҳифаларига олиб чиқамиз. Кечиккан ларга ёки фойдаланиш имкони бўлмаганларига жавоб ёзамиз.

Яна бир туркум мактублар газета саҳифаларида эълон қилинган мақола ва суҳбатларга келади. Масалан, шу йил 10 июл сонида эълон қилинган «Миллий мусиқа жар ёқасида» мақоласига кўплаб хатлар келди. Улардан айримларини газета саҳифаларига олиб чиқдик. Шунингдек, 7 август сонида босилган «Кўрсатув бошқа кунга қолдирилди» мақоласи ҳам ўқувчиларда ва телетомошабинларда катта қизиқиш уйғотди. «Афсуски, — деб ёзади фарғоналик Абдуҳаким Миркосим ўғли, — мақола эълон қилингандан буён салкам беш ой ўтди. Лекин телевидение раҳбарлари мақолада кўтарилган танқидий мулоҳазаларга ўз муносабатларини билдирмадилар. Бу ҳам майли, телекўрсатувларда ўзгаришлар сезилмаяпти. Бу ачинарли ҳол қачонгача давом этади!» Айнан шу мазмундаги хатлар ҳамон келиб турибди. Ўйлаймизки, телевиденне раҳбарлари ушбу саволларга жавоб берадилар.

Яна бир тонфа мактубларда санъаткорларнинг иш ва уй манзилларини ёзиб юборишимизни сўрашади. Редакция бундай иш билан шуғулланмайди.

Хуллас, бу йилги мактублар мазмундорлиги ва долзарблиги билан ажралиб туради. Бу эса газетхонлар савияси ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Келгуси йилда ҳам, сиз, азиз муштарийлардан сермазмун, жиддий мавзуларни кўтарган қозиржавоб мактублар кутамиз.

ТАНБУРГА ЯШИРИНГАН НИДОЛАР

Қўқон шаҳар Фурқат номидаги маданият уйида фаолият кўрсатаётган аскиячилар гуруҳи «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деб номланган янги томошани мухлислар эътиборига ҳавола этди. Кулгу шинаванда лари Йўлдош Носиров раҳбарлигидаги бу жамоанинг ҳар бир дастурини орзиқиб кутадилар. Бу сафар Ғиёсиддин Абдураҳмонов, Неъматжон Тошматов, Солижон Толипов, Алижон Ортиқов ва бошқалар ижро этган пайровлар, интермедия, аския ва ҳангомаларни томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар.

●

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, Мамажон Дадажонов номидаги жамоа хўжалигида ташкил этилган «Ёшлик» ҳаваскорлар театр-студияси драматург Ҳайитмат Расулнинг «Узоқ қишлоқ» деб номланган комедиясини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Оддий, беғубор қишлоқ йигитининг шаҳарлик қизга ошиқ бўлиш саргузаштлари қизиқарли саҳналарда намойиш этилади. Асарни ёш режиссёр З. Ирисов саҳналаштирган. Асардаги асосий ролларни А. Эшонқулов, К. Исматов, М. Рашидов, С. Раҳматов, И. Раҳимов ижро этмоқдалар.

●

Андижон вилояти Балиқчи тумани «Сўтақўзи» миниатюралар халқ театри жамоаси «Сўтақўзи яна уйланармиш» деб номланган янги томошани мухлислар эътиборига ҳавола этди. Тетатр ҳаваскорларининг ҳар бир дастурини орзиқиб кутадиган балиқчиликлар мазкур томошани ҳам зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Томоша Сўтақўзининг бошқа бир қизга ошиқ бўлиб қолгани кулгули саҳналар орқали намойиш этилади. Асардаги асосий ролларни Сирожиддин Маннопов, Алишер Ҳаққулов, Мирзадавлат Нозимов ва бошқалар ижро этмоқдалар. Гуруҳда хушовоз хонанда Абдураҳмон Темиров дилрабо қўшиқлари билан қатнашмоқда.

●

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма ва комедия театри жамоаси томошабинлар эътиборига драматург Ҳайитмат Расулнинг «Ваҳима» деб номланган сатирик комедиясини ҳавола этди. Асарни Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган артист Ғофуржон Ҳамидуллаев саҳналаштирган. Комедиядаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Лапасов, артистлардан Илҳом Норматов, Лапас Утегенов, Жамила Деҳқонова, Равшан Йўлдошев ва бошқалар ижро этишган.

С. СИРОЖИДДИНОВ

●

Шу йил 26 ноябрда Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида Равшан Ёрневнинг «Ҳаёт яроғи» номли саҳна асарининг премьераси бўлди. Рустам Обидов режиссёрлик қилган бу спектаклда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Лутфулла Саъдуллаев, Тамара Ҳамдамова, Ёдгора Знёмуҳаммедова ижро этишган. Мусиқаларни Шуҳрат Қосимов басталаган. Рассом Доннёр Ҳасанов.

Саҳна томошаси мухлислар томонидан яхши кутиб олинди.

А. САФАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТ ВА САНЪАТИ

ШАТРАНЖ ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?

Асл салафи Ўрта Осиё минтақасида таркиб топган ва ривожланган ҳамда шатранж номи билан машҳур бўлган шахмат асрлар мобайнида замон имтиҳонларидан ўтиб, улуғ қишиларнинг тақсинига сазовор бўлган, инсоният маданияти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган. Жаҳоннинг жуда кўп олимлари шахматнинг дастлаб қаерда ва қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш учун кўп йиллар давомида илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва олиб бормоқдалар.

Тошкент шахмат тарихчилари З. Хўжаев билан Фридрих Дюммель Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган шатранж ҳақидаги қадимги нодир қўлёзмани 1949—50 йилларда қунт билан ўрганиб, тадқиқот натижаларини 1951 йилда эълон қилдилар. Бу илмий иш Ўрта Осиё халқларининг ўрта аср шатранжи тарихидаги ўрнини янгича ёритиш, умуман, жаҳон шахмат тарихини бошқачароқ талқин этиш имконини берди. 159 саҳифадан иборат ушбу китоб муаллифи Ўрта Осиёлик Абулфатҳ Аҳмад Сижзий бўлиб, унинг кириш қисмида шахматнинг кенг тарқалганлиги, «саройларда ҳам, бозорларда ҳам ўйналиши»... ҳақида гапиради. Рисоладан 283 мансуба (шатранж масаласи — ҳозирги тилда композиция) ва сўнгида шахмат мавзуидаги 160 рубоий ўрин олган. Тадқиқотчилар буларни синчиклаб ўрганиш ва машҳур инглиз шахмат тарихчиси Р. Меррей коллекцияларига солиштириш натижасида ажойиб хулосалар чиқаришга муваффақ бўлдилар. Маълумки Меррей коллекцияларида шарқ шахмат қўлёзмасидан олинган 553 мансуба тўпланган. Мақола муаллифларининг кўрсатишича, Абулфатҳ қўлёзмасидаги 287 мансубанинг 127 таси оригинал бўлиб чиқди. Шу жиҳатдан Абулфатҳнинг фақат Тошкентда сақланаётган китоби (уч нусха) шатранж ҳақидаги барча қўлёзмаларнинг аълосидир, деб тан олинди.

Ҳа, ўрта аср шатранжининг ажойиб қомуси ҳисобланувчи Абулфатҳ китоби Хуросон, Хоразм, Моровроуннаҳрнинг қадимги шатранж усталари мўғул истилоси давригача нималарга эришганлигининг кўзгусидир.

VIII—X асрларга оид, яъни Абулфатҳ давригача бўлган шахмат ҳақидаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш натижалари ўрта аср шатранжининг ривожланишида Ўрта Осиё халқлари жуда катта рол ўйнаганликларини кўрсатиши билан бирга, шатранж араблар туфайли юксак даражага кўтарилган, дастлабки шатранж рисоласининг муаллифи шатранж назарияси ва композициясининг асосчиси Адлий, буюк ўрта аср шатранж устаси Ас-Сулий араблар орасида етишиб чиққан, деган фикрларга маълум аниқлик ва тузатишлар киритди.

Шарқда Адлийдан илгари (у 1855 йилда вафот этган), яъни VIII асрда ҳам шатранж усталари бўлган Абу Ҳофиз (VIII аср), Раброб, Жобир Куфий, Абу Жаъфар Ансорий, Наим шулар жумласидандир. Булар Ўрта Осиёлик шахматчилар бўлиб, ўрта аср тарихчилари уларга «олия» унвонини беришган.

Маҳдий ва Ҳорун ар-Рашид халифалик қилган даврда сарой шоири Абу Ҳофиз ал-Шатранжий Боғдоднинг дастлабки машҳур шахматчиси ҳисобланган. VIII—IX асрларда яшаган Жобир Куфий, Абу Жаъфар Ансорий ва Наимнинг шахматдаги ижодий йўллари Адлий ва ундан кейинги ҳамма шахматчилар учун бир мактаб бўлган. Хуросонда яшаган, лекин асли хоразмлик ёки туркистонлик Раброб ҳам зўр маҳорат эгаси бўлган. 819 йилда Хуросонда Жобир билан Раброб ўртасида шахмат ўйинидан мусобақа ўтказилган. Бу халифалар кузатишида ўтказилган учта машҳур мусобақанинг дастлабкисидир. Халифа Мамун ўйинни кузата туриб: «Мени шуниси таажжублантирадики, Шарқда Ҳиндистондан тортиб Ғарбда Андалузиягача ҳукмронлик қиламан-у, аммо кичкинагина шахмат тахтасидаги 32 донани тузукроқ бошқара олмайман. Шатранж ўйини пайтида ҳатто улуғларни ҳам аяб ўтириш ўринли эмас» дейди. Мазкур «олия»лар махсус шахмат рисолаларининг муаллифлари бўлганлиги шубҳасиз, чунки улар ўйнаган партияларда содир бўлган вазият ҳамда улар тузган мансубалар бизгача етиб келган.

Ўрта аср шатранжи яратган мансубаларнинг мазмуни мақташга сазовор. Раброб, Наим ижодига хос айрим мансубалар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Шатранж маданияти равнақ топмаганида бундай ижодий намуналарга эга бўлинмас эди. Буни машҳур араб тарихчиси Масъудий (956 йилда вафот этган) исботлаган. Масъудий ўзининг тарихий қомусида шахмат ҳақида «жуда эски рисолалар бор»лигини айтган.

Юқорида айтиб ўтилган ўрта аср шатранж олияларининг қўлёзмалари сақланмаган. Адлий ва Сулий қўлёзмаларининг бизга асл нусхаси эмас, балки бир неча муаллифларга тегишли рисолаларни бирлаштирган тўпламдан иборат ноаниқроқ нусхаси етиб келган.

Адлий, ар-Розий (850 йилда Адлийни енгган), Сарахсий, Мавардий, Сулий, Лажлаж, IX—X асрларда яшаб ижод қилган қадимги гроссмейстерлардир. Булардан, чамаси, фақат биттаси — Адлий араб шахмат иси бўлган. Мавардий ҳақида етарли маълумот йўқ. Лекин баъзи асарларда унинг ўзи маҳоратда Розийдан ошиб кетганлигини, лекин 905 йилда Сулийдан енгилганлигини айтган. Абул Аббос Сарахсий — тажанлик, кўп йиллар давомида халифа саройида яшаган, «юқори даражадаги шахмат ҳақида китоб»нинг муаллифидир. Абулфараж Лажлаж Сулийнинг шогирди бўлиб, кейинчалик Эрон ва Ўрта Осиёда катта шуҳрат қозонган. Абулфараж ёзган шахмат рисоласи бизга тўла ҳолида етиб келган.

Тарихчилар қайд қилган IX—X аср гроссмейстерлари рўйхати тўла эмас, албатта, XV аср Ўрта Осиё шатранжи ҳақидаги қўлёзмада (ҳозир у Британия музейида сақланмоқда) бир неча шахматчининг — мансуба муаллифларининг номлари зикр этилган-у, аммо улар тўғрисида биографик маълумот берилмаган. Улар орасидан Жалолиддин Нахчивоний, Муҳаммад Қангуний, Сурҳ Шатранжий, Абдаллоҳ Хоразмийни кўрсатиб ўтиш мумкин. Хоразмий қўлёзмасидаги иккита мансубанинг биттаси 1140 йилда Константинополда битилган тўпламда ҳам учрайди. Бу мансубалар ўрта аср шахмат маданиятининг классик намуналаридир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Абулфатҳнинг XI—XII асрларда ёзган китобида берилган мансубалар сони Адлий ва Сулийнинг машҳур рисоласидагидан ҳийла кўп. Ҳатто тўрт ва бундан кўпроқ муаллифнинг қўлёзмаларидан ташкил топган тўплам (XII—XIII аср) ҳам Сижзий рисоласига тенглаша олмайди. Абулфатх рисоласи мазмун жиҳатдан бошқа асарлардан фарқ қилади. Бу китобнинг биринчи қисмида геометрик прогрессия, Рав ва Талханд, Шатранж ва нард ҳақидаги учта машҳур ривоят (икки вариантда) ҳамда афсонавий шахс — Гершес кашф қилган катта шахмат ва унинг ҳиндлар томонидан кичрайтирилиб 64 хонага келтирилганлиги баён қилинган афсона берилган. Бундан ташқари, 112 хонали шахмат ва ўйиннинг фойдасию, фазилатлари ҳақида кенг мушоҳада юритилган.

Аммо айрим арабча ёзилган қўлёзмаларда шахматни греклар кашф қилган дейилган, шунингдек файласуфлар — Гален, Платон ва Аристотелларнинг номлари келтирилган.

Абулфатҳ китобининг биринчи қисми араб рисолаларига сира ўхшамайди. Китобнинг табиялар (дебют позициялари) қисми конкрет таҳлил қилинмаган. Ўнта табиянинг ҳаммаси қўшин тузилишлари билан қиёс қилинган, таърифланган. Табияларнинг бирортаси ҳам арабча номланмаган. Уларнинг кўпчилиги араб рисолаларида бўлмаганлигидан Абулфатҳ, асосан, ўзигача битилган Ўрта Осиё қўлёзмаларидан фойдаланган, дейишга асос бор.

Абулфатҳ китобида Раброб, Наим, Хоразмийлар ижодига мансуб позицияларнинг барчаси борлиги катта аҳамият касб этади. Абулфатҳнинг «Наим — Ўрта Осиёнинг усталаридан бири бўлиб, шахмат китобининг муаллифидир» дегани жуда муҳим далилдир.

Абулфатҳ китобининг энг қимматли жойи шуки, унда ҳозиргача номаълум позициялардан жуда кўпи келтирилган. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёда яратилган бўлиб, муаллиф шулардан энг яхшиларини танлаб олган. Турли позицияларга берган изоҳларидан Абулфатҳнинг ниҳоятда уста шахматчи бўлганлиги яққол кўриниб турибди.

Берунийнинг илмий мероси фаннинг турли соҳаларига оид 150 дан ортиқ асарни ташкил этади. Лекин шулардан 30 га яқинигина бизгача етиб келган. Биз Абурайҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» ва «Хронология»сидаги шахмат хусусида чуқур фикр юритиши ва шахмат техникаси борасида моҳирона нақл қилиши унинг анчагина уста шахматчи бўлганлигидан дарак эканлигини билган ҳолда, шатранжга оид фикрлари бошқа бирор асарида мукаммалроқ шакл касб этган бўлса ажаб эмас, деган фикрда юрардик... Дарҳақиқат шундай экан. Йигирманчи йилларда Ўзбекистонда нашр этилган вақтли матбуотни кўздан кечира туриб, ногоҳ ажиб бир маълумотга дуч келиб қолдик. «Аланга» ойномасининг 1928 йилда чиққан 3—4 қўшма сонида «Шарқда шахмат» сарлавҳали мақола (муаллифи Фитрат) босилган экан. Қизиқ, худди ўша ерда — ойноманинг 13—14-бетларида «Ўзбек нотаси» сарлавҳали ноёб мақола ҳам бор.

«Шарқда шахмат»дан энг керакли парча: «Абулфатҳ Аҳмад шатранж билан машҳур бўлгон мана шу кишиларни кўрсатади: 1 — Абубакр Муҳаммад ибн Яҳё ас-Сулий... 2 — Хожа Ҳаким Абу Райҳон, 3 — Абу Саҳе Муҳаммад ибн Али ал Бадойи, 4 — Адлий...» Абулфатҳ Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устод бўлиб, бу тўғрида китоблар ёзгонлар...»

Мақола сўнгида бундай изоҳлар берилган:

«Муаллифнинг мақташларидан машҳур Абурайҳоний бўлса керак...»

Ҳа, ўша Абурайҳоний дегани Берунийнинг ўзгинаси бўлиши керак. Алломанинг бу китоби ҳали зора топилиб қолса...

Олимнинг қадимги ҳинд шахмати ҳақидаги маълумотлари тарихчиларга ҳозир ҳам ягона ва асосий дастак бўлиб турган экан, буюк қомусчи Ўрта Осиё шатранжи (ҳозирги замон шахматининг салафи)ни юксалтиришга, чунончи Абулфатҳ асари сингари рисолалар пайдо бўлиши учун маълум даражада илмий ва амалий йўналиш яратишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган, деб бемалол айтиш мумкин.

Мақоланинг охирида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Абулфатҳнинг дунёда ягона бу рисоласи янада мукаммалроқ тадқиқ ва муҳтождир.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг вице-президенти, халқаро ҳакам, тарих фанлари номзоди

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Азиз муштарийлар!

Омадингизни синаб кўрмоқчи бўлсангиз, Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан ўтказилаётган «НАВРУЗ-93» ютуқли хайрия лотереяси ўйинларида иштирок этинг.

Бир дона лотерея билетининг баҳоси 25 СЎМ. Ўйинга чиқарилган жами лотереялар умумий қийматининг 40 фойизи ютуққа қўйилади.

Энг катта ютуқлар миқдори: 3 МИЛЛИОН СЎМЛИК — 10 ТА, 1 МИЛЛИОН СЎМЛИК — 20 ТА, 500 МИНГ СЎМЛИК — 20 ТА, 100 МИНГ СЎМЛИК — 150 ТА, 50 МИНГ СЎМЛИК — 200 ТА, 25 МИНГ СЎМЛИК — 200 ТА, 10 МИНГ СЎМЛИК — 200 ТА...

3 ва 1 миллион сўмлик ютуқ эгалари навбатдан ташқари ЕНГИЛ АВТОМАШИНА сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Лотерея ўтказишдан тушган даромадлар кам даромадли аҳоли қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, миллий ва маънавий қадриятларни тиклашга ва тарғиб этишга, «Наврўз» хайрия жамғармаси Низомида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга сарфланади.

Лотерея билетларини алоқа корхоналари ва савдо шохобчаларидан, жамғарма банкларидан ёки жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1993 йилнинг 21 март куни ўтказилади. Ютуқларни 1993 йилнинг 30 июнига қадар олиш мумкин.

Хайрия лотереяси билетларини сотиб олинг. Миллионер бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

ШИФОБАХШ МАЛҲАМ

Андижонлик табиб Маъруф Орипов кашф этган шифобахш малҳамга тиббиёт илмининг билимдонлари «амарфизин» деб ном бердилар. Бу малҳам қисқа муддат ичида буйрак, жигар, талоқ, қовуқ хасталикларига йўлиққан, баданида туз йиғилган, ички касалликлардан азоб чекаётган беморлар ўртасида ғоят машҳур бўлиб кетди.

Табиб малҳамидан ҳозиргача неча юзлаб кишилар соғайиб кетишди.

Маъруф аканинг истиқомат жойи:

Андижон вилояти, Олтинкўл райони, Коммуна қишлоғи, 323-уй.

Олтинкўл орқали қатнайдиган «Андижон — Наманган» автобусига чиқиб Олтинкўл район марказида тушилади.

Табиб беморларни якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилади.

АДАБИЁТ ДАРСЛИКЛАРИ НЕГА ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЯПТИ?

Боши биринчи бетда

нашриётми, муаллифми? Ёки ўртада турган воситачи — ўқув-методика марказининг тил ва адабиёт шуъбасими?

Яна бир мисол. Марказ «Русча-тожикча-ўзбекча» сўзлашув» қўлёзмасини нашриётга чоп этиш учун жўнатган. Унга юксак руҳда тақризлар ёзилган. Урганилганда шу нарса маълум бўлдики, бу қўлёзма қисман қисқартишлар билан «Фан» нашриётида 1990 йили 40 минг нусхада нашр этилган экан. Қоғоз тақчил бўлиб турган бир пайтда марказнинг буюртмаси деб уни қайта чоп этиш тўғри бўлармиди? Умуман бир нашриётда чоп этилган китоб қўлёзмасини иккинчи нашриётга ҳам бемалол юбориш мумкин экан-да?

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Фақат тил ва адабиёт таҳририяти 1993 йилда чоп этиш учун нашриётнинг иш режасида турган 6 қўлёзмани қайтаришга мажбур бўлди. Булар нашр этишга мутлақо ярамайдиганлари. Яна шундай ишлар ҳам борки, улар жиддий қайта ишлашдан кейингина ростмана қўлёзма ҳолига келтирилади. Ташвишлантирадиган жиҳат шундаки, бу ҳол ҳануз давом этмоқда. Савол туғилади: ўқув-методика маркази нашриётга ёрдам бераяптими ёки тўсиқ бўлаяптими? Марказдаги масъул ўртоқлар буни чуқурроқ ўйлаб кўришини истар эдик. Чунки ёмон дарслик илм-маърифатимизнинг ривожигагина эмас, фарзандларимиз камолотига ҳам хавф солади.

ОДАТДА ЯХШИ КИТОБ ЧИҚСА мақтов муаллифга, камчилиги бўлса нашриётга тегади. Ўртадаги воситачи марказ эса ҳеч нарсага жавоб бермайди. Шу адолатданми? Марказда барча фанлар, жумладан тил ва адабиёт бўйича ҳам кенгаш тузилган. Унинг таркибида етакчи олимлар, ўқитувчилар бор. Ишнинг ташкил қилиниши тўғрига ўхшайди, қўлёзма кўпчилик назаридан ўтяпти, деб ўйлайсиз. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Чунки шу марказдан келаётган баъзи тақризларнинг ўта юзакилиги, таҳлил етишмаслиги, камчиликлар кўрсатилмасдан тезроқ чиқариш умидида ёзилган мақтовлардан иборатлигини кўриб ҳайрон қоласиз. Бизнингча, ёмон қўлёзмаларга яхши тақриз бериш бемаъни, гуноҳ ишга шерикман дейиш-ку! Ҳар бир дарслик муҳокамасида, унга тақриз беришда муаллифларга муносабатимиз эмас, балки ўсиб келаётган авлод, фарзандларимиз ва невараларимиз тақдири кўз олдимизда туриши лозим.

1991 йил март ойида бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплекси мажлисида Ўқув-методика марказига беш ой муддат ичида ўрта умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш йўриқномаси (концепцияси)ни яратиш топширилган эди. Топшириқ, афсуски, бажарилмади. Ягона концепция бўлмаганлиги фақат муаллифларга қийинчилик туғдирмай, нашриётдаги дарслик тайёрлаш ишида ҳам катта қийинчиликка сабаб бўлмоқда.

Кейинги икки йил ичида республикамизда оламшумул тарихий ўзгаришлар содир бўлди. Мустақил Ўзбекистонни юздан зиёд мамлакат тан олди, ўз давлат тилимизга эга бўлдик. Бу жараён ва ўзгаришлар адабиёт дарсларида ўз ифодасини топмоғи керак. Тоталитар тузум даврида номи ўчирилган мумтоз адабиёт вакиллари дарслик — хрестоматия саҳифаларидан ўрин олиши зарур. Фақат бугина эмас, ҳали ўз адабиётимизда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар анчагина — уни ўз мутахассисларига қўйиб берайлик. Аммо шундай вақтда дарслик яратиш йўриқномаси бўлмаслиги ишни анча мураккаблаштирмоқда. Ҳозирча бизда эски дастур асосида ёзилган дарсликлар нашр этилмоқда. Масалан, 5—8-синфларнинг адабиёт (А. Зуннунов ва бошқаларнинг 5-синф учун «Ватан адабиёти», А. Абдураззоқовнинг 6-синф учун «Ватан адабиёти», А. Зуннунов ва бошқаларнинг 7-синф учун «Ватан адабиёти», А. Хожиаҳмедов ва бошқаларнинг 8-синф учун «Ватан адабиёти») дарсликлари шулар жумласидандир.

Бу дарсликларни 1994 йилда яна нашр этиш ҳақида Ўқув-методика марказининг кўрсатмаси бор. Тўғри юқоридаги қиёбларнинг кўплари ҳозирги талаблар асосида тузатилмоқда, янги материаллар қўшиляпти. Аммо бу билан дарслик савиясини талаб даражасига кўтариб бўлмайди. Қайта нашрга тавсия этилган баъзи китобларга муаллифлар мутлақо ўзгариш киритмаяптилар. Масалан, 6-синф «Ватан адабиёти»да Н. Гоголга 70 бўт, А. Фадеевга қарийб 60 бет жой ажратилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бундай аҳволни бошқа дарсликларда ҳам кузатиш мумкин.

Юқорида тилга олинган кенгашда янги дастур ва дарсликлардан ўқувчиларнинг ёши, иқтидорига мос келадиган, уларда гўзаллик ва нафосат дидини ўстирадиган, баднийй адабиётга муҳаббат ва ҳавас руҳини сингдирадиган, қобилиятини ўстирадиган, маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялайдиган чинакам бадиий асарлар намуналари ўрин олиши зарурлиги таъкидланган. Бу, аслини олганда, ҳаммамизнинг ниятимиз. Афсуски, янги дарсликлар яратилиши суст бормоқда. Ҳозирча нашриётда таништириш мақсадида яратилган 7-синф «Ватан адабиёти» дарслиги бор. Аммо у қандай баҳо олади? Юқорида қўйилган талабга жавоб бера оладими? Қайси концепция асосида яратилди, деган қатор саволлар кўндаланг бўлаверади. Хўш, бошқа синфларнинг адабиёт дарслиги янгиланадими, янгиланса қачон, бу саволларга ҳам ҳали жавоб ололмаймиз. Яқинда матбуотда Ўқув-методика маркази («Халқ сўзи», 12 ноябр, 1992 йил) мўлжалдаги 10 та дарслик китобидан 7 таси тайёр, деб ҳисобот берди. Хўш, ўша дарсликлар қаерда, агар тайёрланган бўлса, нега нашр эттиришга шошилинмаяпти. Нашриёт ҳозирги кунда 1994 йил қўлёзмаларини режалаштириб бўлди, аммо улар орасида юқорида тилга олинган дарсликлар йўқ.

Мактабда дарслик қанчалик зарур бўлса, адабиётдан методик қўлланма яратиш ҳам шунчалик муҳим. Ҳар йили тил ва адабиёт таҳририяти 6—8 номда методик қўлланмалар чоп этади. Аммо уларнинг нусхаси жуда кам, ўқитувчилар эса методик қўлланмалар етишмаётганлигидан шикоят қилиб таҳририятга хатлар ёзишмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири, бизнингча, методик қўлланмаларни ҳам дарслик каби мактаб жамғармасига ўтказиш ёки обуна тарзида ўқитувчиларга тарқатишдир.

МУЛОҲАЗАЛАРИМНИ ХУЛОСАЛАБ айтмоқчиманки, дарслик тайёрлаш тизимларини жиддий қайта кўриб чиқишимиз лозим. Жамоатчилик асосидаги кенгашлар тавсия қилган дарсликларнинг талаб даражасида эмаслигига ортиқ чидаб бўлмайди. Бизнингча, бундай вазифалар шу соҳани пухта биладиган ҳалол, талабчан, жонкуяр ва масъул мутахассисларгагина топширилиши зарур. Чунки маърифатимиз, маънавиятимиз ва келажагимиз тақдирига бепарво қараб бўлмайди.

Содиқ МУМИНОВ,
«Ўқитувчи» нашриёти ўзбек тили ва адабиёти таҳририяти мудири

МУҲАРРИРИЯТДАН: Муаллиф ёзувчилар, олимлар, муаллимлар, кенг жамоатчиликни ташвишлантириб турган долзарб муаммони кўтарган. Халқимизнинг маънавий тараққиёти, фарзандларимизнинг етук инсон бўлиб шаклланиши, энг аввало, мактаб дарсликларининг савиясига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, бу масалани тез ҳал этиш зарур, деб ўйлаймиз. Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан тегишли жавоб кутамиз.

БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

Халқ «Олтин зангламас» деб бежиз айтмайди. Йиллар ўтиб шовинистик сиёсат ноғорасига ўйнаган «буюклар» обрўси чок-чокидан сўкилди, халқ душмани тамғасини олиб қатағон этилганлар номи абадийлашмоқда. Шундай инсонлардан бири, жаҳонда олтинчи рўмончилик мактабини яратган ёзувчи Абдулла Қодирийдир. Куни кеча пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги адиб номи билан аталувчи маҳалла қўмитаси биносида таваллудига юз йил тўлиши муносабати билан А. Қодирийга бюст ўрнатилди. Бу хайрли ишнинг ташаббускори 90 ёшлик собиқ муаллим Камолхон ота Дадахўжаев бўлди. У қарилик нафақасидан юз сўм ажратди, маҳалладошлари уни қўллаб қувватлади.

— Биз Абдулла аканинг биринчи ўқув иларидан эдик, — деб эслайди Камолхон ота. — «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» рўмонларини бир неча марта қайта мутолаа қилганмиз. Охирги пайтларда у киши «Амир Умархон» ва «Нодирабегим» рўмонлари устида ишлаётган эди. Афсуски...

Кекса муаллимнинг армонли сўзлари яна ўша машъум йилларни эслатади, адиб номидан шоир Маҳмуд Тоиров айтган қуйидаги сатрлар қалбимизда туғён уради:

Қора ерда ҳақиқатни қучиб ётган,
Армонлари қабри ичра қўпчиб ётган,
Ўлса ҳамки сўроқлардан чўчиб ётган,
Қодирийнинг сўнгги сўзи — гуноҳсизман!..

С. АЗЛАРОВ

ТУМАН ИЖОДКОРЛАРИ ТЎПЛАМИ

Ўзбекистон мустақил бўлиб оламга танилган, миллий ва маданий қадриятларимиз сезиларли даражада қайта тикланаётган айни пайтда туманимиз ижодкорлари бир хайрли ишга қўл урдилар. «Тезкор» ижодий матбаачилик гуруҳи Тўрақўрғонда яшаб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган бир гуруҳ ижодкорларнинг «Даврларнинг файзи, сурури» деб номланган тўпламини чоп этди.

Тўпламга Сайхун Содиқ қисқача кириш сўзи ёзган. Унда туман ижод аҳли яратган асарларда куйланган орзу ва интилишлар, ўзига хос хусусиятлар таҳлил қилинган. Тўпламга киритилган асарларнинг муаллифлари мураббийлар, матбуот ходимлари, оддий ишчилар ва ўқувчилардир. Улар орасида Асқарий, Содиқ Сайхун, Ҳамид Акбарий, Роза Шокирова, Абдулла Хўжаев, Латиф Тожибоев, Мухтор Сатторов, Қудратилла Нажмиддинов, Ғофуржон Тожибоев қаламига мансуб шеърлар, ҳикоя, ҳажвия ва бадиий таржималарни ўқиш мумкин.

Қодиржон МАЛИКОВ

МАЪНАВИЙ ҚИЁФА—МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Мен бугунги авлод учун расм чизмайман.
Ҳали улар бу санъатни тушуниш даражасида эмас.

(Бир рассом суҳбатидан).

«Гўзаллик шу гўзалликка тушган кўзга қараганда, унга муштоқ бўлган қалбда ярқираброқ кўринади», деган экан Жуброн Халил Жуброн. Бизда ана шундай муштоқлик нимага йўқ? Бунинг сабаби, фикрлашимизнинг саёзлигида бўлса керак. Ҳаётнинг бир бўлагини ўзида мужассамлаштирган тасвирий санъат асари тушунмаган одамга ҳар хил ранглар қоришмасидан бошқа ҳеч нарсани эслатмайди. Мактабни эндигина тугатган ёшлар ранглар тилга кирган картиналар олдида ўзга бир оламга тушиб қолгандай тек туриб қолишади. Чунки расм дарсларида уларга фақат бўёқ чаплашдан бошқа нарса ўргатилмаган. Расм дарси фақат чизишни эмас, тасвирий санъатдан бирор нарсани илғашни, гўзалликни қалбга кўчира билишни ҳам ўргатмоғи зарур.

Эсимда, расм дарсидан бирор нарсанинг, масалан, қушнинг суратини чизиш уйга вазифа қилиб берилганда, ҳаммамизники бир хил чиқарди. Худди бир одамнинг қўлидан чиққандай. Чунки хаёлимизда ўқитувчи мисол қилиб кўрсатган нарса ўрнашиб қолган. Ана шу чизиқдан чиқсанг, баҳойинг камаяди. Кенгроқ мулоҳаза юритганда, буни ижодий чеклаш, бир қолипга солиш, деб баҳолаш мумкин.

Мактабларимиздаги аҳвол ҳозир ҳам шундаймикан? Пойтахтимиздаги Фурқат номидаги 196-ўрта мактабда бўлганимда шунинг гувоҳи бўлдим. Илмий мудир Аброрхўжа Иноғомов билан мактаблардаги расм ва мусиқа дарсларининг савияси ҳақида суҳбатлашганимизда, у киши ҳам умумий аҳволдан куюниб гапирди. Бу мактабда расм дарси машғулотлари яхши олиб борилаётган экан. Ўқитувчи Йўлчи Ҳусанов ўқувчиларга меъморчилигимизда ишлатиладиган миллий нақшларимиз ҳақида тушунча бериб, уларни чизиш, ранглар жилосига кўчириш, табиат маҳсулотлари — кузги барглардан, қамишдан ва бошқа нарсалардан фойдаланиш усулларини ўргатаётибди. Ўқувчиларнинг ижодларидан намуналар асосида кўргазма ташкил этишган. Лекин дарсни том маънода ижодий ўтказиш учун кўп нарсалар етишмайди.

— Ҳозирги кунда ўқув қуроллари фалон пул, баъзиларини топиб ҳам бўлмайди. Бунинг оқибати бориб бориб мактабларимизга салбий таъсир қилиши турган гап, — дейди Аброрхўжа ака.

У киши яна бир нарса ҳақида куюниб гапирди. Бу мактабда мусиқа дарси муаллимининг тайини йўқ экан. Қайсидир боғчадан Ю. Ражабий номидаги мусиқа билим юртини тамомлаган Дилором Тошметовани сўраб олиб келишибди. У фақат 5—6 синфларга дарс ўтади. Қолган синфларда эса мусиқа дарси ўрнига бошқа фанлар ўтилаётган экан. Чунки Д. Тошметованинг асосий иш жойи боғча. Шунинг учун мактабга тўлиқ қатнолмайди. Бундан олдин мусиқадан консерваториянинг пианино бўлимини тамомлаган аёл дарс бераркан. Бироқ ўзбек миллий мусиқа асбобини чалолмагани, миллий мусиқадан етарли билими бўлмагани учун рус мактабига ўтиб кетибди. Ҳозир эса Фурқат номидаги 196-ўрта мактаб жамоаси мусиқа муаллими тополмай юрибди. Бу ҳолат сизга ажабланарли ва ачинарли туюлмайдими?

Мусиқа муаллими Дилором Тошметовани суҳбатга тортдим.

— Менинг бу мактабга келганимга икки ойча бўлди, — дейди муаллима. — Иккита синфга кириб туришимни сўрашди. Тўғри, боғчада ишлаб ўрганганман. Лекин мактаб шароитига ҳам анча тушуниб қолдим. Аввало, ўзим ўтадиган мавзуларни миллийлаштириб олдим. «Мусиқа тинглаш» дарсларида «Дилхирож», «Тановар», «Андижон полкаси» каби миллий оҳанглар йўғрилган куй ва қўшиқларни тинглашади. Кўпроқ композитор Шермат Ёрматов ёзган ашулалардан фойдаланаман.

Шу ўринда 7—8 йил орқага қайтиб, ўқувчилик даврими хаёлдан ўтказаман. Ашуладан, яъни мусиқа дарсидан биология ўқитувчиси дарс берарди. Ҳурматли муаллимим мени маъзур тутсинлару, у киши на биронта мусиқа асбобини чалишни биларди, на овози ашулага тушарди. Дўрилдоқ товушга биз ҳам мусиқасиз жўр бўлардик. Бизда мумтоз куйларни тушуниш, ҳис қилиш тўла шаклланмаган. Тўйларда, давраларда санъаткорларимиз «оғири»дан олишса, ёшларимиз, йўқ «енгили»дан, шўхидан бўлсин, деб талаб қилишади. Сабаби, улар «оғири»ни кўтара олишмайди-да. «Шашмақом»ни тинглашга «Қаро кўзум»ни эшитишга сабрлари чидамайди. Шунчалик бетоқат бўлиб кетишган.

Юқорида тилга олган ўқитувчимизни ҳурмат қиламан. Ўзининг фанидан яхши илм берарди. Аммо, «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақлга ҳамма ҳам амал қилавермайди. Ўша пайтда ҳурматли устозимиз қанчалик хато қилаётганини ўзи тушунмаган бўлса керак. Йиллар ўтиб, мана бугун бизлар буни яққол ҳис қилаётирмиз.

Шу бугун маънавий камолотга интилаётган ёшлар эртага миллатимизнинг қиёфаси. Дунёга чиқиб бораётган давлатнинг замини, таянчи мустаҳкам бўлмоғи зарур. Эртанги кунимизнинг улуғ қишилари бугун боғчаларимизда, мактабларимизда. Келажагимиз эгаларига Ўзбекнинг маданиятини, миллий урф-одатларини, маънавий меросини сингдириш бугуннинг иши.

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, тафаккур гулшанининг даҳолари сонсаноқсиз. Бир томчи бўлса ҳам уларнинг қони томиримизда оқаётир. Ана шу қонни жўш урдирмоқ ила юракларимиз уйғоқ, дилимиз равшан, тафаккуримиз мунаввар бўлгай. Илло, шунда адашмагаймиз.

Азамат САФАР

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

ҲАҚҒЎЙ ШОИР

Ямин Қурбон ўз масаллари ва ҳажвий шеърларида ҳаётимизда учрайдиган иллатларга моҳир жарроҳ сифатида тиғ уради, айни вақтида бу хокисор ва ҳақгўй шоир дилнавоз қўшиқлар ва ошиқона шеърлар ҳам ёзади. Унинг қалами чархланган. Камтару ҳалол, ўз ижоди билан ҳозиржавоб, халқ ишига камарбаста шоир мана олтмишга кирди, унинг ижод боғи меваларидан баҳраманд бўлиб келаверибмизу боғбонини деярлик ўйламабмиз. Узумини енгу боғбонини суриштирманг, деган гапга жуда ўхшаб кетади. Укамиз Навоий ёшига борибди, доимо сиҳат-саломат, бардам бўлсин!

Тўртта шеър ёзиб, даъвоси баландлар, оламга жар солаётганлар ҳам бор, аммо Ямин Шарқ шоирларига хос одобу садоқат билан, суянчиқсиз, шукру қаноат билан ижод қилиб яшаётганлардан бири. Баъзилар ижодни унутиб, ўзини таманно этаётган бир даврда, пастроқда, текисликда, одамлар ичида обдан меҳнат қилаётганлар ҳам бор, улар халқимизга ғоятда керак. Бир кун келиб, ўсма кетар, қош қолар...

Яминжоннинг шеърлари ҳали ўз баҳосини тўла олгани йўқ, адабиётшуносларимиздан буни кутамиз, уни яхши шоирларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Профессор Шавкат Холматов кейинги вақтда Ямин Қурбон ижодини таҳлил этаётгани бизни жуда қувонтиради. Машҳур композитор, созандалар Имомжон Икромов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ориф Қосимов, Набижон Ҳасанов кабилар шоирнинг кўпгина шеърларига куй басталаганлар. Улар халқимизнинг севикли қўшиқларига айланган.

Ўз созу овози билан жумҳуриятимизда меҳнати сингган, иқтидорли шоирни қутлуғ ёши билан табриклаймиз, ҳали яна кўп китоблар ёзиб беришига умидвормиз. Яхши қаламкаш ижодкор нафақага чиқмайди, бу нисбий, сўнгги нафасгача ижод қилади — азизим Яминга буюк Шайх Саъдий, Лутфий, Ҳабибий, Жамбул умрини тилайман, қўшиқлари янграйберсин! Гулханий «Зарбулмасал»идай масаллари умри боқий бўлсин!

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ямин ҚУРБОН

ЯНГИ МАСАЛЛАР

ЎКИНЧ

Боши дард зарбидан етгач ёстиққа,
Ёшланди Бек бува кўзлари жиққа;
Ёшланди қонига чўккандай сукут,
Ёшланди пуркалган каби аччиқ дуд.
Бу ёшлар қалқиди юзларида ҳам,
Қалқиган мисоли ўтлоқда шабнам.
Бундан ўғлонлари тишлашиб лабин,
Оҳиста сўрашди йиғи сабабин.
«Во, нечун йиғламай, тўлғонмай нечун,
Ёвдай келаётир босиб қаро тун.
Эртангизни, э, воҳ, қаро кўряпман,
Бўғдой ўрнига нақ янтоқ ўряпман».
«Алаҳлаяптилар», деб қолди бирн.
Тушиб Бек буванинг унга кўз қири,
Замин силкингандай силкинди ногоҳ;
«Ахир, мен, англанглар, эдим улкан тоғ,
Нураб бораяпман шўр тупроқдайин
Сизларни ноиноқ кўрганим сайин.
Йўқ, ахир, иноқлик йўқ ерда ютуқ,
Ахир, ноиноқлар кўзидир юмуқ,
Кўрмаслар очиқ дил дўстлари кимдир,
Кўрмаслар базиҳор кимлар ғанимдир.
Улардан олислаб охир ёруғ кун,
Охир бўладилар хорликка тутқун,
Шундандир кўздаги бу оби алам,
Шундандир қалбимни тирнаётган ғам.

ТУЛКИ БИЛАН БАБОҚ

Тонг эди, нурдайин тараларди завқ,
Қироат қиларди қўноқда Бабақ.
Тулки денг, бойқушдек бўлди-да пайдо:
«Оҳ, — деди, — ким эммас сасингдан сафо!
Ширинликда, ҳай-ҳай, ноёби болдир,
Кўнгил саҳросига баҳорий ёмғир.
Сасинг сеҳридан, эй, ҳофизи хушхон,
Ўлик танга, воҳ-воҳ, киргусидир жон!
Ризолик берсанг гар, бўлайин ўртоқ,
Бўлай ғаниминга қиличу тўқмоқ.
Ахир, ўртоқ ила тотлидир турмуш,
Дегайлар, ўртоқсиз бошга тушар мушт».
«О, айни муддао! Келдинг айни пайт!
Овул тозилари йиғилур ҳозир.
Ҳар бири силовсин мисоли олғир,
Бордир ҳар бирида арслоний келбат.
Шу тонг йиғилувга келишганмиз биз,
Бўладир ўртоқлик ҳақида мажлис.
Айни пайтида, о, келдинг-да, балли,
О, ўтар бўлди-да мажлис нашъали!»
«А-ҳа, шундақа де», деди-да Тулки,
Жуфтакни ростлади ўчибон қути.

Рассом Шуҳрат СУБҲОНОВ

ҚАЙҚУР ҲАНГОМАЛАРИ

Тошкентда салкам икки ярим миллион киши яшайди. Шундан салкам ярим миллиони халқ ўртасида аллақачон машҳур бўлиб кетган не-не ҳангомалар муаллифи Эркин Сиддиқовни яхши танийди, десам, муболаға бўлмас. Эркин аканинг эллик ёшини Эски Жўвадаги собиқ «Жар» ресторанида нишонлаганимизга ҳам яқин ўн йилча бўлиб қолди. Ўшанда у қўлида эллик тийинлик думба-жигар кабоб ила бизга ижодий ҳисобот бериб, нашрнётда ишлаётганига ҳам салкам ўттиз йил бўлаётгани, шу йиллар ичида роппа-роса ўттиз уч минг мақол ва матал йиққанини, шундан бир минг уч юз ўттиз учтаси чоп этилгани, яна ўттиз учта китобга етгудаги тайёр эканлигини маълум қилган эди. Афсуски, қоғознинг нархи бирданига ўттиз уч бор ошиб, Эркин аканинг бу ниятлари ҳозирча амалга ошмай турибди.

Эркин ака билан узоқ йиллар бирга ишлаганмиз, не-не ҳангомаларга шаҳсан ўзим сабабчи, йўғ-е, гувоҳ бўлганман. Ҳозирча бир юзу ўттиз учтасини қоғозга туширдим. Қоғознинг нархи тушса, бир китоб қилиб Эркин аканинг яйдоқ кўкракларига тақиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Аҳмад ОҒА

КЕЛМАГАНЛАРИНГ КЎП ЯХШИ БЎЛДИ-ДА

Эркин ака тўй қилиб ишхона раҳбарларини ҳам таклиф этди. Улар «Э, муборак бўлсин, албатта борамиз, қамишдан белбоғ боғлаб ёнингизда турамиз», дейишди, аммо тўйга келишмади. Тўйдан кейин Эркин акага маъзур айтишди:

— Эркинжон, насиб қилмаган экан, шу десангиз мажлис чўзилиб...

— Э, — деди Эркин ака бошини сарак-сарак қилиб, — яхшиям мажлиснинг чўзилгани, худо ҳаммамизни бир асради-да...

— Ҳай-ҳай, тинчликми ўзи? — ҳайрон бўлиб сўрашди раҳбарлар.

— Моҳора билан ароқ шундай учма-уч бўлса бўладими. Хайриятки, келмадиларинг. Келганларингда овқат етмай қолиб роса шармандам чиқарди, — деди Эркин ака хурсанд оҳангда.

ЕНГ УЗУН, ҚЎЛ ҚАЛТА

Эркин ака магазиндан костюм-шим олмоқчи бўлибди. Тўрт-бештасини кийиб кўрибди, аммо тўғри келмабди — ҳаммасининг енги узун эмиш. Бошқа магазинлардан ҳам ҳафсалалари пир бўлиб чиқишибди. Ё енги узун ё баҳоси чатоқ.

— Шу дейман, қўлингиз сал калтароқми, адаси, — дебди турмуш ўртоқлари уйга қайтишгач. — Ҳаммага тўғри келган сизга нимага узунлик қилади?

— Ҳа, шунақа, — дебди Эркин ака, — қўлим калта бўлмаса шу аҳволга тушармидим...

ТЎҒРИ ЙЎЛ

Эркин ака қишлоғимизга биринчи марта борганидаёқ ичакузди ҳангомалари билан кўпчиликни ўзига ром қилган эди. Кейин-кейин ҳазилкаш ошна-оғайниларнинг тўй-томошалари Эркин акасиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

«Тўйга Эркин ака келармиш», дейилса, бас, тўйхона, қўноқхоналарга одам сиғмай кетади. «Ўтган сафар бизни тоза боплаганди, бу гал бир ўхшатайлик», деб азза-базза тайёргарлик кўришади.

Бир гал Эркин ака ёлғиз йўлга чиқиб Олабуқага яқин қолганда йўлни йўқотиб қўйибди. Машинадан тушиб сув кўтариб кетаётган бир келинчакдан ҳазилнамо қилиб тўйхонани сўраган экан, келинчаги тушмагур, менга тегажоғлиқ қилаяпти, деб ўйлаганми, шундай жавоб қилибди:

— Мана шу тўғри йўлдан уёқ-буёққа алангламай тўғрига қараб боравересиз. Боравересиз, боравересиз, охири тўғрига кетган йўл келади. Ўша тўғри йўлдан тўғрига қараб бораверсангиз тўппа-тўғри тўйхонага борасиз...

ТАЙЁРГАРЛИК

Эркин аканикида тунаб қолган бир меҳмон ҳеч кимга гап бермай ҳаммининг ғашига тегибди. Чой ундоқ, овқат бундоқ деб кўринган нарсадан қийиқ топаверибди. Кечқурун диванга ўрин солишса ёқмабди, пастга солишса «пол жуда расво экан-ку, мунча ғижирлайди», деб баттар хуноб қилибди. Бу ҳам майли-я, ароқни обдон мўл ичиб мезбонни унча-мунчага туширибди.

Эркин ака ҳаммасига чидаб, индамай ўтираверибди. Тун ярмида эса потиллатиб ҳуррак отаётган меҳмоннинг тагига бир чинни илиқмилиқ памил чой қўйибди.

Эрталаб десангиз, меҳмон бечора ўриндан тура олмай ётганмишлар. Эркинака бўлса хона деразаларини очиб ўзича ғудранаётган эмиш: «Бир қўланса ҳид бор-да...»

Қўйдай ювош бўлиб қолган меҳмон имижимида нонушта қилибди-ю жуфтакни ростлаб қолибди.

Бу воқеани ҳамқишлоқларга Эркин аканинг ўзи гапириб берди. Кечқурун ётиш олдидан мундоқ фаҳмласам, Эркин аканинг ҳазилларидан зада бўлган бир-иккита аламзадалар кўрпани ҳўллаш операциясига ҳозирлик кўришяпти. Оббо, буёғи қандоқ бўларкин, деб дилимдан ўтказиб тургандим, Эркин ака гап нимадалигини фаҳмлаб турган экан, аста қулоғимга шивирлади:

— Ташвиш қилманг, Аҳмаджон, тайёргарлигимни кўриб келганман.

Эркин ака шундай деб қўйнидан нақд супрадай келадиган юпқа клиёнка чиқарган эди, гурр кулги кўтарилиб қўноқхона деворлари оша бутун маҳаллага таралди...

ҲИСОБМАС

Биз томонларда тўй улоқсиз ўтмайди. Ўнғорнинг чор атрофларидан келган чавандозлар тўйхонага яқин хонадонларда қўноқ бўлишади. Сағриси кенг, бўйни узун, қулоқлари тик тулпорларини мақтаб, олдинги улоқ тафсилотларини бир-бирларига қайта-қайта уқдириб, семиз бир қўйни калла-почасигача пок-покиза туширишади. Эртасига эрталаб қир ортидаги сайхонликда улоқ бошланади. Бунақа томошани кўрмабсиз, дунёга келмабсиз. Меҳмону мезбон, ёшу қари, бола-чақаларгача қирнинг кунгай томонига тизилишади. Совринлар келтирилгач, тўйбошининг фотиҳаси билан пакка белгиланиб улоқ ўртага ташланади. Кеча эрталабдан бери бир-бирларига мулозимат қилаётган чавандозлар энди ашаддий рақибларга эйланиб, шердек ҳамла билан олдинга ташланишади. Асабий ҳайқириқлар, отлар дупуридан завқланиб тўдага яқинлашиб қолганингизни сезмай қоласиз.

Удумга биноан тўйга ташриф буюрган ҳурматли меҳмонларга от миндирилади. Эгарда ўрнаб, тўпни бир айланиб чиқса, бас, ҳурмат қилиб соврин ҳам беришади.

Бир гал Эркин ака ҳам тўйда улоқ чопиб зўр соврин олган. Битта қирчанғини олиб келиб Эркин акани кўтар-кўтар билан эгарга жойлашувди, меҳмон «ҳайт» дейишларига улгурмаёқ қалин қор устига учиб тушди. «Ҳисобмас, ҳисобмас», деб бошқа от олиб келишди. Эркин ака бу гал ҳам қорга елка аралаш шўнғиб кетди. Оломон қийқириб кулар, ҳаммалари бараварига «Ҳисобмас, ҳисобмас» деб бақиришар эди. Учинчи отни олиб келишаётганида яна бир кори ҳол юз бермасин деб, ҳай-ҳайлаб қолдим. Эркин ака ранги оқарган, кўзлари ола-кула, менга илтижо қилдилар:

— Яхши одат экан. Фақат... ўлсам ҳисобми, дейман-да...

ҲИСОБЛИ ДУСТ АЙРИЛМАС

Қайси вилоятга борманг, тўртта ижодкор тўпланди дегунча Эркин акадан гап очилади. «Э, анави жингалак сочми, — дейишади пиқир-пиқир кулишиб, — кўринишидан биноийдек одам, аммо ғалати-ғалати қилиқлари бор-да».

Бир гал шоир йигитлардан бири китобидан хабар олгани Тошкентга келиб, Эркин аканинг уйида уч-тўрт кун туриб қолибди. Эркин ака «Сиз қайтаверинг, машинкадан чиқса, ўзимиз ўқиб туширворамиз», деса ҳам, «Ака муҳаррир, ўзим кўрганим маъқул, хотиржам кетаман», деб ёнбошлаб ётаверибди. Орадан бир ҳафта ўтса ҳамки, бу ёқда машинка касофат битмасмиш, уёқда меҳмон қимирламасмиш. Шунда десангиз, Эркин аканинг шумлиги тутибди.

Ўша куни кечқурун нима сабаб биландир Эркин аканинг уйига борувдим. Уч киши — мен, меҳмон, Эркин ака айвончада гаплашиб ўтирибмиз. Вақтим зиқлигини айтиб ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, аммо Эркин ака «Тайёр овқатни ташлаб кетманг», деб қўймади. Ҳай, нонбости бўлган экан, чоғроқ лаганга сузиб келишди. Энди «олинг-олинг» деб қўлни шайлаётган эдик, Эркин аканинг кичик ўғиллари Тоҳиржон олдимизга келиб ҳар биримизга бир варақдан қоғоз улашди. Ўқиб ҳангманг бўлиб қолибман. Машинкаланган бланка тепасида «Ҳисоб-китоб варақаси» деган ёзув. «Ф. И. О.» деган жойга фамилиям қўлда ёзиб қўйилибди. Ўша кунги число. Гўшт — 21,40 тийин; ёғ — 10,60 тийин; чой — 4,20 тийин; нон — 8 сўм; Бошқа харажатлар: 16 сўм 80 тийин.

Жами: 61 сўм.

Бошимни аста кўтарсам, меҳмон қўлидаги қоғозга қараб нима қилишини билмай жавдираб турибди: жами 2876 сўм 66 тийин. Эркин ака бўлса, «Жуда инсофдан чиқиб кетишдида», деб токчадаги чўтни олиб шақ-шуқ, шақ-шуқ қилиб бошқатдан ҳисоблаб ётибди. Баъзи рақамларнинг ёнига «Қайта ҳисоблаш керак!», «Инсоф борми?» деб ёзиб қўйгач, мезбон иккимиздан узр сўраб, бундай дедилар:

— Хафа бўлмайсизлар, энди. Уч ойдан бери аҳвол шу. Ёшимиз бир жойга борганда орамиздан оламушук ўтиб қозон-товоқни ажратиб олганмиз. Бунинг устига бозорнинг кўтарилганини айтмайсизми? Маошнинг аҳволи маълум. Ўтган ой бир ҳафталик овқат пулини вақтида тўламаган эдим, мана, эллик фоиз жаримаси билан ёзишибди...

Эркин ака «дарди»ни ошкор қилар экан, кўзлари чиндан ҳам аламли чақнаб кетди.

Чуқур хўрсиниб сигарета тутатди.

— Гап шу ерда қолсин, — давом этди Эркин ака меҳмон иккимизга раҳм қилгандай. — Счетни ташлаб кетаверинглар. Мана, помидор ҳам қизарай деб қолди. 4 жўяги меники. Бозорга олиб чиқиб сотсам, амаллаб тўлаб қўяман. Одамгарчиликдан озроқ бўлса-да, бор. Ҳали бирорта меҳмонга пул тўлатганим йўқ. Қани, овқатга қаранглар...

Бу гапдан кейин ажиб бир шиддат билан «нонбости»га ҳужум бошладик.

Эркин аканинг айтишича, меҳмон эртаси куни азонда, нонуштага ҳам қарамай жўнаб кетибди.

ИБН СИНО ҲИКМАТИ

Нима бўлдию Эркин аканикида катта зиёфат берилди. Тақачилик улфатлар билан роса яйрадик. Нориннинг ҳўли, қуруғи, қази-қарта, думба-жигар деганингиз керагидан ҳам мўл. Энг охирида Эркин аканинг ўзлари девзира гуручдан ош дамлаб катта сопол лаганга сузиб келдилар. Охирги қадаҳ сўзи у кишига берилди.

— Дўстлар, — дедилар Эркин ака вазмин оҳангда. — Гап таомда эмас. Ош-нон ҳамма жойда топилади. Бугун сизларга жиддий бир гап айтмоқчиман. Мана шу лаган раҳматли бувамизга буваларидан қолган экан. Салкам юз йилдан бери бизнинг сулолага хизмат қилади. Э, биродарлар, унга кимларнинг қўли тегмаган дейсиз. Бунақа табаррук идишга қўл теккизишнинг ўзи савоб. Қани, ошни совутмай олайлик. Охиригача еган киши лаган юзига битилган улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино ҳазратларининг нурмаъно бир ҳикматларини ўқишга муяссар бўлади. Қани, марҳамат.

Девзира палов иштаҳа билан ейилди Ҳар биримиз нурмаъно ҳикматни биринчи бўлиб ўқишга ошиқар эдик. Мана, ниҳоят, сўнгги ошам ҳам томоқдан ўтиб, ҳаммамизнинг кўзимиз қуйидаги ёзувга тушди: «Охиригача ейиш шарт эмас. Бизда ҳам бола-чақа бор. Эркин Сиддиқ Олим ўғли».

ЭЧКИ ГУШТИ

Эркин ака билан Эски шаҳар бозорига тушдик. Оладиганимиз икки кило гўшт. Бозор гавжум. Гунгурсдай йигитлар «Ёғ бор, гўшт бор», деб атрофимизни ўраб туришибди.

Эркин ака ҳеч нимага эътибор бермай кимнидир роса излади. Гўшт бозорининг уёғидан буёғига бир-икки бориб ҳам келдик. Охири бир четда қизғин савдо қилаётган қорача семиз аёлнинг олдига келиб бир нималар деди.

— Э, сенмисан, Эркин, бормисан, тирикмисан, — аёл худди ёшликдаги ўртоғини учратгандай самимий сўраша кетди. Эркин ака бўлса яна бир нималар деганди, аёл хандон отиб кулди.

— Сочингга оқ тушса ҳам эсинг кирмайди, бола.

— Эсим кирган, — деди Эркин ака жиддий. — Ҳазил-ҳузул қилиб ўтиришга вақтим йўқ. Икки кило дориликка керак, холос. Мана бу оғайнимиз атайлаб қидириб кепти...

Аёл ишонқирамай менга бошдан-оёқ разм солди. Гап нимадалигини билмасам-да, афтимни ҳорғин қилиб, «Илтимос, опа» дедим.

Аёл бўшашди. Эркин ака бўлса зуғумга ўтди:

— Бўл, вақтимиз зиқ, бу ердан топилмаса, Қўйлиққача борамиз.

Аёл шундан кейингина уёқ-буёққа аланглаб кимнидир қидира бошлади. Кейин анча нарини кўрсатиб, секин деди:

— Бахтиёрда бор.

Бахтиёр деганлари новча, шопмўйлов йигит экан. Унинг олдига тасодифан келиб қолгандай бўлдик.

— Келинг, ака, ёғ бор, гўшт бор.

Эркин ака икки килолик сарпанжани кўра бошлади.

— Олинг ака, пулингиз ўзингиз билан кетади. Эркак қўй. Свежи.

Эркин ака гўштни қўлига олиб, унга узоқ тикилиб қолди. Худди гўштни умрида биринчи бор кўраётгандай ости-устидан қараб шунақа ажабландики, мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Бу ҳам майли-я, худди бир нимани сезгандай ҳидлашга тушди. Ҳидлагани сари ҳайрон бўлар, бир гўштга, бир шопмўйловга сигирқараш қиларди. Нима бўлаётганини тушунмай гўштнинг кичкинагина бўлакчасини мен ҳам ҳидлаб кўрдим. Янги сўйилган гўшт. Яна нима бўлиши мумкин? Эркин ака бўлса, «Тавба, наҳотки...» дея бўлакчани қулоғи остига олиб келиб қисирлата бошлади. Овози бутунлай бошқача чиқди шекилли, бирдан кулимсираб, Бахтиёрнинг қулоғига бир нималар деди. Мен «шап» деган овозни эшитишга улгурдим, холос. Сотувчи йигит гўштни қўлимиздан юлиб олди-ю, ўзини оломон ичига урди.

Эркин ака унинг қулоғига «Биродар, эчки гўшти-ку», деган экан.



Рассом Рашид АБДУЛЛА

АРЗОН ВА СИФАТЛИ КУЛГИГА КЕП ҚОЛИНГ

Мана, яна бир йил билан хайрлашяпмиз. Бу йил чойхонамиз учун синов йили бўлди десак хато қилмаган бўламиз. Чунки кундан-кунга чойнагу пиёла билан бирга кулги ҳам камёб молга айланиб бормоқда. Биз эса кулги улашиб тирикчилик қиламиз. Кулги бўлмаган чойхонага қайси харидор кирарди, дейсиз. Шунинг учун бор имкониятни ишга солиб кулги ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикалар билан шартномалар туздик. Ва шу шартномалар асосида чойхона ишини йўлга қўйдик. Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Анвар Обиджон, Шароф Бошбеков, Турсунбой Адашбоев, Муҳаммад Очил, Муҳиддин Мадаминов, Абдураҳмон Иброҳимов, Илҳом Зойиров, Абдураззоқ Обрўй каби ҳажвчилар директорлик қилаётган кулги заводлари шартномаларга содиқ қолиб маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериб турдилар. Бу эса чойхонамизнинг яна ҳам гавжум, серфайз, серкулги бўлишини таъминлади. Шунинг учун чойхўрлар номидан бу заводлар директорлари ва жамоаларига самимий миннатдорчилик билдирамиз. Янги йилда ҳам ҳамкорлигимиз давом этишига ишончимиз комил.

Собиқ иттифоқ тарқаб кетгач кўплаб корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқа узилиб қолди. Натижада икки томон ҳам зарар кўрди. Айрим кулги заводлари шулардан ўрнак олиб, чойхонамизга ўз маҳсулотларини бермай қўйди. Бунга менингча пулнинг, яъни қалам ҳақининг қадрсизлангани сабаб бўлса керак. Аммо, на илож. Чойхонамизнинг «бартер» қиладиган маҳсулоти йўқ. Иқтисодий қийинчилик бизни ҳам қийнаб қўйган. Шунинг учун биз билан алоқасини узиб қўйган кулги заводлари директорлари — сурхондарёлик Алимардон Бўронов, андижонлик Аъзам Комилов, наманганлик А. Абдувалиев, ўшлик А. Абдуғафуров, тошкентлик Ориф Фармон, Суҳроб Очилов каби ҳажвчиларга, айрим карикатурачи рассомларга сал дангасалик қилганлари учун бу йил ҳисобидан кичкинагина ҳайфсанча эълон қилсак-да, янги йилда яна алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорлик қилиш ҳақида ваъда олсак. Уларга бизнинг чойхона — бу сизнинг чойхонангиз, яхши маҳсулот қолгунча ёмон газит сотилмай қолсин, дея мурожаат қабул қилсак. Ишончим комилки, бу мурожаатни барча чойхўрлар қўллаб қувватлайди.

Янги йилда чойхонамиз яна ҳам гавжум бўлади. Тошкент, Самарқанд ва Қувасой чинни заводларининг қўли гул усталари лаби синмаган, яп-янги пиёлалар, чойнаклар етказиб беришга ваъда берди. Чойхўрлик ҳам шунга яраша бўлади. Энг яхши «кулдирувчи»ларни меҳмонга чақирмоқчимиз. Ҳожибой Тожибоев, Мирза Холметов, Обид, Собит Асомовлар ва яна бошқа кўплаб қизиқчилар сизнинг хизматингизда бўлади. Хуллас, юқорида тилга олинган дунёда энг сифатли ва энг арзон кулги ишлаб чиқарадиган кулги заводларининг маҳсулотларидан баҳраманд бўлай десангиз янги йилда ҳам чойхонамизга марҳамат қилинг.

ШУМ БОЛА

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛА (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЙ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.35
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12